Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• МАХСУС СОН • 2009 йил 29 август • шанба • e-mail: info@press-iq.uz

Байрамингиз муборак бўлсин!

«Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдек эзгу ниятлар йўлида дадил одимлаётган мамлакатимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

АДЛИЯ МИНБАРИ:

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, жамиятда қонун устуворлиги

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ЖАҲОН саҳнида, дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллаган мамлакатимиз аҳли биз учун энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёналарини нишонлаш арафасида турибди. Озод ва обод юртимиз бўйлаб шу қутлуғ шодиёна шукуҳи кезмоқда. Яратувчан халқимиз қалбида бунёдкорлик иштиёқи тобора юксалиб бормоқда. Юртимиздаги осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, буюк келажагимизга бўлган қатъий ишонч, халқимизда мустақиллик деган улуғ неъматни асраш, озодлик ва бахт-иқбол йўлида янада жипслашиб бир мақсад йўлида дадил, олға интилиш учун чексиз куч-қудрат бахш этмоқда. Биз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланган жамиятда яшаяпмиз.

БУГУНГИ бунёдкорлигимиз замирида ҳам халқимиз истиқлолни олий ва улуғ неъмат эканлигини чуқур англаб етганлиги туйғуси ётибди, десак хато қилмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир юртдошимиз қалбида Ватанга чексиз муҳаббат, уни асраб-авайлаш, ардоқлаш туйғулари мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар бир фуқаро ўз иқболини шу юрт истиқболи билан муштараклигини англаяпти.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат ва жамоат ташкилотлари, турли муассасаларнинг ўз олдига қўйган вазифалари туб моҳиятида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек умумхалқ ишида фаол иштирок этиш мақсади мужассам. Бу интилишларимизнинг ҳаётий ифодаси ўтаётган ҳар бир кунимиз, асрларга татигулик йилларда тобора намоён бўлаётир. Жумладан, шу улуғ сафда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда муассасалари жамоалари ҳам астойдил меҳнат қилиб, умуммиллий ишимизга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, ўз фаолиятимизда жорий йилнинг ярим йиллик якунларига назар ташлаб, шу давр мисолида ҳам Адлия вазирлиги томонидан белгиланган аниқ режалар асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Бош қомусимиз ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини тобора такомиллаштириб, янада мустаҳкамланиб бораяпти. Турли идораларга юборилган фуқароларнинг мурожаатлари ортида, аввало, инсон ва унинг тақдири, орзу-умидлари, ишончи турганлигини адлия идоралари ходимлари чуқур ҳис қиладилар. Масалага инсон манфаати нуқтаи назаридан ёндашадилар.

Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида жамиятдаги айрим муаммоларнинг туб илдизига етиб бориш, ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан чора-тадбир белгилаш адлия идоралари ходимларининг асосий вазифалари сирасига киради. Энди аниқ далилларга ўтсак:

2009 йилнинг биринчи ярмида адлия идораларига инсон ҳуқуқлари соҳасида 3012 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 426 тасини ариза, 2418 тасини шикоят, 168 тасини «Ишонч телефонлари»га қилинган мурожаатлар ташкил этади.

«Ишонч телефонлари»га келиб тушган мурожаатларнинг 83 таси тўлиқ қаноатлантирилгани аҳолининг бу тармоққа бўлган ишончини тобора ошираётир. Шикоятларнинг 1502 таси тўлиқ кўриб чиқилган бўлиб, улардан 539 таси қаноатлантирилган, 737 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 741 таси эса кўриб чиқиш учун тегишли идораларга юборилган. Шунингдек, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиш асосида улар орасида 153 та мурожаат ўз тасдиғини топмаганини айтиб ўтишимиз мумкин.

Фуқаролардан келиб тушган шикоятлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мурожаатларнинг 18,5 фоизи меҳнат ва ижтимоий масалалар, 9,8 фоизи суд қарорларидан норозилик, 4,1 фоизи ер масалаларига оид, 3,5 фоизи суд ижрочилари хатти-ҳаракати устидан, 2 фоизга яқини банк соҳасига, 1,2 фоизи кредит соҳасига таалуқли, 61 фоизи бошқа масалаларга оид (уй-жой низолари, электр ва иссиқлик энергиясини етказиб берувчи ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот ва солиқ идоралари, нотариат ва ФҲДЁ, халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят ва бошқалар) шикоятлар ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур шикоятларнинг 40,7 фоизини ўрганиш натижасида адлия идоралари аралашуви билан фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди. Бу борада қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериш юзасидан тегишли идораларга 588 та тақдимнома киритилди. Ва ўз ўрнида уларда кўтарилган масалалар ўз ечимини топди. Адлия ёрдами билан муаммолар бартараф этилди.

Киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 795 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Масалан, Самарқанд вилояти онкология диспансерига киритилган тақдимномага кўра, диспансернинг барча ходимларига 14 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. «ТТЗ» ОАЖга ҳам шу масалада киритилган тақдимнома бўйича эса ушбу корхонанинг 2678 нафар ходимига 397 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маблағ ундирилди.

Мазкур соҳада қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 143 та огоҳлантириш, 158 та ёзма кўрсатма, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 214 та таклиф киритилди. Улар асосида 210 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Масъул шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳам 25 та таклиф киритилган бўлиб, шулардан 4 нафар масъул шахс жавобгарликка тортилди.

Масалан, Халқ банкининг Кармана тумани бўлими ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан фуқаро Ж.Бўроновнинг мурожаати бўйича Навоий вилояти прокуратурасига киритилган таклифга кўра, Жиноят кодексининг тегишли моддасига мувофиқ ушбу банк ходимларига ҳамда «Ихтиёр барака Рулис» фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаро А.Бегматовнинг Ўзбекистон-Қозоғистон «Грандстрой» фирмаси ходимлари уни Қозоғистон ҳудудида алдов йўли билан қурилиш ишларида ишлатиш билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилиши натижасида Тошкент шаҳар ИИББга таклиф киритилди. Ушбу фирма ходимларига нисбатан ҳам тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, суд идораларига қиймати 948 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1280 та даъво аризаси киритилди, шундан қиймати 514 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1246 та даъво ариза қаноатлантирилди. Суд қарорларига мувофиқ 153 та даъво ариза бўйича 59 нафар мансабдор шахсдан 82 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларини ҳаётга изчил татбиқ этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини нафақат тадбиркорларга, балки кенг жамоатчиликка тушунтириш муҳим ва устувор вазифа этиб белгиланган. Иқтисодиётимиз таянчи бўлган бу соҳа вакиллари ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланишларига кенг йўл очмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш, шу соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан 2009 йилга мўлжалланган ҳаракат Дастури тасдиқланиб, унинг ҳар бир банди ижроси алоҳида назоратга олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, улар фаолиятига асоссиз аралашувларга, йўл қўймасликни таъминлаш юзасидан 2009 йил 26 февралда тасдиқланган тадбирлар режаси амалиётга жорий қилинди. Ҳар бир иш ва ҳаракат ўз самараси билан тўла маънода мазмун-моҳиятга эга бўлади.

Жумладан, адлия органларига 2009 йилнинг 6 ойи давомида тадбиркорлардан жами 1144 та шикоят келиб тушди ва шулардан 943 таси кўриб чиқилиб, қонуний ечим топди, 116 таси тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган «Ишонч телефонлари»нинг ҳам мунтазам равишда ишлаётганлиги тадбиркорларга янада қулайлик яратмоқда. Буни ҳисобот даврида «Ишонч телефонлари»га тадбиркорлардан жами 799 та мурожаат келиб тушганлигида ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг жорий қилинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда 300 мингдан ортиқ тадбиркорлар ушбу китоб билан таъминланди. Шунингдек, тадбиркорларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, жорий йилда қўшимча равишда яна чоп этилган 22 минг дона китоб айни пайтда жойлардаги тадбиркорлик субъектларига етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга жойларда: «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши юзасидан доимий мониторинг ўтказилиб, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилаётир.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида адлия органлари томонидан 3959 та тадбиркорлик субъектларида мазкур китобнинг юритилиши юзасидан ўтказилган мониторинг жараёнида жами 279 та ҳолатда уни тўлдиришнинг белгиланган тартиби бузилганлиги аниқланди. Шу масала юзасидан адлия органлари томонидан киритилган 57 та тақдимнома ва 58 та кўрсатма ҳамда огоҳномаларга асосан 36 нафар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида ҳам адлия органлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим инспекциялар фаолиятида ҳали-ҳанузгача камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кузатилади.

Адлия органларининг масъул ходимлари ўтказган ўрганишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда 1470 та турли қонунбузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамларини очишда, уларга банклар томонидан хизматлар кўрсатилишида ҳам айрим камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланаётир. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда.

Адлия органларининг жойларда қонун ижросини ўрганишда ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибори уларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида тўлиқ тиклаш, айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ундириб берилишини таъминлаш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида адлия органлари томонидан 1346 та тақдимнома, 941 та огоҳнома ва 290 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 1801 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 105 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Адлия идоралари киритган таклифлар ҳамда расмийлаштирган маъмурий баённомаларга асосан 243 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунбузилиш ҳолатларини содир қилган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган таклифлар асосида 7 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги ноқонуний қилмишга жазо муқаррарлигини англатиши билан бирга мутасадди кишиларда ўз вазифасига масъуллик ҳиссини кучайтиради...

Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир

чеклашга олиб келадиган давлат бошқарув идораларининг 384 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ҳамда ҳудудий адлия бошқармалари томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксак тараққий этиши, ислоҳотларнинг кутилган самаралар беришида ҳар бир соҳада қонун устуворлигининг таъминланиши муҳим ўрин тутади. Бу эса миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштирилиши, тараққиёт талабларидан келиб чиқиб зарур ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилишига боғлиқдир. Шу маънода вазирлигимиз мутахассислари қонун ижодкорлиги жараёнларида фаол қатнашаётганлиги эътиборга молик, албатта.

Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил I ярим йиллиги даврида жами 505 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулосалар берилган. Жумладан, 63 та Қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2 та қарори лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 115 та Фармони, Қарори ва Фармойиши лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасининг 325 та қарори ва фармойиши лойиҳалари.

Хусусан, вазирлик томонидан **«Одам танаси аъзолари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш тўғрисида»**ги, **«Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»**ги, **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги (янги таҳрир) ва бошқа қонунлар лойиҳалари, Президентимизнинг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»**ги, **«Ёш оилалар учун уй-жой қуриш ва ипотекали кредитлашнинг миқёсларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги ва тегишли хулосалар берилганлиги бунга мисол бўла олади. Адлия вазирлигига тақдим қилинган жами 505 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларидан 358 тасига вазирлик раҳбарияти томонидан розилик имзоси қўйилган бўлиб, улардан 91 таси бевосита вазирликда ишчи тартибда қайта ишланди.

Шу билан бирга вазирлиги томонидан 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Уларнинг 12 таси қонун лойиҳасидир. Буларнинг барчаси қонун ижодкорлиги борасида вазирликнинг самарали фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг II–IX бўлимларида ишлаб чиқилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг умумий мониторинги олиб борилмоқда ҳамда ушбу ҳужжат лойиҳаларининг тайёрланишида ҳуқуқшуносларимиз иштирок этиб келмоқдалар.

Бугунги кунда Инқирозга қарши чоралар Дастурида белгиланган вазифаларнинг оғишмай бажарилаётгани мамлакатимизда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ушбу Дастур ижроси бўйича вазирлик ва идоралар томонидан тақдим қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг қисқа муддатда ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланмоқда. Зеро, бундай муҳим ҳужжатларнинг ҳаётийлиги ва ҳар томонлама мукаммаллиги Ватанимиз равнақи, халқимиз манфаати учун хизмат қилади.

Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив хусусиятга эга бўлган қарорлар лойиҳаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан 2009 йилнинг 6 ойи давомида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинган 298 та ҳужжатнинг 152 таси давлат рўйхатидан ўтказилган, 110 таси айрим камчиликлари сабабли рад этилган, 28 та ҳужжат техник ҳужжатлар, деб топилган. Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилиши, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Давлат реестридан чиқарилди.

Бироқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб, уларни қабул қилиш ва ижрога юбориш амалиёти оз бўлса-да, учраб турибди. Дейлик, умуммажбурий тусдаги 25 та ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга 10 та тақдимнома киритилиши натижасида бу ҳужжатлардан 21 таси бекор қилиниб, ижродан чақириб олинган, қолган 4 тасини бекор қилиш чоралари кўрилмоқда.

Кези келганда яна бир нарса хусусида тўхталиб ўтсак. Маълумки, **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Айрим ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг расмий нашрларда эълон қилинмаслиги уларнинг кучга кириши масаласида ноаниқликлар келтириб чиқаради ҳамда тегишли ҳудуд аҳолисининг бу каби қарорлардан бехабар қолишига ҳам олиб келади. Шуларни инобатга олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ҳудудий адлия бошқармалари иштирокида махсус ўқув машғулотлари ташкил этилганлигининг ижобий самаралари кўзга ташланмоқда.

Бу каби машғулотлар ҳудудий адлия бошқармалари билан ҳокимликлар ўртасида зарур қўшма чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

Жамиятда қонун устуворлигига тўла эришиш, аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо қилади. Ўтган давр мобайнида адлия органлари ва муассасалари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг салмоғи ва самараси анча ошди, десак янглишмаймиз. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари аниқ режалар асосида ташкил қилинаётир.

Амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, уларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига теран идрок билан қараш ҳиссини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва тафаккурини юксалтириш мақсадида адлия органлари ва муассасалари томонидан 24 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Шулардан 4855 таси оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилганлиги миллионлаб томошабин ва мухлисларни жамлаган ОАВ билан ҳамкорлигимиз равнақ топаётганлигининг натижасидир.

Жойларда аҳоли билан бевосита жонли мулоқотда бўлиш, бу йўналишдаги фаолиятимизнинг муҳим жиҳати саналади. Буни 18223 маротаба оғзаки тарғибот тадбирларининг тушунтириш маърузалари, давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий конференциялар тарзида ўтказилганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шунингдек, 286 та дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материаллар чоп этилди, тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилиб, 682 турдаги плакат ва буклетлар 24 мингтадан зиёд нусхада тайёрланган. Тадбирларнинг содда тилда, ҳаётий руҳда, қизиқарли олиб борилаётганлиги, шубҳасиз, одамларнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурига ижобий таъсир қилади.

Одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан «Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси» асосида қилинаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу борадаги тарғибот йиғинларида, айниқса, чекка қишлоқлар аҳолисини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур Қарор билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасининг тегишли бандлари ижроси бўйича юртимиз фуқароларининг хорижга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг январь-июнь ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан 2241 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди.

«Инсоннинг озодлиги — олий қадрият», «Одам савдоси — миллатга хиёнатдир», «Одам савдосига қарши курашиш — давр талаби», «Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз», «Одам савдосини бартараф қилиш ва унинг олдини олиш» мавзуларида семинар ва маърузалар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилиб, бу тадбирларда, айниқса, ёшларнинг иштирок этишига катта аҳамият берилмоқда. Шулар билан биргаликда мавзуга оид 2000 нусхада нашр этилган буклетлар тарқатилди.

Ҳар томонлама баркамол ва соғлом авлодни камол топтириш фарзандларимизнинг болаликдан жисмонан соғлом ўсиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликларда ёрқин акс этмоқда.

Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий Ахборот агентлиги билан ҳамкорликда идоралараро ишчи гуруҳи тузилганлиги ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги **«Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарорининг мазмун-моҳиятини семинар-тренинг тарзида тарғиб қилиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган идоралараро ҳамкорлик режасида белгиланган вазифаларни ижро этиш борасидаги кенг қамровли ишлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Шу бугунга қадар юқорида қайд қилинган идоралар масъул ходимлари иштирокида республикамизнинг барча ҳудудларида «Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш — туғма ва ирсий касалликлар ўчоғидир», «Туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш», «Тиббий генетик маслаҳатлар — соғлиқнинг гаровидир», «Туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси» каби кўплаб мавзуларда ФҲДЁ бўлимлари ходимлари, журналистлар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди.

Ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолиятимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мавзуига доир тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутади. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан мазкур йўналишда ҳам 2653 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги **«Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»**ги фармойишида белгиланган вазифалар юзасидан адлия органлари ва муассасаларида барча ходимлар иштирокида мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиб келинаётир. Шу билан бирга бошқа ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ҳам мутахассислар ушбу асардан кенг фойдаланишаётганини таъкидлаш лозим.

Тошкент Давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида Президентимизнинг мазкур китоби ўқув дастурларига киритилганлиги талаба ва ўқувчиларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштиришига ёрдам бераяпти. Шу мақсадда «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси ўқитувчилари томонидан алоҳида дастурлар, услубий тавсиялар, маърузалар матни тайёрланиб, Ахборот ресурс марказида талаба ва ўқувчиларнинг бу материаллар билан тўлиқ танишиш имконияти яратилди. Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ҳам шу мавзуга доир факультатив дарслар ташкил қилинган.

Жамият ҳаёти, соҳалар тараққиётида юртимизнинг жонкуяр, фидойи аёлларининг муносиб ўрни борлиги ҳар томонлама яратилган имкониятларнинг ҳаётий ифодасидир. Шу боис хотин-қизлар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, фермер аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга яратилган имтиёзлар юзасидан амалдаги меъёрий қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб этиш бўйича жойларда амалий семинарлар, жонли мулоқотлар ташкил қилинган.

Айниқса, аҳоли ўртасида диний экстремизм, терроризм ва миссионерлик каби иллатларнинг салбий оқибатларини кенг қамровда тушунтириш ҳозирги даврда муҳим вазифалардан бири саналади.

(Давоми. 4-бетда)

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

жамиятда қонун устуворлиги таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир

(Давоми. Боши 2- ва 3- бетларда)

Шу мақсадда жойларда «Миссионерлар ким ва уларнинг мақсади нима?», «Диний экстремизм ва миссионерликнинг салбий оқибатлари» мавзуларида 886 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Мавзуга оид рисолалар, савол-жавоб ва шарҳ тарзидаги қўлланмалар, плакатлар ва буклетлар тайёрланган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарори бўйича ишлаб чиқилган Адлия вазирлигининг тармоқ дастури ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси амалиётга йўналтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳамкорлик режалари икки томонлама ижрога қаратилди. Улар асосида 2009 йил биринчи ярим йиллиги давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан – 497 маротаба, Олий хўжалик суди билан — 143 маротаба, Бош прокуратура билан — 581 маротаба, Ички ишлар вазирлиги билан — 798 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида талаба ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларга кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи муассасалар билан — 541 маротаба, Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи муассасалар билан — 1058 маротаба тадбирлар ўтказилди.

Бинобарин, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари мазмун-моҳиятини халқимизга тушунарли тарзда етказиш жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир кишида қонунларга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, пировардида ҳуқуқий демократик жамият қуришга хизмат қилади. Бу борада ҳар томонлама мукаммал тарғибот олиб бориш, омма орасида қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, жамиятда қонунийликни таъминлаш учун амалий саъй-ҳаракатлар қилиш Адлия вазирлиги учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИ

Сайлов қонунчилиги такомиллашуви

Номзодлар ва сайловчилар манфаатини ҳимоя қилади

МАЪЛУМКИ, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида демократия талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига мос келадиган сайлов тизими яратилган бўлиб, бу тизим тадрижий равишда, мамлакатнинг демократик янгиланиши ва модернизацияланиши билан тенгма-тенг ривожланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг 2008 йил 25 декабрдаги **«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонуни сайлов қонунчилигининг янада такомиллашувидан далолат беради.

Жорий йилнинг 1 июль кунидан кучга кирган ушбу қонун мамлакатимизнинг парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсирини янада ошириш, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва фаоллигини кучайтириш мақсадларини ўз зиммасига олган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси, 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинди: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат».

Шунингдек, **«Сайлов тўғрисидаги қонунлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонуни асосида яна 12 та қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Натижада, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланадиган депутатлар сони бир юз йигирма нафардан бир юз эллик нафарга ортди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатнинг бир юз ўттиз беш нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита фуқаролар томонидан сайланиши, ўн беш нафари эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан сайланиши белгилаб қўйилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг ўттиз кишига ортиши ва улардан ўн беш нафарининг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши пировардида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган депутатлар сони ҳам ортади. Бу эса қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида самарадорликнинг ошишига, қонун ижодкорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятнинг яхшиланиши учун кураш, аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари бўйича профессионаллашувига хизмат қилади.

Сайлов қонунчилигидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этиши институти тугатилди.

Шу сабабли ҳам эндиги бўладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Бу норманинг ўрнатилиши сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини ҳамда масъулиятини янада оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизда тўртта сиёсий партия — **Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида муайян даражада иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги Қонунига мувофиқ давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишининг кафолати сифатида, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бермоқда.

Сайлов қонунчилигига **«Сиёсий партиянинг ваколатли вакили»** деган янги меъёрнинг киритилганлиги ҳам партияларга сайловда нафақат иштирок этиш, ўзаро назорат олиб бориш институтини вужудга келтирди. Сиёсий партиянинг ваколатли вакилига сайлов участкаларида овозларни санаш жараёнида қонун ҳужжатларига риоя этилишини бевосита кузатиб бориш ҳуқуқи берилди.

Бу институтнинг ўрнатилиши натижасида депутатликка номзод кўрсатган ҳар бир сиёсий партия томонидан овоз бериш ва овозларни санаш жараёнининг қонуний ва адолатли ўтишини бевосита кузатиб боришига ҳуқуқий асослар яратилди.

Шундай қилиб, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли бўлди.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини осонлаштириш мақсадида уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қўйилган талаблар енгиллаштирилди. Илгариги қонунчиликда сайловда қатнашиш учун 50 минг нафар сайловчининг овозини тўплаш зарур бўлган бўлса, амалга кирган янги қонунга мувофиқ ушбу рақам 40 мингтага ўзгартирилди. Бу билан сиёсий партияларга сайловларда янада фаолроқ иштирок этишлари учун имкониятлар яратилди.

Шунингдек, қонунчиликдаги сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида 6 ой олдин рўйхатдан ўтиши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам ўзгартирилиб, ушбу муддат 4 ой қилиб белгиланди.

Эндиликда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, сайловда иштирок этишини қўллабқувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплаши мумкин.

Албатта, имзо тўплаш жараёнида қонун талабларига қатъий риоя қилиниши лозим бўлади. Имзоларни сохталаштириш, моддий манфаатдорлик ваъда қилиш ёки бошқа ноқонуний йўллар билан имзо йиғиш тақиқланади.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. Қолаверса, имзоларни сохталаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради.

Маълумки, сайлов қонунчилигида Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин эди. Янги қонунда депутатликка номзодларнинг вакиллари сони 10 нафаргача бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу янгилик натижасида номзоднинг манфаатини кўзлаб ташвиқот юритувчи, сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар сони кенгайди.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш тартиби ҳам янада такомиллаштирилди. Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин эди. Янги қабул қилинган меъёрга мувофиқ шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, ушбу институт орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Бунда ҳар бир фуқаронинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги таъминланади.

Демак, мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси сайловларни адолатли, демократик ва қонуний ўтказилиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланиши, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шароитларни яратган ҳолда, эзгу мақсадлар йўлида демократик қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ

ТАДБИРКОРЛИК ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг ҳамда Инқирозга қарши чоралар Дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий йўналишидир.

ЗЕРО, бу борада республикамизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тадбиркорлик субъектларига янада кенг кўламда фаолият кўрсатиши учун қулайликлар ва имкониятлар яратмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарори асосида Адлия вазирлигининг тармоқ дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тижорат банклари томонидан қишлоқларда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳамда фермер хўжаликларига янги технологиялар олиб келиниши, қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиниши ва янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш мақсадида махсус жамғармалардан имтиёзли кредитлар ажратиш ишларига тегишли ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Асосий эътиборимизни қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот ишларига қаратганмиз.

Жорий йилнинг март ойида барча туманларда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида **«Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашишларга барҳам бериш чора-тадбирлари»** мавзуида давра суҳбатлари бўлиб ўтди ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида айрим назорат органлари ходимлари ҳанузгача тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиб, уларнинг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиб келаётганлиги ҳолатлари юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сонли Қарори талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида жойларда тадбиркорлик муаммолари ечими буйича ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни»да тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда. Жумладан, Кармана туманидаги «Ҳалилов Азиз келажаги» фермер хўжалиги бошлиғи А. Куллиев мурожаат этиб, Кармана тумани ҳокимлиги умумий бўлим мудири Б. Мустафоевга фермер хўжалигига ер майдонини захирага олиш тўғрисидаги туман ҳокими қарори ва ишчи гуруҳи далолатномасидан нусха беришни сўраганлигини, туман ҳокимлиги бўлим мудири Б. Мустафоев эса ундан қарор ва далолатнома нусхасини туман ҳокимлиги ҳисоб рақамига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 28040 сўм ундиргандан сўнг берганлигини баён қилган. Бу билан туман ҳокимлиги масъул ходими юқоридаги қарор талабларини бузган.

Вилоят адлия бошқармаси аралашгач, фермер хўжалигига ноқонуний ундирилган маблағ қайтарилиши таъминланди.

Шунингдек, Томди туманидаги «Бахаши» фермер хўжалиги бошлиғи Ю.Мавлоновнинг Томди тумани ҳокимлиги хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб йўллаган шикояти ўрганиб чиқилганда, Ю.Мавлонов 2007 йил 25 май куни туман ҳокимлигига умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун ер ажратишни сўраб, ариза билан мурожаат қилганлиги, туман ҳокимининг 2007 йил 16 июлдаги қарори билан фермер хўжалигига умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун 0,5 га. ер доимий фойдаланиш учун ажратилганлиги, фермер хўжалиги томонидан ушбу ажратилган ер участкасида қурилиш ишлари бошланган вақтда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан қурилишни тўхтатиш ва бошқа жойга кўчириш тўғрисида огоҳлантириш хати берилганлиги, мазкур ҳолат қонунийлиги жойида ўрганилганда тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилинаётганлиги аниқланди.

Томди тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, фермер хўжалиги фаолиятига қилинаётган тўсқинлик бартараф этилди ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Д. Сахиевга нисбатан ҳайфсан интизомий жазоси қўлланилди.

Бундан ташқари, Конимех туманининг Қорабоев номли кўчада яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг ичимлик суви етказиб беришда мавжуд муаммолар юзасидан йўллаган шикояти Омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили билан ҳамкорликда жойида ўрганиб чиқилиб, натижасига кўра, Конимех тумани ҳокимига тақдимнома киритилди ва тақдимномага асосан аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

Қизилтепа туманидаги «Нарзи Карим» фермер хўжалиги бошлиғи Ш.Каримов адлия бошқармаси «Ишонч телефони»га мурожаат этиб, «Қизилтепа ун заводи» ОАЖ томонидан топширилган бошоқли дон учун тўланадиган тўлов суммаси ноқонуний равишда аввалги йиллар қарзлари учун ушлаб қолинаётганлигидан норозилигини билдирган.

Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига асосан «Қизилтепа ун заводи» ОАЖдан ноқонуний ундирилган 2 721 043 сўм фермер хўжалигига ундириб берилди.

Ёки жиноят ишлари бўйича Конимех тумани судида 2008 йил давомида тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ўрганилганда, Конимех тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юритилишида айнан бир шахс бир нечта маъмурий ишларда «навбатчи холис» сифатида жалб қилиниб келинганлиги, хусусан, инспекция ходимлари Ё.Самандаров ва К.Комиловлар томонидан 2008 йил 2 майда якка тартибдаги тадбиркор Х.Муродов фаолиятида қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, текшириш натижасида жами 13000 сўмлик Хитойда ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган чой маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли холислар А.Шохназаров ва Х.Тагаевлар иштирокида далилий ашё сифатида олиб қўйиш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилган. Бошқа бир нечта маъмурий ишлар бўйича ҳам холислар иштирок этишган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, айрим назорат органларининг масъул ходимлари ҳанузгача иқтисодиётнинг асосий бўғини, бугун ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган тадбиркорлик фаолиятининг аҳамиятини тушуниб етмаяптилар.

Жамшид РАҲМОНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

ҲУҚУҚИ ҲИМОЯЛАНГАН ДЕҲҚОН

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Фермер хўжаликлари мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар.

УЛУҒБЕК ЙЎЛДОШЕВ асли деҳқон фарзанди. Отаси Шароф ака Йўлдошевни нафақат тошработликлар, балки қизилтепаликлар ҳам яхши билишади. У бутун умр қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган, ўн беш йил пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлган, саксонинчи йилларда эса «Гулбоғ» маҳалласида боғ-роғлар яратган заҳматкаш инсон. Деҳқончиликка меҳр қўйган, шунинг ортидан рўзғор тебратаётган У.Йўлдошев ҳам отаси ишини давом эттиришга ва ўз томорқа ери ҳисобидан деҳқон хўжалиги ташкил этишга қарор қилди.

Томорқасида кичик иссиқхона қуриб, кўчат кўпайтириш билан шуғулланаётган деҳқон келгусида иссиқхонани кенгайтириш ва фақат кўчат эмас, балки помидор ҳамда бодринг етиштириш режаларини дилига тугиб қўйганди. Худди ана шу мақсадда Қизилтепа тумани ҳокимига деҳқон хўжалиги очишга рухсат сўраб мурожаат қилди.

Минг афсуски, унинг бу орзуси осонликча ушалмади. Туман ҳокимига ёзган аризасига рад жавобини олгач, деҳқон хўжалигини очишга кўзи етмаган У.Йўлдошев вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилмаса, бу иш ижобий ҳал этилмаслигини англаб етди.

Вилоят адлия бошқармаси ўз томорқасидаги иссиқхонадан 10 йилдан буён кўчат экиб, 6 сотих ердан 2-3 тонна мева ва сабзавот етиштириб, бозорни тўлдираётган, ҳар йили 3-4 миллион сўм соф даромад олаётган деҳқонга ёрдам берди.

Шундан сўнг, бу масала Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида оилавий деҳқон хўжалигини ташкил этиш комиссияси йиғилишида кўриб чиқилди ва туман ҳокимининг 2009 йил 10 июлдаги қарори билан Улуғбек Йўлдошевга Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини «Сарой» маҳалласи ҳудудидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ўз томорқа ери ҳисобидан 0,08 гектар ва қўшимча томорқа ери ҳисобидан 0,14 гектар жами 0,22 гектар ажратиб берилди.

Фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

АДЛИЯ МИНБАРИ:

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, жамиятда қонун устуворлиги

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ЖАҲОН саҳнида, дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллаган мамлакатимиз аҳли биз учун энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёналарини нишонлаш арафасида турибди. Озод ва обод юртимиз бўйлаб шу қутлуғ шодиёна шукуҳи кезмоқда. Яратувчан халқимиз қалбида бунёдкорлик иштиёқи тобора юксалиб бормоқда. Юртимиздаги осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, буюк келажагимизга бўлган қатъий ишонч, халқимизда мустақиллик деган улуғ неъматни асраш, озодлик ва бахт-иқбол йўлида янада жипслашиб бир мақсад йўлида дадил, олға интилиш учун чексиз куч-қудрат бахш этмоқда. Биз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланган жамиятда яшаяпмиз.

БУГУНГИ бунёдкорлигимиз замирида ҳам халқимиз истиқлолни олий ва улуғ неъмат эканлигини чуқур англаб етганлиги туйғуси ётибди, десак хато қилмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир юртдошимиз қалбида Ватанга чексиз муҳаббат, уни асраб-авайлаш, ардоқлаш туйғулари мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар бир фуқаро ўз иқболини шу юрт истиқболи билан муштараклигини англаяпти.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат ва жамоат ташкилотлари, турли муассасаларнинг ўз олдига қўйган вазифалари туб моҳиятида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек умумхалқ ишида фаол иштирок этиш мақсади мужассам. Бу интилишларимизнинг ҳаётий ифодаси ўтаётган ҳар бир кунимиз, асрларга татигулик йилларда тобора намоён бўлаётир. Жумладан, шу улуғ сафда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда муассасалари жамоалари ҳам астойдил меҳнат қилиб, умуммиллий ишимизга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, ўз фаолиятимизда жорий йилнинг ярим йиллик якунларига назар ташлаб, шу давр мисолида ҳам Адлия вазирлиги томонидан белгиланган аниқ режалар асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Бош қомусимиз ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллаштирилиб, янада мустаҳкамланиб бораяпти. Турли идораларга юборилган фуқароларнинг мурожаатлари ортида, аввало, инсон ва унинг тақдири, орзу-умидлари, ишончи турганлигини адлия идоралари ходимлари чуқур ҳис қиладилар. Масалага инсон манфаати нуқтаи назаридан ёндашадилар.

Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида жамиятдаги айрим муаммоларнинг туб илдизига етиб бориш, ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан чора-тадбир белгилаш адлия идоралари ходимларининг асосий вазифалари сирасига киради. Энди аниқ далилларга ўтсак:

2009 йилнинг биринчи ярмида адлия идораларига инсон ҳуқуқлари соҳасида 3012 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 426 тасини ариза, 2418 тасини шикоят, 168 тасини «Ишонч телефонлари»га қилинган мурожаатлар ташкил этади.

«Ишонч телефонлари»га келиб тушган мурожаатларнинг 83 таси тўлиқ қаноатлантирилгани аҳолининг бу тармоққа бўлган ишончини тобора ошираётир. Шикоятларнинг 1502 таси тўлиқ кўриб чиқилган бўлиб, улардан 539 таси қаноатлантирилган, 737 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 741 таси эса кўриб чиқиш учун тегишли идораларга юборилган. Шунингдек, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиш асосида улар орасида 153 та мурожаат ўз тасдиғини топмаганини айтиб ўтишимиз мумкин.

Фуқаролардан келиб тушган шикоятлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мурожаатларнинг 18,5 фоизи меҳнат ва ижтимоий масалалар, 9,8 фоизи суд қарорларидан норозилик, 4,1 фоизи ер масалаларига оид, 3,5 фоизи суд ижрочилари хатти-ҳаракати устидан, 2 фоизга яқини банк соҳасига, 1,2 фоизи кредит соҳасига таллуқли, 61 фоизи бошқа масалаларга оид (уй-жой низолари, электр ва иссиқлик энергиясини етказиб берувчи ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот ва солиқ идоралари, нотариат ва ФҲДЁ, халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят ва бошқалар) шикоятлар ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур шикоятларнинг 40,7 фоизини ўрганиш натижасида адлия идоралари аралашуви билан фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди. Бу борада қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериш юзасидан тегишли идораларга 588 та тақдимнома киритилди. Ва ўз ўрнида уларда кўтарилган масалалар ўз ечимини топди. Адлия ёрдами билан муаммолар бартараф этилди.

Киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 795 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Масалан, Самарқанд вилояти онкология диспансерига киритилган тақдимномага кўра, диспансернинг барча ходимларига 14 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. «ТТЗ» ОАЖга ҳам шу масалада киритилган тақдимнома бўйича эса ушбу корхонанинг 2678 нафар ходимига 397 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маблағ ундирилди.

Мазкур соҳада қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 143 та огоҳлантириш, 158 та ёзма кўрсатма, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 214 та таклиф киритилди. Улар асосида 210 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Масъул шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳам 25 та таклиф киритилган бўлиб, шулардан 4 нафар масъул шахс жавобгарликка тортилди.

Масалан, Халқ банкининг Кармана тумани бўлими ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан фуқаро Ж.Бўроновнинг мурожаати бўйича Навоий вилояти прокуратурасига киритилган таклифга кўра, Жиноят кодексининг тегишли моддасига мувофиқ ушбу банк ходимларига ҳамда «Ихтиёр барака Рулис» фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаро А.Бегматовнинг Ўзбекистон-Қозоғистон «Грандстрой» фирмаси ходимлари уни Қозоғистон ҳудудида алдов йўли билан қурилиш ишларида ишлатиш билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилиши натижасида Тошкент шаҳар ИИББга таклиф киритилди. Ушбу фирма ходимларига нисбатан ҳам тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, суд идораларига қиймати 948 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1280 та даъво аризаси киритилди, шундан қиймати 514 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1246 та даъво ариза қаноатлантирилди. Суд қарорларига мувофиқ 153 та даъво ариза бўйича 59 нафар мансабдор шахсдан 82 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларини ҳаётга изчил татбиқ этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини нафақат тадбиркорларга, балки кенг жамоатчиликка тушунтириш муҳим ва устувор вазифа этиб белгиланган. Иқтисодиётимиз таянчи бўлган бу соҳа вакиллари ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланишларига кенг йўл очмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш, шу соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан 2009 йилга мўлжалланган ҳаракат Дастури тасдиқланиб, унинг ҳар бир банди ижроси алоҳида назоратга олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, улар фаолиятига асоссиз аралашувларга, йўл қўймасликни таъминлаш юзасидан 2009 йил 26 февралда тасдиқланган тадбирлар режаси амалиётга жорий қилинди. Ҳар бир иш ва ҳаракат ўз самараси билан тўла маънода мазмун-моҳиятга эга бўлади.

Жумладан, адлия органларига 2009 йилнинг 6 ойи давомида тадбиркорлардан жами 1144 та шикоят келиб тушди ва шулардан 943 таси кўриб чиқилиб, қонуний ечим топди, 116 таси тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган «Ишонч телефонлари»нинг ҳам мунтазам равишда ишлаётганлиги тадбиркорларга янада қулайлик яратмоқда. Буни ҳисобот даврида «Ишонч телефонлари»га тадбиркорлардан жами 799 та мурожаат келиб тушганлигида ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг жорий қилинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда 300 мингдан ортиқ тадбиркорлар ушбу китоб билан таъминланди. Шунингдек, тадбиркорларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, жорий йилда қўшимча равишда яна чоп этилган 22 минг дона китоб айни пайтда жойлардаги тадбиркорлик субъектларига етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга жойларда: «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши юзасидан доимий мониторинг ўтказилиб, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилаётир.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида адлия органлари томонидан 3959 та тадбиркорлик субъектларида мазкур китобнинг юритилиши юзасидан ўтказилган мониторинг жараёнида жами 279 та ҳолатда уни тўлдиришнинг белгиланган тартиби бузилганлиги аниқланди. Шу масала юзасидан адлия органлари томонидан киритилган 57 та тақдимнома ва 58 та кўрсатма ҳамда огоҳномаларга асосан 36 нафар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида ҳам адлия органлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим инспекциялар фаолиятида ҳали-ҳанузгача камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кузатилади.

Адлия органларининг масъул ходимлари ўтказган ўрганишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда 1470 та турли қонунбузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамларини очишда, уларга банклар томонидан хизматлар кўрсатилишида ҳам айрим камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланаётир. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда.

Адлия органларининг жойларда қонун ижросини ўрганишда ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибори уларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибида тўлиқ тиклаш, айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ундириб берилишини таъминлаш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида адлия органлари томонидан 1346 та тақдимнома, 941 та огоҳнома ва 290 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 1801 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 105 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Адлия идоралари киритган таклифлар ҳамда расмийлаштирган маъмурий баённомаларга асосан 243 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунбузилиш ҳолатларини содир қилган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган таклифлар асосида 7 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги ноқонуний қилмишга жазо муқаррарлигини англатиши билан бирга мутасадди кишиларда ўз вазифасига масъуллик ҳиссини кучайтиради...

Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир

чеклашга олиб келадиган давлат бошқарув идораларининг 384 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ҳамда ҳудудий адлия бошқармалари томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксак тараққий этиши, ислоҳотларнинг кутилган самаралар беришида ҳар бир соҳада қонун устуворлигининг таъминланиши муҳим ўрин тутади. Бу эса миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштирилиши, тараққиёт талабларидан келиб чиқиб зарур ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилишига боғлиқдир. Шу маънода вазирлигимиз мутахассислари қонун ижодкорлиги жараёнларида фаол қатнашаётганлиги эътиборга молик, албатта.

Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил I ярим йиллиги даврида жами 505 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулосалар берилган. Жумладан, 63 та Қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2 та қарори лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 115 та Фармони, Қарори ва Фармойиши лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасининг 325 та қарори ва фармойиши лойиҳалари.

Хусусан, вазирлик томонидан **«Одам танаси аъзолари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш тўғрисида»**ги, **«Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»**ги, **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги (янги таҳрир) ва бошқа қонунлар лойиҳалари, Президентимизнинг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»**ги, **«Ёш оилалар учун уй-жой қуриш ва ипотекали кредитлашнинг миқёсларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги ва тегишли хулосалар берилганлиги бунга мисол бўла олади. Адлия вазирлигига тақдим қилинган жами 505 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларидан 358 тасига вазирлик раҳбарияти томонидан розилик имзоси қўйилган бўлиб, улардан 91 таси бевосита вазирликда ишчи тартибда қайта ишланди.

Шу билан бирга вазирлиги томонидан 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Уларнинг 12 таси қонун лойиҳасидир. Буларнинг барчаси қонун ижодкорлиги борасида вазирликнинг самарали фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг II–IX бўлимларида ишлаб чиқилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг умумий мониторинги олиб борилмоқда ҳамда ушбу ҳужжат лойиҳаларининг тайёрланишида ҳуқуқшуносларимиз иштирок этиб келмоқдалар.

Бугунги кунда Инқирозга қарши чоралар Дастурида белгиланган вазифаларнинг оғишмай бажарилаётгани мамлакатимизда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ушбу Дастур ижроси бўйича вазирлик ва идоралар томонидан тақдим қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг қисқа муддатда ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланмоқда. Зеро, бундай муҳим ҳужжатларнинг ҳаётийлиги ва ҳар томонлама мукаммаллиги Ватанимиз равнақи, халқимиз манфаати учун хизмат қилади.

Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив хусусиятга эга бўлган қарорлар лойиҳаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан 2009 йилнинг 6 ойи давомида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинган 298 та ҳужжатнинг 152 таси давлат рўйхатидан ўтказилган, 110 таси айрим камчиликлари сабабли рад этилган, 28 та ҳужжат техник ҳужжатлар, деб топилган. Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилиши, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Давлат реестридан чиқарилди.

Бироқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб, уларни қабул қилиш ва ижрога юбориш амалиёти оз бўлса-да, учраб турибди. Дейлик, умуммажбурий тусдаги 25 та ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга 10 та тақдимнома киритилиши натижасида бу ҳужжатлардан 21 таси бекор қилиниб, ижродан чақириб олинган, қолган 4 тасини бекор қилиш чоралари кўрилмоқда.

Кези келганда яна бир нарса хусусида тўхталиб ўтсак. Маълумки, **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Айрим ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг расмий нашрларда эълон қилинмаслиги уларнинг кучга кириши масаласида ноаниқликлар келтириб чиқаради ҳамда тегишли ҳудуд аҳолисининг бу каби қарорлардан бехабар қолишига ҳам олиб келади. Шуларни инобатга олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ҳудудий адлия бошқармалари иштирокида махсус ўқув машғулотлари ташкил этилганлигининг ижобий самаралари кўзга ташланмоқда.

Бу каби машғулотлар ҳудудий адлия бошқармалари билан ҳокимликлар ўртасида зарур қўшма чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

Жамиятда қонун устуворлигига тўла эришиш, аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо қилади. Ўтган давр мобайнида адлия органлари ва муассасалари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг салмоғи ва самараси анча ошди, десак янглишмаймиз. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари аниқ режалар асосида ташкил қилинаётир.

Амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, уларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига теран идрок билан қараш ҳиссини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва тафаккурини юксалтириш мақсадида адлия органлари ва муассасалари томонидан 24 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Шулардан 4855 таси оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилганлиги миллионлаб томошабин ва мухлисларни жамлаган ОАВ билан ҳамкорлигимиз равнақ топаётганлигининг натижасидир.

Жойларда аҳоли билан бевосита жонли мулоқотда бўлиш, бу йўналишдаги фаолиятимизнинг муҳим жиҳати саналади. Буни 18223 маротаба оғзаки тарғибот тадбирларининг тушунтириш маърузалари, давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий конференциялар тарзида ўтказилганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шунингдек, 286 та дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материаллар чоп этилди, тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилиб, 682 турдаги плакат ва буклетлар 24 мингтадан зиёд нусхада тайёрланган. Тадбирларнинг содда тилда, ҳаётий рухда, қизиқарли олиб борилаётганлиги, шубҳасиз, одамларнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурига ижобий таъсир қилади.

Одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан «Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси» асосида қилинаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу борадаги тарғибот йиғинларида, айниқса, чекка қишлоқлар аҳолисини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур Қарор билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасининг тегишли бандлари ижроси бўйича юртимиз фуқароларининг хорижга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг январь-июнь ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунтириш юзасидан 2241 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди.

«Инсоннинг озодлиги — олий қадрият», «Одам савдоси — миллатга хиёнатдир», «Одам савдосига қарши курашиш — давр талаби», «Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз», «Одам савдосини бартараф қилиш ва унинг олдини олиш» мавзуларида семинар ва маърузалар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилиб, бу тадбирларда, айниқса, ёшларнинг иштирок этишига катта аҳамият берилмоқда. Шулар билан биргаликда мавзуга оид 2000 нусхада нашр этилган буклетлар тарқатилди.

Ҳар томонлама баркамол ва соғлом авлодни камол топтириш фарзандларимизнинг болаликдан жисмонан соғлом ўсиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликларда ёрқин акс этмоқда.

Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий Ахборот агентлиги билан ҳамкорликда идоралараро ишчи гуруҳи тузилганлиги ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги **«Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарорининг мазмун-моҳиятини семинар-тренинг тарзида тарғиб қилиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган идоралараро ҳамкорлик режасида белгиланган вазифаларни ижро этиш борасидаги кенг қамровли ишлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Шу бугунга қадар юқорида қайд қилинган идоралар масъул ходимлари иштирокида республикамизнинг барча ҳудудларида «Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш — туғма ва ирсий касалликлар ўчоғидир», «Туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш», «Тиббий генетик маслаҳатлар — соғлиқнинг гаровидир», «Туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси» каби кўплаб мавзуларда ФҲДЁ бўлимлари ходимлари, журналистлар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди.

Ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолиятимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мавзуига доир тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутади. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан мазкур йўналишда ҳам 2653 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги **«Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»**ги фармойишида белгиланган вазифалар юзасидан адлия органлари ва муассасаларида барча ходимлар иштирокида мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиб келинаётир. Шу билан бирга бошқа ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ҳам мутахассислар ушбу асардан кенг фойдаланишаётганини таъкидлаш лозим.

Тошкент Давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида Президентимизнинг мазкур китоби ўқув дастурларига киритилганлиги талаба ва ўқувчиларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштиришига ёрдам бераяпти. Шу мақсадда «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси ўқитувчилари томонидан алоҳида дастурлар, услубий тавсиялар, маърузалар матни тайёрланиб, Ахборот ресурс марказида талаба ва ўқувчиларнинг бу материаллар билан тўлиқ танишиш имконияти яратилди. Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ҳам шу мавзуга доир факультатив дарслар ташкил қилинган.

Жамият ҳаёти, соҳалар тараққиётида юртимизнинг жонкуяр, фидойи аёлларининг муносиб ўрни борлиги ҳар томонлама яратилган имкониятларнинг ҳаётий ифодасидир. Шу боис хотин-қизлар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, фермер аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга яратилган имтиёзлар юзасидан амалдаги меъёрий қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб этиш бўйича жойларда амалий семинарлар, жонли мулоқотлар ташкил қилинган.

Айниқса, аҳоли ўртасида диний экстремизм, терроризм ва миссионерлик каби иллатларнинг салбий оқибатларини кенг қамровда тушунтириш ҳозирги даврда муҳим вазифалардан бири саналади.

(Давоми. 4-бетда)

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

жамиятда қонун устуворлиги таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир

(Давоми. Боши 2- ва 3- бетларда)

Шу мақсадда жойларда «Миссионерлар ким ва уларнинг мақсади нима?», «Диний экстремизм ва миссионерликнинг салбий оқибатлари» мавзуларида 886 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Мавзуга оид рисолалар, савол-жавоб ва шарҳ тарзидаги қўлланмалар, плакатлар ва буклетлар тайёрланган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарори бўйича ишлаб чиқилган Адлия вазирлигининг тармоқ дастури ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси амалиётга йўналтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳамкорлик режалари икки томонлама ижрога қаратилди. Улар асосида 2009 йил биринчи ярим йиллиги давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан – 497 маротаба, Олий хўжалик суди билан — 143 маротаба, Бош прокуратура билан — 581 маротаба, Ички ишлар вазирлиги билан — 798 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида талаба ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларга кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи муассасалар билан — 541 маротаба, Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи муассасалар билан — 1058 маротаба тадбирлар ўтказилди.

Бинобарин, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари мазмун-моҳиятини халқимизга тушунарли тарзда етказиш жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир кишида қонунларга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, пировардида ҳуқуқий демократик жамият қуришга хизмат қилади. Бу борада ҳар томонлама мукаммал тарғибот олиб бориш, омма орасида қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, жамиятда қонунийликни таъминлаш учун амалий саъй-ҳаракатлар қилиш Адлия вазирлиги учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

САЙЛОВ ВА САЙЛОВЧИ

Сайлов қонунчилиги такомиллашуви

Номзодлар ва сайловчилар манфаатини ҳимоя қилади

МАЪЛУМКИ, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида демократия талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига мос келадиган сайлов тизими яратилган бўлиб, бу тизим тадрижий равишда, мамлакатнинг демократик янгиланиши ва модернизацияланиши билан тенгма-тенг ривожланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг 2008 йил 25 декабрдаги **«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонуни сайлов қонунчилигининг янада такомиллашувидан далолат беради.

Жорий йилнинг 1 июль кунидан кучга кирган ушбу қонун мамлакатимизнинг парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсирини янада ошириш, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва фаоллигини кучайтириш мақсадларини ўз зиммасига олган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси, 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинди: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат».

Шунингдек, **«Сайлов тўғрисидаги қонунлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонуни асосида яна 12 та қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Натижада, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланадиган депутатлар сони бир юз йигирма нафардан бир юз эллик нафарга ортди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатнинг бир юз ўттиз беш нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита фуқаролар томонидан сайланиши, ўн беш нафари эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан сайланиши белгилаб қўйилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг ўттиз кишига ортиши ва улардан ўн беш нафарининг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши пировардида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган депутатлар сони ҳам ортади. Бу эса қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида самарадорликнинг ошишига, қонун ижодкорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятнинг яхшиланиши учун кураш, аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари бўйича профессионаллашувига хизмат қилади.

Сайлов қонунчилигидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этиши институти тугатилди.

Шу сабабли ҳам эндиги бўладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Бу норманинг ўрнатилиши сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини ҳамда масъулиятини янада оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизда тўртта сиёсий партия — **Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида муайян даражада иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги Қонунига мувофиқ давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишининг кафолати сифатида, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бермоқда.

Сайлов қонунчилигига **«Сиёсий партиянинг ваколатли вакили»** деган янги меъёрнинг киритилганлиги ҳам партияларга сайловда нафақат иштирок этиш, ўзаро назорат олиб бориш институтини вужудга келтирди. Сиёсий партиянинг ваколатли вакилига сайлов участкаларида овозларни санаш жараёнида қонун ҳужжатларига риоя этилишини бевосита кузатиб бориш ҳуқуқи берилди.

Бу институтнинг ўрнатилиши натижасида депутатликка номзод кўрсатган ҳар бир сиёсий партия томонидан овоз бериш ва овозларни санаш жараёнининг қонуний ва адолатли ўтишини бевосита кузатиб боришига ҳуқуқий асослар яратилди.

Шундай қилиб, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли бўлди.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини осонлаштириш мақсадида уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қўйилган талаблар енгиллаштирилди. Илгариги қонунчиликда сайловда қатнашиш учун 50 минг нафар сайловчининг овозини тўплаш зарур бўлган бўлса, амалга кирган янги қонунга мувофиқ ушбу рақам 40 мингтага ўзгартирилди. Бу билан сиёсий партияларга сайловларда янада фаолроқ иштирок этишлари учун имкониятлар яратилди.

Шунингдек, қонунчиликдаги сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида 6 ой олдин рўйхатдан ўтиши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам ўзгартирилиб, ушбу муддат 4 ой қилиб белгиланди.

Эндиликда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, сайловда иштирок этишини қўллабқувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплаши мумкин.

Албатта, имзо тўплаш жараёнида қонун талабларига қатъий риоя қилиниши лозим бўлади. Имзоларни сохталаштириш, моддий манфаатдорлик ваъда қилиш ёки бошқа ноқонуний йўллар билан имзо йиғиш тақиқланади.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. Қолаверса, имзоларни сохталаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради.

Маълумки, сайлов қонунчилигида Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин эди. Янги қонунда депутатликка номзодларнинг вакиллари сони 10 нафаргача бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу янгилик натижасида номзоднинг манфаатини кўзлаб ташвиқот юритувчи, сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар сони кенгайди.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш тартиби ҳам янада такомиллаштирилди. Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин эди. Янги қабул қилинган меъёрга мувофиқ шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, ушбу институт орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Бунда ҳар бир фуқаронинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги таъминланади.

Демак, мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси сайловларни адолатли, демократик ва қонуний ўтказилиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланиши, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шароитларни яратган ҳолда, эзгу мақсадлар йўлида демократик қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ

ТАДБИРКОРЛИК ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг ҳамда Инқирозга қарши чоралар Дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий йўналишидир.

ЗЕРО, бу борада республикамизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тадбиркорлик субъектларига янада кенг кўламда фаолият кўрсатиши учун қулайликлар ва имкониятлар яратмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарори асосида Адлия вазирлигининг тармоқ дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тижорат банклари томонидан қишлоқларда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳамда фермер хўжаликларига янги технологиялар олиб келиниши, қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиниши ва янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш мақсадида махсус жамғармалардан имтиёзли кредитлар ажратиш ишларига тегишли ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Асосий эътиборимизни қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот ишларига қаратганмиз.

Жорий йилнинг март ойида барча туманларда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида **«Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашишларга барҳам бериш чора-тадбирлари»** мавзуида давра суҳбатлари бўлиб ўтди ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида айрим назорат органлари ходимлари ҳанузгача тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиб, уларнинг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиб келаётганлиги ҳолатлари юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сонли Қарори талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида жойларда тадбиркорлик муаммолари ечими буйича ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни»да тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда. Жумладан, Кармана туманидаги «Ҳалилов Азиз келажаги» фермер хўжалиги бошлиғи А. Куллиев мурожаат этиб, Кармана тумани ҳокимлиги умумий бўлим мудири Б. Мустафоевга фермер хўжалигига ер майдонини захирага олиш тўғрисидаги туман ҳокими қарори ва ишчи гуруҳи далолатномасидан нусха беришни сўраганлигини, туман ҳокимлиги бўлим мудири Б. Мустафоев эса ундан қарор ва далолатнома нусхасини туман ҳокимлиги ҳисоб рақамига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 28040 сўм ундиргандан сўнг берганлигини баён қилган. Бу билан туман ҳокимлиги масъул ходими юқоридаги қарор талабларини бузган.

Вилоят адлия бошқармаси аралашгач, фермер хўжалигига ноқонуний ундирилган маблағ қайтарилиши таъминланди.

Шунингдек, Томди туманидаги «Бахаши» фермер хўжалиги бошлиғи Ю.Мавлоновнинг Томди тумани ҳокимлиги хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб йўллаган шикояти ўрганиб чиқилганда, Ю.Мавлонов 2007 йил 25 май куни туман ҳокимлигига умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун ер ажратишни сўраб, ариза билан мурожаат қилганлиги, туман ҳокимининг 2007 йил 16 июлдаги қарори билан фермер хўжалигига умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун 0,5 га. ер доимий фойдаланиш учун ажратилганлиги, фермер хўжалиги томонидан ушбу ажратилган ер участкасида қурилиш ишлари бошланган вақтда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан қурилишни тўхтатиш ва бошқа жойга кўчириш тўғрисида огоҳлантириш хати берилганлиги, мазкур ҳолат қонунийлиги жойида ўрганилганда тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилинаётганлиги аниқланди.

Томди тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, фермер хўжалиги фаолиятига қилинаётган тўсқинлик бартараф этилди ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Д. Сахиевга нисбатан ҳайфсан интизомий жазоси қўлланилди.

Бундан ташқари, Конимех туманининг Қорабоев номли кўчада яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг ичимлик суви етказиб беришда мавжуд муаммолар юзасидан йўллаган шикояти Омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили билан ҳамкорликда жойида ўрганиб чиқилиб, натижасига кўра, Конимех тумани ҳокимига тақдимнома киритилди ва тақдимномага асосан аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

Қизилтепа туманидаги «Нарзи Карим» фермер хўжалиги бошлиғи Ш.Каримов адлия бошқармаси «Ишонч телефони»га мурожаат этиб, «Қизилтепа ун заводи» ОАЖ томонидан топширилган бошоқли дон учун тўланадиган тўлов суммаси ноқонуний равишда аввалги йиллар қарзлари учун ушлаб қолинаётганлигидан норозилигини билдирган.

Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига асосан «Қизилтепа ун заводи» ОАЖдан ноқонуний ундирилган 2 721 043 сўм фермер хўжалигига ундириб берилди.

Ёки жиноят ишлари бўйича Конимех тумани судида 2008 йил давомида тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ўрганилганда, Конимех тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юритилишида айнан бир шахс бир нечта маъмурий ишларда «навбатчи холис» сифатида жалб қилиниб келинганлиги, хусусан, инспекция ходимлари Ё.Самандаров ва К.Комиловлар томонидан 2008 йил 2 майда якка тартибдаги тадбиркор Х.Муродов фаолиятида қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, текшириш натижасида жами 13000 сўмлик Хитойда ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган чой маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли холислар А.Шохназаров ва Х.Тагаевлар иштирокида далилий ашё сифатида олиб қўйиш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилган. Бошқа бир нечта маъмурий ишлар бўйича ҳам холислар иштирок этишган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, айрим назорат органларининг масъул ходимлари ҳанузгача иқтисодиётнинг асосий бўғини, бугун ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган тадбиркорлик фаолиятининг аҳамиятини тушуниб етмаяптилар.

Жамшид РАҲМОНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

ҲУҚУҚИ ҲИМОЯЛАНГАН ДЕҲҚОН

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Фермер хўжаликлари мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришга ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар.

УЛУҒБЕК ЙЎЛДОШЕВ асли деҳқон фарзанди. Отаси Шароф ака Йўлдошевни нафақат тошработликлар, балки қизилтепаликлар ҳам яхши билишади. У бутун умр қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган, ўн беш йил пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлган, саксонинчи йилларда эса «Гулбоғ» маҳалласида боғ-роғлар яратган заҳматкаш инсон. Деҳқончиликка меҳр қўйган, шунинг ортидан рўзғор тебратаётган У.Йўлдошев ҳам отаси ишини давом эттиришга ва ўз томорқа ери ҳисобидан деҳқон хўжалиги ташкил этишга қарор қилди.

Томорқасида кичик иссиқхона қуриб, кўчат кўпайтириш билан шуғулланаётган деҳқон келгусида иссиқхонани кенгайтириш ва фақат кўчат эмас, балки помидор ҳамда бодринг етиштириш режаларини дилига тугиб қўйганди. Худди ана шу мақсадда Қизилтепа тумани ҳокимига деҳқон хўжалиги очишга рухсат сўраб мурожаат қилди.

Минг афсуски, унинг бу орзуси осонликча ушалмади. Туман ҳокимига ёзган аризасига рад жавобини олгач, деҳқон хўжалигини очишга кўзи етмаган У.Йўлдошев вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилмаса, бу иш ижобий ҳал этилмаслигини англаб етди.

Вилоят адлия бошқармаси ўз томорқасидаги иссиқхонадан 10 йилдан буён кўчат экиб, 6 сотих ердан 2-3 тонна мева ва сабзавот етиштириб, бозорни тўлдираётган, ҳар йили 3-4 миллион сўм соф даромад олаётган деҳқонга ёрдам берди.

Шундан сўнг, бу масала Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида оилавий деҳқон хўжалигини ташкил этиш комиссияси йиғилишида кўриб чиқилди ва туман ҳокимининг 2009 йил 10 июлдаги қарори билан Улуғбек Йўлдошевга Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини «Сарой» маҳалласи ҳудудидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ўз томорқа ери ҳисобидан 0,08 гектар ва қўшимча томорқа ери ҳисобидан 0,14 гектар жами 0,22 гектар ажратиб берилди.

Фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ИНСОН оилада тарбияланади, жисмонан ва маънан камол топади, яхши фазилатларни ўрганади.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, оила маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларни босқичма-босқич юқори поғонага кўтаришга эътибор қаратилди.

Оила қураётган ёшларга мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга эришиш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган, жумладан, эр-хотиннинг бурчи ва вазифалари, оилада тиббий маданият, оила саводхонлиги, ёш оиланинг ҳуқуқ ва бурчларини кенг тарғиб этувчи суҳбатлар ва учрашувлар ўзининг самарасини бермоқда.

Туманда оилавий ажрашишларнинг камаяётганлиги, вояга етмаганлар ўртасида никоҳни қайд этиш ҳолатининг йўқлиги, никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиши изга тушганлигини яхши натижалар қаторига қўшиш мумкин. Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Оила дорилфунуни» эса ёшларни турмушга тайёрлашга хизмат қилмоқда. Мазкур дорилфунун машғулотлари нафақат туман ФҲДЁ бўлимида, балки мактаб, лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида «Оила — шаъни муқаддас», «Сиз муҳаббат ёшидасиз», «Оила — меҳр қўрғони» мавзуларида очиқ мулоқотлар, маҳаллаларда эса «Фарзандингиз севги ёшида», «Қизларни турмушга тайёрлаш» мавзуларида давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилмоқда. Ёшларимиз оила дорилфунунида, шунингдек, оила ахлоқи ва одоби, бахтли бўлиш сирлари, турмушда учрайдиган муаммоларни ечиш борасида ҳам ҳаётий сабоқлар оладилар.

Аммо шунга қарамасдан, кундалик иш фаолиятимизда оила ва никоҳ муносабатларида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, оила қуриб, икки-уч нафар фарзандли бўлгунга қадар никоҳни қонуний қайд этишга эътибор қилмасдан юрган ота-оналар ҳам борлиги ачинарли, албатта. Ва бундай эътиборсизлик оталикни белгилаш кўрсаткичлари ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Қайси бир ҳолларда оилалар мустаҳкамлигига путур етказмоқда. Ҳатто оилаларнинг арзимаган ҳаёт синовларига дош беролмай, бузилиб кетишига ҳам никоҳни қайд этмаслик йўл очиб бермоқда.

Бугунги кунда ана шундай нохуш ҳолатларнинг бўлмаслиги учун Карманада ҳар бир оиланинг тўй маросимида никоҳни қайд этишни анъанага айлантирганмиз. Бу ишда бизга маҳаллалар билан ҳамкорлигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз қўл келмоқда. Расмий никоҳ эр-хотин ўртасидаги барча мулкий муносабатларни тартибга солади. Энг муҳими, аёлнинг, қолаверса, фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқларига бўладиган таҳдидларнинг олди олинади.

Бундан ташқари, оилаларимиз тинчлиги юртимиз осойишталигининг гарови эканлигини ҳам унутмаймиз. Ёшлар мафкурасига таъсир ўтказиши мумкин бўлган диний ақидапарастлик ва бошқа оқимларнинг хавфли иллат эканлигини тушунтириш ҳамда бугунги даврнинг энг оғир муаммоларидан бири бўлган одам савдосига қарши курашиш нечоғли зарурлигини фуқаролар онгига сингдириш ФҲДЁ тизими органларининг бурчидир.

Сайёра ЖУМАНОВА,
Кармана тумани ФҲДЁ бўлими мудири

ТАЪЛИМ

ОНА СЎЗИДЕК АЗИЗ...

МАКТАБ, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган.

КЕЛАЖАГИМИЗ пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, унинг узвий ва мантиқий давоми саналган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури қабул қилинганлиги кўзланган эзгу ниятларимизни амалга оширишга асос бўлмоқда.

Бизнинг Зулфия номли 3-сонли умумий таълим мактаби ўтган йили Навоий шаҳрининг 50 йиллиги шарафига биринчи ўқувчиларини бағрига олди.

630 ўринли таълим масканида бугунги кунда 600 дан ортиқ йигит-қиз билим олмоқда. Ёшларга 52 нафар тажрибали, олий маълумотли педагог-ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

Янги мактабимиз замонавий ўқув жиҳозлари билан бир қаторда, спорт зали, спорт анжомлари, компьютер техникаси билан таъминланган. Замонавий технология асосида фаолият юритаётган янги мактабда янги ўқув режаси, дарсликлар, таълим стандартлари яратилиб, ўқитувчилар ва ўқувчилар ихтиёрига тақдим этилди.

Таълим масканимизда «Психология маркази» ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар психолог-педагог Ҳулкар Ўринова маслаҳатларидан фойдаланиб, ўзлари учун тегишли сабоқ олмоқдалар.

Бунинг самарасини, айниқса, «Маҳалла — оила — мактаб» ҳамкорлигида яққол кўриш мумкин. «Хончарвоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бешим Тиллаев бу борада биз билан маслакдош. Ана шунинг натижасида вояга етмаганлар жиноятининг олди олинмоқда.

Мактабимизда ўқувчиларнинг умуман бўш вақти йўқ. 10 та тўгарак болалар ихтиёрида. «Инглиз тилида сўзлашамиз», «Ўз тарихимизни ўрганамиз», «Адабиёт — ҳаёт дарслиги» «Ҳайкалтарошлик» каби тўгаракларнинг мухлислари ҳам, ютуқлари ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Дилноза Қаршиева раҳбарлик қилаётган «Ҳайкалтарошлик» тўгарагига иқтидорли йигит-қизлар жалб этилган. Нозик дид ва меҳнатни талаб қиладиган бу соҳада ўқувчиларимиз катта ютуқларни қўлга киритишга ҳам эришди. Шерзод Сафаров лойдан тайёрлаган ҳар бир шакл, ҳар бир предмет ўзига хослиги билан ажралиб туради. У Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлди. Республикада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бундай истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларимиз қаторида Умида Ҳайдарова, Шоҳруҳ Нуруллаев, Жавоҳир Иноятуллаевларни фахр билан тилга олиш мумкин.

Педагогик жамоамиз ҳам янги замонавий талабга мос. Гулчеҳра Ҳамроева, Насиба Худойбердиева, Зебо Ғойипова, Озода Мансурова, Комила Қаҳҳорова, Маҳбуба Сафарова, Шаҳноза Алимова, Шоҳсанам Носирова каби устозмураббийлар эса ёшларимизни янги довонларни кўзлашга руҳлантирмоқда.

Мактаб ҳудудидаги ер майдони мавжуд 23 та синф ўқувчиларига бўлиб берилди. Синф раҳбарлари бошчилигида мевали, манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экиб, парваришланмоқда. «Умид қўрғони», «Хончарвоқ» маҳалласининг 1036 та хонадонига ўқувчиларимиз бириктирилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилган.

Ҳафиза ЖЎРАЕВА,
Навоий шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби директори

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ

ЎЗБЕКИСТОНДА аёлга эҳтиром, аёлга эътибор ўзгача. Оналик ва болалик муҳофазаси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги эътиборга молик.

ЗУЛФИЯ БОҒИДАНМИЗ...

ЮРТБОШИМИЗ томонидан иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар дунёнинг бирорта мамлакатида йўқ. 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги кўп республикалардаги тенгдошларимизда ҳавас уйғотганлигини турли халқаро тадбирларда иштирок этган чоғимда ўзим гувоҳи бўлганман. Ҳар йили ўзбек аёли номидаги биринчи Давлат мукофоти билан тақдирланган қизларга, айниқса, навоийлик совриндорлар – Муҳаббат Темирова, Зебунисо Исанова, Ҳулкар Ўринова, Гулноза Назароваларга мен ҳам ҳавас қилиб, қанийди, шулар сафидан ўрин олсам, дердим.

Мана йиллар ўтиб, ана шу орзуимга етдим. Умримнинг ўн саккизинчи баҳорида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари сафидан ўрин олдим.

Бу ҳаётимдаги энг унутилмас кун, энг ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Болалиқдаги орзуларим рўёбга чиқаётганидан жуда мамнунман.

Бу йил Зарафшон шаҳар тиббиёт коллежини тугатдим. Шаҳар «Камолот»чилари сардорлар кенгаши раисиман, шаҳарда «Зулфия қизлари» клубига раҳбарлик қилаяпман.

Шаҳар телевидениеси орқали ёшлар ҳаёти ва орзу-интилишларини ўзида акс эттирган «Камалак жилоси» тележурналида бошловчилик қилишга ҳам фурсат топаман.

Турли тантаналар, умумхалқ байрамларида сценарийлар ёзишнинг ҳам мен учун ўзгача гашти бор. Юртимизга ярашган гўзал байрамларнинг шукуҳини барчага кўз-кўз қилгим келади.

«Меҳр сарчашмалари» номли шеъриий тўпламим нашр этилган. «Кийиниш маданияти» ҳамда «Одам савдоси – умумжаҳон ғавғоси» илмий рисолаларим билан тенгдошларим маданияти ва маънавиятини бойитишга ҳаракат қилаяпман, ёшларни огоҳликка даъват этаяпман.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликларга муносиб бўлишга интилишим ва асл фарзандлик жавобимдир.

Истиқлол тенгдошиман. Бу мен учун яна бир ифтихор. Совриндор сифатида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга имтиёзли қабул қилиндим. Мендек оддий оила фарзанди учун бундан ортиқ бахт борми?

Севимли шоирамиз Зулфияхоним **«Бу боғлар бир боғлар бўлади, ҳали...»** деб ёш ижодкорларга катта умид ва ишонч билан қараганларида улуғ ҳикмат борга ўхшайди. Дарҳақиқат, биз Зулфия боғиданмиз. Бу боғ, бу чаман озод Ўзбекистонда ҳеч қачон завол кўрмайди. Албатта, **бу боғлар зўр боғлар бўлади, ҳали...**

Гулноза ШАРОФОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

БУГУН савдо дўконларига кириб, кўзингиз қувонади. Ҳатто чекка қишлоқларимизда ҳам замонавий меъморчиликдан андаза олган шинам минимаркетлар бунёд этилганлигини, улардаги мўл-кўлликни, ранг-баранглиқни кўриб ҳавасингиз келади. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан, албатта.

ЭЛГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР МЎЛЛИГИ ЮРТДА ТЎКИНЛИКДАН НИШОНА

АҲОЛИНИНГ кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш, халқ фаровонлиги, дастурхонлар тўкинлигини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида фаолият юритаётган корхоналар сони тобора кўпаймоқда. **«Улгуржисавдоинвест» уюшмаси ҳам Юртбошимиз ташаббуслари билан ташкил этилган бўлиб, элимизга беминнат хизмат кўрсатаётган корхоналардан бири ҳисобланади.**

«Навоийулгуржимаҳсулот» масъулияти чекланган жамияти ҳудудий улгуржи базаси бугунги кунда юқоридаги муштарак вазифаларни ўз зиммасига олиб, вилоят аҳлига намунали хизмат кўрсатаётган корхона.

У 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, 70 дан ортиқ ишчи-хизматчи ёрдамида бутун вилоятга савдо хизмати кўрсатишни қамраб олган. Корхона 2009 йилнинг биринчи ярмида товар айланмаси ҳажми жами 2 миллиард 446 миллион сўм ва чакана товар айланмаси эса 392 миллион сўмга етди. Олинган соф фойда 17 миллион сўмдан иборат бўлди.

Вилоятнинг узоқ туманларида, яъни чўл ва тоғли ҳудудларида – Лангарда, Хатирчида, Конимехда, Учқудуқда кундалик истеъмол моллари сотиладиган дўконлар мунтазам фаолият юритмоқда. Айни пайтда 3300 тонна ун ва 605 тонна ўсимлик ёғидан ташқари республикамиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган шартномага асосан турли хил озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиб, 35 та дўконда сотилмоқда.

Жумладан, 150 миллион сўмлик маргарин ёғи, 64 тонна ун маҳсулоти, 33 миллион сўмлик гуруч, 20 миллион сўмлик қандолат маҳсулотлари, 50 миллион сўмлик телевизор ва музлатгичлар, 40 миллион сўмлик чинни идишлар, 50 миллион сўмлик сирли идишлар ва бошқа маҳсулотлар сотувда.

Корхона томонидан Нурота, Хатирчи, Навбаҳор, Қизилтепа туманларида кичик маркетлар қуриш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида 5 та ана шундай савдо нуқтаси фойдаланишга топширилди.

— Ҳудудий улгуржи базамизнинг тез фурсатда оёққа туриб, самарали фаолият кўрсатишида республика «Улгуржисавдоинвест» уюшмасининг ҳиссаси катта, — дейди бош директор Дилмурод Саноев. — Савдо кўламимизни кенгайтиришга, ўтган 2008 йилда 300 миллион сўм, жорий йилда эса 600 миллион сўм имтиёзли кредит олишимизда ҳам уюшманинг кўрсатган беминнат ёрдамини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Солиқлар тўлашдаги имтиёзлардан фойдаланганимиз ҳам ишимиз самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, уюшма келгусида чет элга чиқишимизда ҳам кўмаклашишга тайёр. Хорижий давлатлардан маҳсулот олиб, ўрнига қуритилган мевани экспорт қилиш ниятимиз бор. Ҳар йили республикада ташкил этиладиган кўргазмада иштирок этаётганлигимиз янги ҳамкорлар билан танишишимизга, маҳсулотлар турини кўпайтиришимизга имкон бермоқда.

— Энг муҳими, етказиб бераётган маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлмоқда. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Дарҳақиқат, туман ва шаҳарлардаги масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконларига аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган сифатли ва арзон товарларни ўз вақтида етказиб бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Чунки бу вазифани «Навоийулгуржимаҳсулот» масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олган.

Энг олисда жойлашган чекка қишлоқлардаги дўконларимизда ҳам терминаллар ўрнатилганлиги аҳоли учун яна бир яхши қулайликдир.

Бундан ташқари, мактаб бозорларини ташкил этиш ҳам ҳар йилги анъанага айланиб қолди. Шу боисдан мактаб ярмаркаларини ташкил этиш учун 100 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар шартнома асосида олинди. Биргина ўқув қуролларининг ўзи 40 турдан иборат. Шундан 25 миллион сўмлик маҳсулот Қизилқумнинг олис ҳудудларида жойлашган Томди ва Учқудуқ туманларига етказилди.

Дарҳақиқат, аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни етказиб бераётган корхона раҳбари ёш бўлишига қарамасдан, ишбилармон, қатъиятли, талабчан ва соҳанинг барча машаққатли юкини кўтара оладиган савдо ходими. Яхши раҳбарга ишончли ҳамкорлар, садоқатли ва фидойи ҳамкасблар қанот бўлмоқда.

Лангардаги дўкон мудираси Замира Ашурова, база омбори мудири Ҳурматой Бобоқулова, бош ҳисобчи Инобат Сувонова, товаршунос Тамара Ставрова, Навбаҳор туманидаги дўкон мудираси Озода Яҳёеваларни ана шундай савдо фидойилари ва фахрийлари қаторига қўшиш мумкин.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига асосан масъулияти чекланган жамият ҳисобидан Навоий шаҳри ва Кармана туманларида касаначилик билан шуғулланувчилар сони кўпайди. Асосан ишсиз хотин-қизлар иш билан банд қилинди.

Буларнинг барчаси мақсади улуғ, нияти холис, хизмати беминнат корхонанинг ёруғ эртасига кафолатдир.

ИНСОН БАХТИ САЛОМАТЛИКДА

ШИФО ИСТАБ КЕЛГАНЛАР ДАВО ТОПСИН

СОҒЛОМ ОДАМ табиатнинг энг бебаҳо асари, деб таърифлаган буюклар. Дарҳақиқат, шундай. Соғлиқ инсоннинг шахсий бойлигигина эмас, балки ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Бугун юртимизда аҳоли саломатлигига, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тиббиёт тизимини ислоҳ қилишни бошлаб берган Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»**ги Фармони ва ушбу Фармонни ижро этишга оид қатор қарорлар, Давлат дастурлари бу соҳага ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини исботлаб турибди.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги яна бир муҳим Фармони эса тиббиёт соҳасини янги замонавий босқичга олиб чиқди. **«Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»**ги Фармон кўплаб янги тиббиёт мажмуаларининг бунёд этилиши ва ривожланишига асос бўлди.



Навоий шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган «Вагус» даволаш маркази ана шу Фармон шарофати билан самарали иш юритмоқда. Республикамизда «Сиҳат-саломатлик» йили деб эълон қилинган 2005 йилда Давлат дастурига киритилган мазкур даволаш-диагностика маркази 2007 йилдан буён янги замонавий икки қаватли бинода тиббий хизмат кўрсатмоқда. 40 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига қурилган ва замонавий русумдаги тиббиёт асбоблари билан жиҳозланган мазкур Марказ қисқа фурсатда ўз ўрнини топди.

Бугунги кунда, «Вагус»дан шифо топганлар 23 йиллик тажрибага эга бош шифокор Анзура Хирочева ва унинг ҳамжиҳат, ҳамфикр ходимлари, стоматолог врач Ҳафиза Отамуродовадан, лаборатория врачи Анжелика Зиятовадан, катта ҳамшира Елена Компаницскаядан, хўжалик бекаси Мастура Хамидовадан, физиотерапевт Гулнора Гафятулиналардан беҳад миннатдор.

— Бу даволаш марказига, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг кон ишлари бўйича бошлиқ муовини Юнус Норов. — Ҳар доим профилактика учун келаман. Соғлиқни мустаҳкамлаш учун бу ерда барча шарт-шароитлар етарли, энг муҳими, маданиятли ва меҳрибон шифокорлар ҳар кандай беморнинг тузалишига ёрдам беради.

Дарҳақиқат, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатаётган бу даволаш маркази бугун 14 ўринли кундузги стационар, кунда 100 қатновга мўлжалланган поликлиника ҳамда дорихонага эга. Мижозлар терапевт, кардиолог, уролог, гинеколог, лор, гепатолог, невропатолог шифокорлар маслаҳати ва муолажаларидан фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, диагностика бўлимида ЭКГ, жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости бези, буйраклар, ҳомиладорлик, буқоқ безларини ультра товуш нурлари орқали текшириш йўлга қўйилган, клиник ва биохимия лаборатория, стоматология хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Жарроҳлик бўлимида кичик жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда.

Шаҳар марказидаги бу тиббий марказга нафақат Навоий вилояти, балки Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларидан ҳам шифо истаб келувчилар сони кундан-кунга ортаётганлиги бу даволаш масканига ишончдан далолатдир.

— Хизмат кўрсатаётган мижозларимиз сони йилдан-йилга ортмоқда, жорий йилнинг айни даврида улар 6 мингдан ошиб кетди, — дейди бош врач, — Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 2007 йилдаги Фармони бизга катта мадад бўлди. Солиқлардан 5 йилга озод қилинишимиз эвазига тиббий асбоб-ускуналарнинг янги, замонавий турларини сотиб олишга муваффақ бўлдик. Аввал солиққа сарфланган маблағимизга энди лаборатория асбобларини олиш учун шартнома тузилган. Республика врачлар малакасини ошириш институтида 3 нафар шифокоримиз айнан ана шу янги аппаратлар билан ишлаш учун ўз малакасини ошириб қайтди.

Тиббий суғурта бўйича мижозларга хизмат кўрсатаётган «Global Assist», «Uzbek Invest Hayot», «Seev group» ва «ЎзАгроСуғурта» компаниялари 3 йилдан буён мижозларнинг даволаш-диагностика марказида тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминламоқда. Мазкур компаниялар «Вагус»да соғлигини тиклаётган мижозларнинг даволанишлари учун кетадиган дори-дармонларни тўлиқ тўлаб бераётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Шифокорлар вилоятнинг узоқ туманларида истиқомат қилаётган аҳолини, айниқса, хотин-кизларни диагностика асбоблари ёрдамида маҳаллаларга бориб, тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада уларни вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қўллаб-қувватламоқда.

Саҳифа материаллари муаллифи «Инсон ва қонун» мухбири М. ҲОСИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ

жаҳон молиявий инқирози даврида барқарор ривожланмоқда

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк давридан бошлаб мамлакатимизда барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини яратишга катта эътибор берилиб, ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ раҳнамолигида давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий-ижтимоий сиёсат натижасида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 2000-2003 йилларда ўртача 4,3 фоизни, 2004-2006 йилларда эса 7,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007-2008 йилларда ўртача 9,0 фоизга етди.

Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таркибий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш экспортга ихтисослашган янги соҳаларни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш туфайли таъминланди.

Сўнгги таҳлиллар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, 2009 йилнинг 6 ойи давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, саноат ўсиши 9,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги 4,6 фоизни, қурилиш 32,5 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, чакана товар айланмаси 17,7 фоизни, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 18,0 фоизни ташкил этгани ҳолда инфляция даражаси 3,6 фоиздан ошмади.

Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Кенг кўлам касб этиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири – бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик билан изоҳланади. Инқироз оқибатида айрим давлатларнинг бир қатор йирик банклари ва молия институтлари таназзулга учраб, банк тизими барқарорлиги сезиларли даражада пасайди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида биргина 2008 йил давомида республикамиздаги тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини бирлаштирган 8 та етакчи тижорат банкининг капитали ҳажми 42 фоизга ошди ва бу кўрсаткич 2010 йилгача икки баробарга ортади. Банк тизимининг жами капитали 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 бараварга ошди ва 2 триллион 335 миллиард сўмни ташкил этди.

Банклар капиталининг етарлилик даражаси 23,4 фоизни ташкил этди ва бу халқаро Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлардан (8 фоиз) 3 баравар кўпдир. Банкларнинг жами жорий ликвидлиги эквивалентда 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этади ва бу 2009 йилдаги ташқи қарзлар бўйича тўловлар ҳажмидан 10 баравар кўп демакдир. Бу республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади.

Айни пайтда кўплаб мамлакатларда тижорат банкларининг рейтинглари тушиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда банк тизимининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бир вақтнинг ўзида самарали банк назоратининг жорий этилганлиги сабабли мамлакатимиз тижорат банклари етакчи халқаро компанияларининг ижобий рейтинг баҳоларига эга бўлмоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пуэрс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олди. Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Қишлоқ қурилиш банки», «Асакабанк», «Туронбанк», «Ипотекабанк», «Кредит-стандарт банк», «Алоқабанк» – «Мудис» компаниясининг,

«Агробанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ҳамкорбанк», «Ипак йўли» банки, «Капиталбанк», «Микрокредитбанк» – «Фитч Рейтингс» компаниясининг,

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Капиталбанк» – «Стандарт энд Пуэрс» компаниясининг рейтингини олди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз банк тизимининг негизини ташкил этувчи 9 та йирик банк: Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асакабанк», «Туронбанк», «Алоқабанк», «Мудис» компаниясининг, «Микрокредитбанк», «Агробанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк» – «Фитч Рейтингс» компаниясининг, «Халқ банки» ва «Капиталбанк» эса «Стандарт энд Пуэрс» компаниясининг «барқарор» рейтингига сазовор бўлди.

Қайд этиш лозимки, Буюк Британиянинг энг йирик банкларидан бири бўлган «Роял банк оф Скотланд» банки ҳозирги кунда молиявий ҳолати оғирлашиб, деярли дунёнинг кўплаб давлатларидаги бўлимларини ёпаётган бир шароитда, ушбу банкнинг Ўзбекистондаги «Роял банк оф Скотланд» қўшма банки дунёнинг энг нуфузли молиявий журнали «Euromoney» томонидан энг яхши банклардан бири сифатида эътироф этилди.

Банк тизими Президентимиз томонидан белгилаб берилган «Инқирозга қарши чоралар Дастури»нинг бажарилиши доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича сезиларли молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда. Хусусан, бугунги кунда 78 та банкрот корхона молиявий соғломлаштириш мақсадида тижорат банклари балансига олинган. Шундан, 30 та корхона техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Ишлаб чиқариш қувватлари тикланиши таъминланиб, банклар томонидан янги инвесторларга сотилди. Сотиб олинган корхоналарга банклар томонидан 47 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар инвестиция қилинди ва 4 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Экспорт қилувчи стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик 38 та корхонанинг банк кредитлари реструктуризация қилинди. Иқтисодиётнинг реал секторини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан 1 триллион 30 миллиард сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоизга ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, жорий йилнинг тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 бараварга ошди ва 1 триллион 116 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусий тадбиркорларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 2,3 бараварга ошиб, 218,6 миллиард сўмга етди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган йўналишларга тижорат банклари томонидан жами 525 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган **«Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури»**га мувофиқ тижорат банклари томонидан Осиё тараққиёти банки, Ислом тараққиёт банки, Германиянинг КфВ банки, Хитой ҳукумати ва бошқа манбаларнинг маблағлари ҳисобидан кичик бизнеснинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида қўшимча равишда жами 173,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини жалб этиш бўйича халқаро молия институтлари билан келишув битими имзоланди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқаро молия ташкилотларининг 85,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари жалб қилинди, ҳамда кичик бизнес субъектларининг 23,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицион лойиҳалари маблағ билан таъминланди.

Шу билан биргаликда, Президентимизнинг **«Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 2009 йил 26 январдаги ҳамда **«Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2009 йил 28 январдаги Қарорларига мувофиқ мамлакат миқёсида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан ушбу қарорлар талабларидан келиб чиққан ҳолда 257,2 миллиард сўм ва 238,6 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо давлатимиз эътиборида. Қилинган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида эришилган ижобий натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Амалга оширилаётган улкан ишларнинг салмоғини янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки айнан банклар бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Буни бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Актам САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Департамент директори

ЎЗБЕКИСТОН

AGROBANK

«АГРОБАНК»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёнаси ҳамда азим Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантанаси билан самимий муборакбод этади! Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!

ИШОНЧ

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ

энг олий, энг улуғ ва устувор қадриятдир

ТОШКЕНТ вилояти адлия бошқармаси томонидан Конституция ва қонунларимизда кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, юртимизда изчил давом этаётган ислоҳотлар ва амалдаги мавжуд қонунчилигимизнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 йил 27 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори вилоят адлия бошқармаси фаолиятининг бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бурч ва масъулиятини янада кучайтирди.

Жорий йилнинг 1-ярмида вилоят адлия бошқармаси иш режасига кўра, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома интизомига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида туман ва шаҳарларда ўтказилган ўрганиш натижасида 11 мингга яқин қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўлланилиб, аниқланган камчиликлар бартараф қилинди.

Жумладан, «Ўзавтодарётранс» агентлигининг ҳудудий бўлими, вилоят йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти, Давлат мулк қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, унинг Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари ва Тошкент, Оҳангарон туманларидаги бўлимлари фаолияти, шунингдек 6 та туманда, жами 201 та ташкилот ва идорада қонун талаблари ижроси юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 310 та тақдимнома, 122 та огоҳнома, 61 та кўрсатма хатлари киритилди. Мақсад жамиятда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига тўлиқ риоя этилган ҳолда қонун талаблари асосида фаолият юритиш, шунингдек, аҳолига ҳар тарафлама қулайликлар яратишни таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, бошқарма томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва етказилган зарарларни ундириш бўйича 288 миллион сўмдан ортиқ 158 та даъво аризаси киритилди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан таъсир чоралари қўлланилиши натижасида 25 та ноқонуний ҳужжат бекор қилиниб, 355 миллион сўмдан ортиқ маблағ қайтарилди. Шунингдек, 359 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 31 нафари вазифасидан озод қилинди, 54 нафар шахс маъмурий, 3 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 145 нафар фуқаронинг шикоятлари ўрганилиб, қонуний ҳал этилди.

Масалан, 2009 йил 23 май куни фуқаро И.Алиевнинг аризаси адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганилганда, давлат архивининг Қибрай тумани филиали раҳбари Х.Усмонова томонидан **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонун талаблари бузилиб, аризачига ҳужжатлардан нусха бериш асоссиз рад қилинганлиги ва мурожаатига жавоб берилмаганлиги аниқланди.

Натижада, Х.Усмоновага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани судига юборилди. Суд қарорига асосан ходим жарима жазосига тортилди.

Айрим мансабдор шахсларнинг қонунларни билмаслиги, билса ҳам амал қилмаслиги, инсон тақдирига бефарқлиги фуқароларнинг қимматли вақтларини йўқотишларига сабаб бўлаётганлиги ушбу мисоллардан ҳам кўриниб турибди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси ва алоҳида асосларга кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома талаблари Ангрен шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан қўпол равишда бузилганлиги учун фуқаро В.Маслова узоқ муддат давомида ёшга доир пенсия ололмаган. Унинг аризасига кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан узоқ муддат пенсия тайинланмаганлик ҳолати юзасидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилди.

Натижада, В.Масловага ёшга доир пенсия тайинланиб, пенсия тўлови амалга оширилди. Айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазо белгиланди. Адлия бошқармаси томонидан Чиноз тумани машина-трактор парки ходимлари И.Мамедов, И.Каримова ва М.Ғуломоваларнинг ноқонуний ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги шикоятлари ўрганилиб, Чиноз тумани МТП ОАЖга нисбатан ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суд қарорига асосан даъво ариза қаноатлантирилди.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик фаолияти муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга, тадбиркорлик субъектларидаги текширишлар сонини тубдан қисқартиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш ва турли ноқонуний хатти-ҳаракатларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада жорий йилнинг шу даврига қадар бошқармага тадбикорлардан 74 та мурожаат келиб тушди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар юзасидан қонунийлик таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2008 йил ярмида шартномавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича судларга қиймати 254 миллион сўмдан ортиқ 40 та даъво аризаси тақдим этилган бўлса, жорий йил ярмида бу ҳолат 49 тани ташкил этди.

Мисол учун, адлия бошқармаси томонидан Бекобод туманидаги «Шакар Мирза Барака» фермер хўжалиги раҳбари А.Мирзаевнинг шикояти ўрганиб чиқилди.

Ўрганишда, «Шакар Мирза Барака» фермер хўжалиги билан «Пахта Лизинг» ЁАЖ «Белорусь МТЗ-80х» трактори ва «Кх-4» культиваторини сотиб олиш юзасидан 2007 йил 17 ноябрда 31.400.000 сўмлик №АМТ-07/1379-сонли ва «Белорусь МТЗ-80х» тракторни сотиб олиш юзасидан 2008 йил 26 майда 32.000.000 сўмлик 1-сонли қўшимча шартнома тузилганлиги маълум бўлди.

Ушбу шартномага асосан «Шакар Мирза Барака» фермер хўжалиги томонидан Халқ банкининг Бекобод филиали орқали 2008 йил 24 майда 5-сонли тўлов топшириқномасига асосан «Пахта Лизинг» ЁАЖ ҳисобига 32.000.000 сўм пул маблағи тўланган.

Шартноманинг 2.1 бандига асосан пул маблағи тушгандан кейин «Пахта Лизинг» ЁАЖ томонидан 60 кун ичида тракторни «Шакар Мирза Барака» фермер хўжалигига етказиб бериши кўрсатилган бўлса-да, «Пахта Лизинг» ЁАЖ ўрганиш кунга қадар фермер хўжалигига «Белорусь МТЗ-80х» тракторини етказиб бермаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан 2008 йил 15 сентябрида «Пахта Лизинг» ЁАЖ раҳбари номига тақдимнома киритилди. «Пахта Лизинг» ЁАЖ раҳбарияти томонидан ушбу тақдимноманинг ижроси таъминланмаганлиги сабабли, «Белорусь МТЗ-80х» тракторини мажбурий тартибда олиб бериш ва «Пахта Лизинг» ЁАЖ ҳисобидан «Шакар Мирза Барака» фермер хўжалигининг фойдасига 1 миллион 600 минг сўм пеня ундириш тўғрисида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза киритилди ва бу суд томонидан 2009 йил 1 апрель куни тўлиқ қаноатлантирилди.

Маълумки, глобаллашув жараёнида ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун хорижий сармоя иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, чуқур ислоҳотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси амалдаги қонунларга асосан ишончли ҳимояланган. Бу борада адлия бошқармаси томонидан вилоятда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, **«Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги Қарори юзасидан Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари томонидан адлия бошқармасида рўйхатга олинган вилоят ҳудудидаги хорижий ва қўшма корхоналар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида вилоят туман ва шаҳарларида мониторинг ташкил қилинган.

Мониторинг жараёнида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар, назорат қилувчи органлар раҳбарларига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар фаолиятини тартибга солувчи ва имтиёзлар берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати туширилган буклетлар тарқатилиб, жойларда тадбиркор ва хорижий инвесторлар ҳамда назорат қилувчи органлар ходимлари иштирокида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилмоқда.

Маълумки, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, бугунги кунда олиб борилаётган давлат сиёсати, миллий қонунчилигимиз ва муборак истиқлолимизнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш ҳамда давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Вилоят адлия бошқармаси томонидан олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларига ҳам эътибор қаратишни жоиз топдик.

Хусусан, ўтган 2009 йилнинг 1-ярмида вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоятнинг туман-шаҳарларидаги маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда жами 1339 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Биргина, ўтказилган 1101 та оғзаки ҳуқуқий-тарғибот тадбирларига 39790 нафар иштирокчи жалб этилган бўлиб, унда иштирокчиларга мустақиллик моҳиятига, инсон ҳуқуқлари ва тадбиркорликка ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига оид зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Биргина тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг тарғиботини оладиган бўлсак, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган **«Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режаси»**га асосан вилоятнинг 21 та туман ва шаҳарида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди.

Адлия бошқармаси томонидан республика миқёсидаги барча нотариуслар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Нотариал ҳаракат намуналари» қўлланмаси керакли нусхада чоп этилди.

Президентимиз томонидан 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори адлия органлари ходимлари зиммасига қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясига қаратилган қонунлар ижросини такомиллаштириш ва таъминлаш каби бурч ва масъулият юклайди.

Ватан тараққиёти ва юрт фаровонлиги, тинчлигимиз барқарорлиги, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳамда кўз қорачиғидай асраб-авайлаш доимо энг устувор ва энг шарафли вазифамиз бўлиб қолаверади.

Лазиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент вилояти
адлия бошқармаси бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлган мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва азим Тошкентнинг 2200 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.

Байрам муносабати билан сиз азизларга янги «Саёҳат», «Саховат» ҳамда нуроний отахону онахонлар учун «Нуроний» миллий валютадаги омонат турларини таклиф этади:

«САЁҲАТ» — ютуқли омонат камида 50 000 (эллик минг) сўм миқдорида йиллик 10 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 10 августидан бошлаб 1 ноябрига қадар қабул қилинади.

«САХОВАТ» — жамғарилувчи омонат турига чекланмаган миқдорда пулда йиллик 24 фоиз даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Мазкур омонат бўйича фоиз даромади ҳар ойнинг 1-санасига қадар ҳисобланади ва мижознинг биринчи талаби бўйича берилади.

«НУРОНИЙ» — омонатига маблағлар республикамизнинг барча туман ва шаҳарларининг ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланган пенсия ва нафақа пулларини нақд пулсиз кирим қилиш йўли билан Халқ банкининг барча муассасалари томонидан қабул қилинади ва йиллик 10 фоиз миқдорида даромад тўланади. Йил якунида эса барча фоиз даромадлари омонатчининг биринчи талаби бўйича берилади.

Мурожаат учун тел: 150-12-91

Хизматлар лицензияланган. Лиц №35.25.01.2003.

Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланинг. Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган.

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

БУГУНГИ кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Бу ютуқлар, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қўлга киритилаётгани қувонарлидир.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ жадал ривожланишига республикамизда мавжуд тижорат банклари ҳам ўзларининг маблағ ва хизматлари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Хусусан, давлат-тижорат Халқ банки жамоаси томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Натижада ушбу молиявий муассасанинг кредит портфели йил бошидагига нисбатан 166,3 миллиард сўмга кўпайди. Жами активлари 286,6 миллиард сўмга ёки 150,8 фоизга ортиб, 797,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори банкнинг бу борадаги ишларини янги босқичга кўтарди. Негаки, ушбу қарорга мувофиқ, унинг жами капитали йил бошидагига нисбатан 108,2 фоизга ортиб, 125,4 миллиард сўмга етди.

Ўтган вақт мобайнида, шунингдек, банк томонидан инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга 80 миллиард сўм, тадбиркорлик субъектларига 14,5 миллиард сўм, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 7,4 миллиард сўм, аёл тадбиркорларга 8,5 миллиард сўм, фирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларига 5,3 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори, айниқса, банкларнинг аҳоли билан муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Халқ банкининг чорвачиликни ривожлантириш учун 4 минг 609 нафар фуқарога 4,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит, 3 минг 828 фуқарога эса 3,8 миллиард сўмликдан ортиқ микрокредит ажратгани буни яққол тасдиқлаб турибди.

Муҳими, жорий йилнинг ўтган даврида республикамизда ушбу молиявий муассаса томонидан ажратилган маблағ ва кўрсатилган хизматлар эвазига 47,7 мингта янги иш ўрни яратилди.

Яқиндагина банк билан ҳамкорлик ўрнатган ва унинг маблағи эвазига фаолиятини ривожлантириб олган тадбиркорлар бугун нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки уни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланаётгани эътиборга моликдир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга жуда катта эътибор қаратилаяпти. Уларнинг ўқиб-ўрганишлари, касб-корли, барча жабҳаларда фаол, умуман, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида молия муассасалари ҳам уларга ўзларининг кўплаб хизматларини таклиф этаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда. Жумладан, Халқ банки томонидан Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарорига мувофиқ, 1 минг 891 нафар оилага жами 11 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Ажратилган маблағларнинг 5,8 миллиард сўми ипотека, 3,4 миллиард сўми истеъмол кредити ва 1,6 миллиард сўми микрокредитлардир.

Инвестиция ва кредит ресурслари манбаларини кенгайтириш, аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк жамғармасига жалб этиш ҳам жамоанинг диққат марказида. Шу мақсадда йил бошидан буён аҳоли учун манфаатли ва маъқул шартларда 11 та янги омонат тури таклиф этилиб, ўтган вақт давомида уларга 59,2 миллиард сўм маблағ қабул қилинди. Кейинги бир йил ичида эса банк депозитларига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш ҳажми 165 фоизга ортди. Бу банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Ҳозирги кунда Халқ банкида аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, унинг 371 та муассасаси, 13 та махсус сайёр банки ва 200 га яқин кўчма кассаси орқали ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада жорий йилнинг олти ойи ичида аҳолидан 70 миллиард сўмдан ортиқ коммунал тўловлар қабул қилиб олинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоизга кўпдир.

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090-сонли Қарори билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, аҳолидан қабул қилинадиган тўловлар ва жисмоний шахсларнинг пул ўтказмалари «Ўз-тўлов» миллий тўловлар тизими орқали амалга оширилаяпти. Ҳозирда Халқ банкининг 1 минг 500 дан зиёд муассасасида мазкур тизим жорий этилган бўлиб, у мижозларга коммунал ва бошқа тўловларни тезкорлик билан тўлашда қўл келаяпти.

Бундан ташқари, банк барча филиаллари орқали ижтимоий нафақа пулларини ўз эгаларига белгиланган вақтда етказишга ҳам жиддий эътибор қаратаяпти. Банкнинг масъул ходимлари жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорликда кекса, ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг уйларига бориб, нафақа пулларини беришдек хайрли ишни бажаришмоқда. Чекка-чекка қишлоқларда эса 2 ва 18 ёшгача бўлган болаларга бериладиган нафақалар сайёр банклар орқали тарқатилмоқда.

Хабарингиз бор, бугунги кунда пластик карточка ҳисоб-китоб қилишда замонавий тўлов воситаси сифатида ҳаётимизга чуқурроқ кириб бормоқда. Унга нисбатан талаб эса тобора ортаётир. Шуни эътиборга олиб, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 220 мингтага етказилди. 100 мингга яқин фуқаро эса ундан иш ҳақи лойиҳаси бўйича ҳам фойдаланмоқда.

«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритаётган Халқ банки 47 мингдан ортиқ мижозига сифатли ва намунали банк хизматини кўрсатиб келаётир. Бу борадаги ишлар, айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ўз самарасини кўрсатмоқда. 2009 йилнинг ўтган даврида ажратилган маблағларнинг тенг ярми ушбу йўналишларга сарфлангани бунинг ёрқин ифодасидир. Йил охиригача эса мазкур ишлар кўламини камида икки бараварга кўпайтириш режалаштирилган. Бу билан банк мижозлар ишончини янада мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтиришдек бир қатор мақсадли тадбирларни амалга ошириб, ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда. Пировардида жамоанинг самарали фаолияти аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

«Халқ банки» матбуот хизмати.

ТАҲЛИЛ

ГАП ТАҚДИМНОМА, ДАЪВО АРИЗА ЁКИ ОГОҲНОМА КИРИТИШДА ЭМАС

балки масъулларнинг қонун итоатсизликни ҳеч қачон кечирмаслигини англаб етишидадир

БУГУН мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий мулк эгалари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун зарур имтиёз ва кафолатларни яратиб бериш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган ҳамда бу борада етарли ҳуқуқий асослар яратилган.

КИЧИК бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятига нисбатан ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини бир хилда таъминлаш эса адлия органларининг асосий вазифалардан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Энг асосийси, маҳаллий ҳокимият органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига риоя этилиши, рухсатномалар олишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликлар ва сансоларликларга йўл қўйилмаслиги устидан назоратни амалга ошириш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилди. Шу боис вазирликнинг 2009 йилга мўлжалланган ҳаракат Дастури қабул қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу масала эса 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»**ги Қонун ва тегишли қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Албатта, Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, вилоятдаги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тадбиркорлик субъектларига улгуржи ва чакана савдо ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш учун рухсат гувоҳномаларини беришнинг қонунийлиги таъминланмоқда.

Шу ўринда эътиборингизни аниқ бир мисолга қаратмоқчимиз. Қўқон шаҳридаги «Nodir Elita Tradi» масъулияти чекланган жамияти раҳбари О.Эргашев аризасида маълум қилинишича, жамият 2008 йилнинг 11 мартида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган. Таъсисчилар сони ўзгарганлиги сабабли эса шу йилнинг 12 февралида қайта рўйхатдан ўтказилган. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги улгуржи савдо билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини берувчи махсус комиссия жамият томонидан низом фондига 65 миллион сўмлик дастгоҳ ва ускуналар қўйилганлик ҳолати корхоналар қарздорлиги ундируви бўйича молмулкига қаратилиши юзасидан бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги, бинобарин, низом фондини кўчмас мулк билан шакллантирган тақдирдагина лицензия берилишини билдириб, лицензия беришни рад қилган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори билан тасдиқланган **«Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»**ги

Низомнинг 10-бандида лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга бошқа ҳужжатлар билан бирга энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорида устав фондини шакллантирганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, шу жумладан, энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси тақдим этиши лозимлиги белгиланган. Низомнинг 15-бандида эса лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш куни мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиши лозимлиги таъкидланган бўлса-да, махсус комиссия жамиятга бу хусусда хабар бермаган.

Шу боис адлия бошқармаси томонидан Қўқон шаҳар ҳокимлигига нисбатан «Nodir Elita Tradi» масъулияти чекланган жамиятига улгуржи савдо билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномасини бериш мажбуриятини юклаш юзасидан вилоят хўжалик судига киритилган даъво ариза қаноатлантирилди.

Бошқармамизда ўрнатилган «Ишонч телефони»ни ҳам тилга олиш зарур. Фарғона шаҳридаги «Ҳаёт-Л» хусусий корхонаси раҳбари Л.Носова ҳам Фарғона шаҳар ергеодезкадастр бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, «Ишонч телефони»га сим қоққан эди. Ушбу мурожаатни ўрганиш давомида бўлим ходими Ш.Турдалиев Л.Носованинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришни сўраб ёзган аризасини ўз вақтида кўриб чиқмай, сансоларликка йўл қўйган. Бу билан у **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонуннинг мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ талабларини қўпол равишда бузган. Шунинг учун вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят «Ермулккадастр» хизмати бошлиғи номига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Натижада Л.Носованинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва Ш.Турдалиев суд қарорига биноан жарима жазосига тортилди.

2009 йилнинг 1 августига қадар вилоятда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатаётган ёки кўрсатмаётганлиги мониторинг қилинди. Мониторинг давомида аниқланган ҳолатлар бўйича Риштон ва Бешариқ тумани кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш кенгаши раислари номига 2 та кўрсатма, фаолият кўрсатмай келаётган корхоналарнинг аҳволини яхшилаш учун тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар фондини кўпайтириш юзасидан таклифлар берилди.

Муҳими, гап фақат тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида киритилган тақдимнома, даъво ариза ва огоҳномалардагина эмас, балки жойлардаги масъулларнинг қонун ҳеч қачон итоатсизликни кечирмаслигини теран англаб етишида ҳамдир. Юртбошимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ белгилаб берилган, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойилларидан бири ҳам қонун устуворлиги эканлиги бежиз эмас. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жойда тараққиёт қадамлари илдам бўлаверади.

Абдубаноб МАДАЛИМОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, шу жумладан, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли касб эгалари бўлмиш ҳуқуқшунос ҳамкасбларини энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллик тўйи билан муборакбод этади.

Ватанимиз равнақи йўлида сизларни ғайрат-шижоат ҳеч қачон тарк этмасин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ ҲАМДА УНИНГ КЎП МИНГ СОНЛИ МИЖОЗЛАРИ

сиз азиз юртдошларимизни, бугунги шодиёна кунларда мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонларни халқимизга озодлик нашидасини инъом этган Мустақиллик байрами ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан қутлайди!

Ватанимиз тараққиёти бардавом, халқимиз тотув, бахт-саодатли, дастурхони тўкин, ризқи бутун бўлсин!

Адлия ва Прокуратура: Меморандум ижроси — Наманган

ИЖРО

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЖОРИЙ ЙИЛДА мамлакатимиз, шу жумладан, Наманган вилояти иқтисодиётида барқарор ўсишни кузатар эканмиз, бунда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида белгилаб берилган вазифалар муҳим омил бўлаётганини эътироф этмоқ жоиз.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ биринчи ярмида 27 та тадбиркорлик субъектига банклардан 1.027,0 миллион сўмлик кредит олишга амалий ёрдам кўрсатилди. 20 нафар тадбиркорнинг 87,7 миллион сўм ҳақларини ундиришга, 66 нафар тадбиркорга 58,4 гектар ер майдони ажратилишига, 10 нафар тадбиркорга 41,8 тонна минерал ўғит олишига, 167 нафарига рухсатнома берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, эҳтиёт қисмлари олиш, муҳандислик коммуникацияларига уланиш ва бошқа масалаларда яқиндан ёрдам берилди. Шунингдек, 325 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланишига эришилди.

Текширишларда айрим банк муассасалари раҳбарлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, тадбиркорлик субъектларининг маблағларини талон-торож қилиш каби қўпол қонунбузилишларга йўл қўйганлиги аниқланди.

Хусусан, АТ «Алоқабанк» Наманган филиали бош ҳисобчиси ўринбосари А.Азизов 2008 йил майидан 2009 йил апрелига қадар банк мижози «Наманган почта» ОАЖнинг ҳисоб рақамидан 16 та хўжалик юритувчи субъектга 460 миллион 200 минг сўм пул маблағини тўлов топшириқномасисиз ўтказиб юбориб, 8 та тадбиркорлик субъектининг ҳисоб рақамидан уларнинг розилигисиз ва тўлов топшириқномаларисиз, жамият ҳисоб рақамига 388 миллион 400 минг сўм пул маблағини молиявий ёрдам сифатида ўтказиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Наманган шаҳар прокуратураси томонидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва суд томонидан тегишли жазо берилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар олиб борилаётир. Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасида ўтказилган текширишда туманлар ва аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлса-да, бу борадаги талаблар тўлиқ бажарилмагани маълум бўлди.

Вилоятда 2008 йил якунига кўра, аҳолининг 15,6 фоизи табиий газ, 21,5 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган. Қишлоқ йўлларини асфальтлаб, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш бўйича ажратилаётган маблағлар мақсад учун сарфланмай, талон-торож қилинаётгани фош этилди.

Вилоят прокуратура органлари фаолиятида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилинишига алоҳида эътибор қаратилиб, қонунчилик тарғиботи борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

2009 йил 6 ойи давомида жами 4417 та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, шундан 3711 тасини маъруза, суҳбат ва бошқа оғзаки тадбирлар ҳамда 706 тасини оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ташкил этади. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик кучайтирилиб, уларнинг ёрдамида 240 маротаба матбуотда 275 маротаба радиода ва 159 маротаба телевидениеда ҳамда 32 маротаба электрон ахборот тизими — интернет тармоғи орқали чиқишлар қилинди.

Бир сўз билан айтганда, олдимизда турган энг буюк мақсад — эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шарти — қонун устуворлигини таъминлашдир.

Шуҳрат АБЕРКУЛОВ,
Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари

ФАОЛИЯТ

НАВҚИРОН АВЛОДГА ЭЪТИБОР

Ёшларни иш билан таъминлаш хусусида

МАМЛАКАТИМИЗДА олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида аҳамият берилаяпти.

НАМАНГАН вилоятида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, умумтаълим мактаблари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида шу йилнинг 4 апрелида вилоят прокуратурасининг махсус Дастури ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг бошидан буён вилоятда 35 та меҳнат ярмаркаси ва ота-оналар билан 100 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Жумладан, Наманган туманида жорий йилнинг 30 июль куни ўтказилган «Мутахассислигим — менинг келажагим» номли тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида 17 та коллеждан 636 нафар 1-2-курс талабалари, 1010 нафар битирувчилар, умумтаълим мактабларидан 551 нафар 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Бундан ташқари, тадбирда 2007-2008 ўқув йилида Наманган шаҳар ва Наманган туманидаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ва бандлиги таъминланмаган 116 нафар ўқувчи ишга жойлашиш мақсадида иштирок этдилар ва улардан 94 нафари ишга жойлашди. Коллеж битирувчиларидан жами 598 нафари турли мутахассисликлар бўйича меҳнат шартномаси тузиш учун йўлланма олишди.

2007-2008 ўқув йилида ўрта махсус касб-ҳунар колежларини тамомлаган 18249 нафар битирувчининг 2115 нафари иш билан таъминланмаганлиги, боз устига бошқарма ва қуйи тизимнинг масъул ходимлари томонидан ишга жойлаштирилмаган битирувчиларнинг ишга жойлаштирилгани ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштирилиб, шунингдек, қонуний кучга эга бўлмаган меҳнат шартномалари ва буйруқлар тайёрланганлиги ҳолатлари фош этилди.

Масалан, Наманган тиббиёт коллежида 18 нафар, енгил саноат коллежида 12 нафар, саноат коллежида 20 нафар, агротадбиркорлик коллежида 14 нафар, ахборот технологиялари ва транспорт коллежида 25 нафар, педогогика коллежида 29 нафар, қурилиш коллежида 10 нафар, савдо ва маиший хизмат коллежида 8 нафар, Давлатобод енгил саноат коллежида 16 нафар, юридик коллежида 8 нафар ва олимпия захиралари спорт коллежида 14 нафар битирувчи ишга жойлашмагани ҳолда бандлиги таъминланганлиги ҳақида сохта ҳисоботлар тузилган.

Ўтказилган текширишлар якунига кўра, юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 45 та тақдимнома киритилиб, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган 5 нафар ҳоким ўринбосари, 112 нафар коллеж директорлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, 51 нафар бандликка кўмаклашиш маркази ходими ва бошқа юздан ортиқ мансабдор щахсларга нисбатан интизомий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилди.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун ёшлар тарбиясига, камолига тааллуқли ҳеч бир ишда лоқайдликка, юқоридаги каби камчиликларга йўл қўйилмаслиги лозим.

Д.АМОНОВ,
Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

НАЗОРАТ

НОҚОНУНИЙ АРАЛАШУВЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗДА тадбиркорлар фаолияти учун имконият эшиклари кенг очилган. Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган кўпгина қарор ва фармонлар қабул қилинди.

ХУСУСАН, Чуст тумани прокуратураси томонидан доимий равишда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Улардаги мавжуд муаммолар ва фаолиятида учраётган тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида сўровнома ўтказилиб, унинг натижаларига кўра, муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашишнинг олдини олиш мақсадида «007» рақамли ишонч телефони ташкил этилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида 30 дан ортиқ тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Прокуратуранинг амалий ёрдами билан тадбиркорларга фаолиятини ривожлантириш учун 85 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратиб берилиши таъминланди. 2 нафар тадбиркорга банкдаги ҳисоб-рақамида бўлган 20 миллион сўм нақд пули олиб берилди, 5 та фермер хўжалигининг сув билан боғлиқ муаммолари ҳал этилди, фермер хўжаликларига ўз вақтида етказиб берилмаган 5,2 тонна минерал ўғит, 1,2 тонна ёнилғи, 4,5 тонна омухта ем, 2 та трактор олиб берилиши таъминланди.

Фуқароларни қабул қилиш орқали уларнинг муаммоларини ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, туман прокуратурасига хусусий тадбиркор М.Каримов ва бошқалар ариза билан мурожаат қилишди. Аризага кўра, «Чуст деҳқон бозори» мутасаддилари томонидан ноқонуний қурилишларга рухсат берилган «Чуст Деҳқон бозори»нинг қандолатчилик павильонининг олд қисмига яна дўкон қурилиши лойиҳалаштирилиб, ер танланганлиги, ушбу дўконларнинг олдига янги дўкон қурилса, юриш имконияти қолмаслиги ҳамда қандолатчилик павильони ва дўконларнинг олд фасад қисми бузилиши, бироқ фуқаро Р.Қурбоновга қурилиш қилишга рухсат берилганлиги, ушбу ер майдонини танлашда Шаҳарсозлик кодекси талабларига зид равишда «Чуст Деҳқон бозори» МЧЖ таъсисчилари ва бозор ҳудудидаги ер танланган майдон билан чегарадош ҳудуддаги тадбиркорларнинг розилиги олинмаганлиги аниқланиб, текшириш натижасига кўра Р.Қурбоновга ер ажратиб бериш ҳолати бартараф қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш устидан назорат прокуратуранинг диққат-эътиборидадир.

М.ЖЎРАЕВ,
Чуст тумани прокурори

Мустақиллик, озодлик, ҳурлик байрами муборак азиз юртдошлар!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАРИ!

Сизларни Истиқлолимизнинг 18 йиллик айёми ва жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллик юбилейи билан табриклаймиз! Озод ва обод Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фидокорона хизматларингизда омадлар тилаймиз! Оилаларимизни байрам руҳи ҳеч қачон тарк этмасин!

АТИБ "ИПОТЕКА БАНК" МЕҲНАТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бунинг учун бизда имкониятлар етарли

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ва унинг ҳудудий тизимлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

ВИЛОЯТ адлия бошқармаси иш режасига асосан, жорий йилда 1 та шаҳар, 86 та туман ҳокимлиги, 444 та ташкилот ва муассасада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонунга ва бошқа инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ўрганиб чиқилди. Натижада инсон ҳуқуқларига оид 26 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди ва бартараф этиш юзасидан 13 та тақдимнома, суд органларига 21 та, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан 70 та тақдимнома, 8 та огоҳнома ва 4 та кўрсатма киритилди. Судларга 21 та 24.631.905 сўм миқдорида иш ҳақи ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди.

Бошқарма томонидан киритилган тақдимномалар натижасига кўра, 108 та мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо қўлланилиб, айбдор мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришлик учун тегишли идораларга 4 та таклиф киритилди, 4 нафар мансабдор шахсга маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига оид жами 53 та ариза ва шикоят келиб тушди. Уни ўрганиш жараёнида судларга 21 та 24.631.905 сўм иш ҳақи ва нафақа ундириш ҳамда айбдор мансабдор шахслардан 1.029.601 сўм маънавий зарар ундириш юзасидан даъво аризалари киришилди. Қонунбузилишларининг олдини олиш юзасидан 70 та тақдимнома тегишли ташкилотларга юборилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушинтириш мақсадида шу кунгача 1855 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тарғибот тадбирларининг 302 таси ОАВ орқали, 1553 таси оғзаки шаклда амалга оширилди.

Адлия органлари томонидан давлат нотариати тармоғига эътибор кучайтирилди. Натижада замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланди. Турли таклиф ва аризалар билан мурожаат қилувчи фуқаролар учун қулай шароитлар яратиб беришга эришилди. Шу қаторида вилоят адлия бошқармасида кадрларнинг сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилиб келинмоқда.

Бевосита фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, 2009 йил давомида жами 36560 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар бажарилган бўлиб, 258,9 минг сўм миқдорида давлат божи ундирилган. Фуқароларга 47,4 минг сўм миқдорида пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан жорий йилда жами 9070 та нотариал ҳаракат бажарилиб, 152,9 миллион сўм йиғим ундирилган.

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ижроси юзасидан муайян ишлар қилинди. Натижада текшириш сонининг кескин қисқаришига эришилди. Бошқарма томонидан назорат қилувчи органлар ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги доимо назоратга олинган. Жорий йилда назорат қилувчи идоралар томонидан текширишлар тартибининг бузилиши, яъни тадбиркорлик субъектларини ноқонуний текшириш юзасидан 3789 та ҳолат аниқланди.

Шунингдек, жорий йилда назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан юритилган маъмурий ишларни кўриб чиқишда 151 та процессуал қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли назорат қилувчи идораларга 133 та тақдимнома киритилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишда ҳам бошқарма томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йил давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан келиб тушган 4 та мурожаат ўрганилиб, 2 таси қаноатлантирилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб судларга жами 22 та 34.000.000 сўмлик даъво аризалари киритилди. Уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан 10 та тақдимнома киритилиб, 8 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилди.

Бошқарма томонидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида бошқармага келиб тушган ҳар бир мурожаат назорат-таҳлил ахборот дастурига қайд қилиниб, назоратга олинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан, адлия идоралари фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этмоғи лозим.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

МУБОРАК НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

буюк истиқбол йўлида ташаббус ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган юртимиз меҳнаткашларини Истиқлол айёми билан қизғин табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, улуғ мақсадларни кўзлаб амалга ошираётган фаолиятларида улкан ютуқлар тилайди. Халқимизнинг буюк истиқболи сари парвози янада баланд бўлсин. Элимизнинг орзу-умидлари доимо рўёбга чиқсин, комил фарзандларимиз мустақил Ватанимизнинг янада тараққий топишида муносиб ҳисса қўшаверсин! Ҳар бир хонадон байрам шукуҳига тўлсин!

ҲАЁТДА фидойилик деган тушунча бор. Фидойилик бу — ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш демакдир. Орамизда фидойи инсонлар жуда кўп. Улар қайси соҳада ва қандай вазифада меҳнат қилишмасин, албатта, ён-атрофдагиларга ибрат бўлиб келадилар.

МУЛК ЭГАСИ

Раисдан чиққан фермер

ОЛТИАРИҚ туманидаги «Муҳриддин Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари Лола опа Муротова ҳам элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, ўзининг ҳар бир кунидан мазмунли из қолдираётган фидойилар жумласидандир. Уни нафақат Олтиариқ туманида, балки Фарғона вилоятида ҳам яхши билишади.

— Илгари мактабларарo ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари бўларди. Бундан ўттиз икки йил муқаддам мен ана шундай ўқув юртида тракторчиликдан сабоқ берардим, — дея эсга олади Лола опа. — Ёзги таътил вақтида ширкат вакиллари ғўза қатор ораларига ишлов беришда ёрдамлашиб туришимни илтимос қилишди. Мана шу тариқа хўжаликда механизатор бўлиб қолдим. Кейинчалик туманимиздаги деҳқончилик шароити оғир бўлган ширкатга раис этиб тайинлашди. Отам Неъматжон Муротов ва раҳматли онам Наима опа доим ёнимда турардилар.

Дарҳақиқат, биз Лола опанинг даласида бўлганимизда ҳам 88 ёшли Неъмат бобо дала шийпонидаги сўрида ўтирарди. Дарвоқе, фермернинг уйидан даласигача бўлган масофа қарийб 29 чақирим чиқади. Лекин заҳматкаш қаҳрамонимиз ва унга елкадош маҳалладошларига бу масофа писанд эмас. Неъмат бобо ҳам ҳар куни хўжалик меҳнаткашлари билан автобусда далага келар, кун ботгач яна уйга қайтар экан.

— Отам менинг энг яқин маслаҳатгўйим ва суянчимлар. Кун бўйи шийпонда ўтириб, ҳар бир ишимни кузатадилар. Лозим бўлса ўз йўл-йўриқларини кўрсатадилар, — дейди Л.Муротова.

«Муҳриддин Нурли обод» фермер хўжалиги 2004 йилда ташкил этилган. Ўшанда унга 25 гектар ер ажратиб берилганди. Шундан сўнг Лола опа яна енг шимариб ишга киришди. Натижа эса тез орада кўзга ташланди. Яъни бир пайтлар аранг 11-12 центнердан ҳосил олинган ер фермернинг қўлига ўтгач, 30 центнердан пахта берди. Бироқ Л.Муротова бу билан чекланиб қолмади. 2006 йилда тугатилаётган ширкат хўжалигининг тендер танловларида иштирок этиб, яна 95,4 гектар ернинг эгасига айланди. Аммо бу хўжаликка «Мар Олтин» деган ном берилди. Шундан сўнг фермер ишни сув чиқариш қурилмасини ўрнатишдан бошлади. Негаки, деҳқончиликнинг асоси сув саналади. Доно ҳалқимизнинг «сув билан ер кўкарар, дуо билан эл кўкарар» деган нақли ҳам бежиз айтилмаган. Пировардида ҳосилдорлик янада юқори кўрсаткичга етди.

Ўтган 2008 йилда хўжалик 54,9 гектар ерда ғалла, 65,5 гектар майдонда пахта етиштирди. Ғалладан 45 центнер ўрнига 60 центнердан, пахтадан эса 30,6 ўрнига 34,2 центнердан ҳосил олинди. Фермернинг ўзига нақ 132 тонна дон қолди. Йиллик даромад 117 миллион сўмни ташкил қилди. Йил якунига келиб, туман ҳокимининг қарорига мувофиқ иккала хўжалик «Муҳриддин Нурли обод» фермер хўжалигига бирлашди.

Жорий йил ҳосили учун 60,9 гектар ерга буғдой, 56,4 гектарга чигит экилди. 20 қути ипак қурти парваришланиб, режадаги 1200 килограмм ўрнига 1370 килограмм саноат хомашёси етказиб берилди. Оби-тобида берилган ишлов натижасида ғалладан 45 ўрнига 55 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга сотилганидан ташқари хирмонда яна 156 тонна дон қолди.

Айни пайтда пахталар қийғос очилган. Ҳадемай йиғим-терим ҳам бошланади.

— Ўтган йили 20 августда теримга тушгандик. Бу йил бошидаги об-ҳавонинг салқин келгани теримни 15-20 кунга кечиктирди, — дея изоҳ берди фермер. — Ҳосилдорликни режадаги 31 центнердан ошириб, 35 центнерга, рентабелликни 25 фоизга етказиш ниятидамиз. Шу пайтгача олган даромадларимиз ҳисобидан 2 та «МТЗ-80» русумли чопиқ трактори, 1 та транспорт трактори ва 1 та «ПАЗ» русумли автобус сотиб олганмиз.

Агар пахтачиликда ҳам фермер айтган самарага эришилса, йил 175 миллион сўмлик даромад билан якунланади.

Албатта, фермер бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришаётгани йўқ. Меҳнатга яраша рағбатлантириш ютуқлар омили бўлмоқда. Бугун хўжаликда 43 нафар киши иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 92.000 сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, ишчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Далага келиб кетишлари учун автобус қатнови мунтазам йўлга қўйилган. Қолаверса, ғалла ўрими пайтида ҳар бир ишчининг меҳнатига қараб 500 килограммдан 1 тоннагача буғдой тарқатилди.

Ҳаётда йиқилган инсонни суяш, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш, хайру саҳоват кўрсатиш фақат халқимизга хос олижаноб фазилатлардан саналади. Лола опа бундай ишларни ҳам ўзининг кундалик шиорига айлантирган. Масалан, ўтган йилдан буён хўжалик ишчилари Манзура Анорбоева ва Руқия Муротоваларга бир бошдан соғин сигир олиб берилди. Фуқаро Раҳима Раҳимовага 500 килограмм дон, Собиржон Қўзибоевга эса уй-жой қуриши учун 2 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Манзура Анорбоеванинг Фарғона политехника институтида таҳсил олаётган ўғиллари Абдувосит ва Матқосим Анорбоевларнинг контракт пули ҳам тўлаб берилмоқда.

— Эришаётган муваффақиятларимизнинг бари шахсан давлатимиз раҳбарининг биз аёлларга, айниқса, тадбиркор аёлларга кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли бўлмоқда. Бундай эътибор ва иззат-икромга жавобан кунни тунга улаб ишламаслик мумкин эмас дея, — сўзида давом этади Л.Муротова.

Меҳнатнинг таги роҳат, дейди доно ҳалқимиз. Лола опа ҳам бундан 5 йил муқаддам кўп йиллик меҳнатлари самарасини кўрди. Яъни Юртбошимиз Фармонига мувофиқ **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»** унвони билан тақдирланди. Бу эътибор уни янада юксак муваффақиятлар сари ундамоқда.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

TURON BANK

Республика акциядорлик-тижорат

«ТУРОНБАНК»

жамоаси

Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — юртимиз Истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан қизғин муборакбод этади.

Байрам муносабати билан АТ «Туронбанк» юртдошларимизга йиллик 24% устама тўлаш шарти билан ўзининг «Тошкент-2200» омонат турини таклиф этади. Омонат суммаси чекланмаган, муддати – 1 йил, фоиз тўлови ҳар ойда ёки муддат тугагандан сўнг берилади.

Омонатингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

РЕСПУБЛИКА "ИПАК ЙЎЛИ" БАНКИ ЖАМОАСИ

буюк эзгу ниятлар йўлида давлатимиз қудратига эш бўлаётган фидокор Ўзбекистон халқини Истиқлол айёми билан самимий табриклайди. Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби банк соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилдики, натижада «Банк – мижоз учун» деган тамойил ўз тасдиғини топди. Бугунги кунда банкнинг молиявий мададидан баҳраманд бўлмаган тадбиркорни топиш қийин. Бу ҳамкорлик янада юксалаверсин.

BANK IPAK YO'LI

ЖАРАЁН

ОЗОД ВАТАН РАВНАҚИ

«Риштон пахта тозалаш заводи» ОТАЖ жамоасининг фидокорона меҳнатлари ана шу эзгу мақсадга қаратилган

«РИШТОН ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тасарруфидаги энг кўзга кўринган саноат корхоналаридан бири. Бундан 12 йил муқаддам ишга туширилган мазкур завод Риштон ва Фарғона туманлари далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни қабул қилади.

Қарийб 20 гектар майдонни эгаллаган бу корхона 50.000 тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. У асосан момиқ ажратиш ва уруғлик цехларини ўз ичига олган. Қолаверса, унинг тасарруфида Тўхтасин Аҳмедов номли, Бешкапа, Гулистон, Бешбола, Водил, Чимён ва Хонқиз пахта тайёрлов пунктлари ҳам мавжуд.

Ўтган 2008 йилда заводга 29.546 тонна саноат хомашёси қабул қилиниб, режадаги 9604 тонна ўрнига 9873 тонна тола, 15.202 тонна ўрнига 15.384 тонна чигит, 624 тонна ўрнига 820 тонна момиқ ҳамда 1241 тонна пух ва улук маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Сифат кўрсаткичи 98 фоизга етди. Энг эътиборлиси, ўтган йили янги типдаги уруғлик цехи ишга туширилиб, Испаниянинг 2 миллиард сўмлик «Юбус» русумли замонавий технологиялари билан жиҳозланди. Ушбу цех 1000 тонна уруғлик чигитни туксизлантириш, саралаш ва дорилаш қувватига эга.

Жорий йил ҳосили учун жамият билан иккала тумандаги 506 та фермер хўжалиги ўртасида 16.354 гектар майдондан 44.932 тонна пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси имзоланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда завод фақат пахтани қабул қилиб, уни қайта ишлаш билан чекланиб қолмай, ерга уруғ қадалган пайтдан то пахта очилгунча бўлган даврда фермер хўжаликларига елкадошлик қилмоқда. Аввало, завод томонидан Риштон ва Фарғона туманларидаги 7 та биолабораторияга ҳосилот ва автомашиналар, ҳар бир ММТПга масъуллар бириктирилиб фермерларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, механизаторларнинг иссиқ овқати ва биолабораторияда биомаҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 41 миллион сўм маблағ ажратилди. Қолаверса, 26 та ММТП раҳбарлари ва 52 та биолаборатория назоратчилари, энтимолог агрономлари билан мавсумий меҳнат шартномаси тузилиб, 65 миллион сўмлик иш ҳақлари тўланди.

— Ҳозир 97 та пахта тушириш, 7 та ўт ўчириш, 2 та сув тортиш машиналари, 28 та сув ҳавзаси, 121 та пахта ғарамлаш майдончаси, барча тарози ва лабораториялар давлат стандарти кўригидан ўтказилди, пахтани қайта ишловчи технологиялар капитал таъмирланди, — дейди, жамият раиси Машрабжон Қозихонов биз билан суҳбатда.

Ҳадемай пахта йиғим-терими ҳам бошланади. Заводнинг 520 нафар ишчи-ходими мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун шай туришибди. Терим бошлангунча яна шунча мавсумий ишчилар қабул қилинади. Уларнинг барчасини бепул иссиқ овқат билан таъминлаш чоралари кўрилган. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 185-200 минг сўмдан иборат бўлаяпти. Бу йил ходимлардан 24 нафари республикамизнинг Чимён, Чинобод, Турон, Искра, Нурафшон, Қизилтепа, Рапқон, Парвоз сингари сиҳатгоҳларида дам олиб қайтишди. Яна 300 нафардан ортиғи эса юртимизнинг муқаддас қадамжолари ва гўшаларига саёҳат қилишди.

Корхона маъмурияти нафақат ишлаб чиқариш сифатини ошириш, балки ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат фахрийларини эъзозлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Дам олиш, маънавият ва маърифат хоналари ишчилар ихтиёрида.

Бир сўз билан айтганда, «Риштон пахта тозалаш заводи» ОТАЖ жамоаси ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилмоқда.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири



«РИШТОН ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

сиз азиз юртдошларимизни ва мамлакатимизга ташриф буюриб, бугунги хурсандчилигимизга шерик бўлаётган хорижлик меҳмонларни истиқлолимизнинг 18 йиллик байрами ва азим Тошкентимизнинг 2200 йиллик юбилейи билан самимий қутлайди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин! Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин!

«СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами билан чин юракдан табриклайди. Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга файз-барака, яхшиликлар ато этсин.

Юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин, мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

Сиз азизларга соғлиқ, оилавий бахт, эзгу ишларингизда улкан омадлар тилайди.

НОТАРИАТ

КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА МАДАНИЯТ

«НОТАРИАТ тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Мазкур қонунга кўра нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

АМАЛДАГИ қонунга биноан давлат нотариуслари битимларни ва васиятномаларни тасдиқлаш, эрхотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар бериш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш каби нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар қонунга кўра, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкини қўриқлаш чора-тадбирларини кўришдан ташқари, барча нотариал ҳаракатларни бажариши мумкин.

Маълумки, нотариат тармоғи халқимизга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи ҳуқуқий ҳимоя тизими саналади.

Мамлакатимизда инсон манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилган. Шу нуқтаи назардан Адлия вазирлиги томонидан давлат нотариати тармоғига эътибор кучайтирилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳозирги кунда 55 та давлат нотариуси, 24 та хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолият юритиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш натижасида 925 миллион сўмдан ортиқ давлат божи ундирилди. Фуқароларга 200 миллион сўмдан ортиқ пуллик ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан 2 миллиард 389 миллион сўмдан ортиқ тариф ундирилди. Бу рақамлар ўтган йилгилари билан солиштирганда вилоят ҳудудида фаолият юритаётган нотариуслар томонидан халқимизга кўрсатаётган ҳуқуқий хизмат ва сифат даражаси тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Жорий йилнинг шу кунига қадар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Вазирлар Маҳкамасининг «**Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида**»ги Низом, Президентимизнинг «**Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги 2008 йил 8 июлдаги Қарори юзасидан икки мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Адлия бошқармаси томонидан республика миқёсидаги барча нотариуслар фаолиятида бир хил амалиёт қўлланилишига эришиш мақсадида тарбиявий характерга эга бўлган алоҳида қўлланма ишлаб чиқилди. Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идоларида фуқаролар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга эришилмоқда.

Гулсара ИСОХОНОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ТЎКИНЛИК

БУГУНГИ ДОН, ЭРТАНГИ НОН

ЖОРИЙ йилнинг пойқадами қутлуғ келганлиги нафақат миришкор деҳқонларнинг, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ходимларининг ҳам кайфиятини кўтариб, уларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Мамлакатимиз деҳқонлари ғаллачиликда мисли кўрилмаган муваффақиятни қўлга киритишди. Бу юртимиз фуқароларининг ризқи улуғлигидан нишона. Бир қоп тилланг бўлгунча, бир қалпоқ донинг бўлсин, деган экан машойихлар.

ДАРҲАҚИҚАТ, дон тўкин-сочинлик, шоду хуррамлик, фаровонлик манбаи. Тирикчилигимиз маёғи, дастурхонимиз кўрки ҳисобланмиш буюк неъмат — донни нон қиладиган шарафли ва мўътабар касб соҳиблари тегирмончиларнинг ҳам меҳнати жафокаш касб соҳиблари — деҳқонларникидан кам эмас.

Яқинда биз Самарқанд вилоятининг «Жомбойдонмаҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида бўлиб, жамоанинг айни кунлардаги фаолияти билан танишдик.

— Йил хайр-баракали келди, — деб гап бошлади биз билан суҳбатда «Жомбойдонмаҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раиси Илҳом Мирзаев. — Мавсумда режадаги 92 минг тонна ўрнига 93 минг 600 тонна ғалла қабул қилдик. Яна минг тонннадан зиёдроқ дон қабул қиламиз. Уни қайта ишлаб, сифатли ун маҳсулоти тайёрлашни зиммасига олган тегирмончиларимиз доннинг ҳар бир мисқолини нобуд қилмаслик учун пухта ҳозирлик кўришган.

Хусусан, ун ишлаб чиқарадиган тегирмон таъмирланиб, янги замонавий линиялар ўрнатилди. Сифатли ун ишлаб чиқаришнинг барча чора-тадбирлари кўрилди. Бундан ташқари, жорий йилда Украинадан 474 миллион сўмлик замон талабига мос келадиган омухта ем ишлаб чиқариш цехи ускуналари олиб келиб ўрнатдик. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини икки баробар оширди.

Айтайлик, шу пайтгача бир кунда 123 тонна омухта ем ишлаб чиқарилган бўлса, цех қайта модернизация қилингач, бу кўрсаткич 228 тоннага етди.

Комбинат биноси анча йиллардан буён таъмирланмаган эди. Бу йил капитал таъмирлаш учун 300 миллион сўм маблағ ажратилиб, таъмир ишлари олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жорий йилда «ЎзМарказсаноат» экспорт ҳамда «Ўзинтертекс» корхоналари орқали хорижга 2 минг 816 тонна ун экспорт қилиниб, 675 минг 840 доллар миқдорида валюта олинди. Ўтган йили 21 минг тонна ун ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йилда тегирмончиларимиз бу рақамни 27 минг тоннага етказишмоқчи.

Комбинат раҳбари Илҳом Мирзаев айтмоқчи, нима бўлганда ҳам, ун кўпайсин, дастурхондан нон аримасин. Рўзғоримиз қут-баракаси, дастурхонимизнинг кўрки, уйимизнинг тинчлик ва тотувлик тимсоли дон ва нон мўл бўлса, фаровонликнинг олтин калити шудир.

Ушбу комбинат аъзолари яна бир қатор хайрли ишларга қўл урганлар. Хусусан, бугун корхона Беларусдан 30 бош зотдор қорамол келтириб, ёрдамчи хўжалиги ташкил этишди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида бевосита комбинатга қарашли 6 та нон маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон қуриш режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, корхона ходимлари эл маъмурлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

МЕЗОН

ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИДА

таълим-тарбия жараёни изчил йўлга қўйилган

БУГУНГИ кунда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг аксариятида халқ таълими соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Жумладан, жойлардаги умумтаълим мактабларида директор жамғармаларини ташкил этиб, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва синфдан ташқари ишлар учун белгиланган устамалар билан рағбатлантириб борилиши баробарида «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» юзасидан амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг яққол далилидир.

БИЗ билан суҳбатда Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани халқ таълими бўлими мудири Мамаражаб Маматов бу борада ўз фикрларини шундай баён этди:

— Айни пайтда туманимиздаги 67 та умумтаълим мактабида 31292 нафар ўқувчи, 30 та мактабгача таълим муассасасида 520 нафар кичкинтой таълим ва тарбия олмоқда. Уларга таълим-тарбия беришда 2723 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатиб келаяпти. Шундан 1752 нафари олий маълумотли, 773 нафари ўрта махсус маълумотли педагог кадрлардир.

2008-2009 ўқув йили давомида ўтказилган ташқи назорат натижалари таҳлил қилинганда, 11-сонли умумтаълим мактаби ўртача самарадорлик бўйича 81 фоизни қўлга киритиб, 1-ўринни, 23-сонли умумтаълим мактаби ўртача самарадорлик бўйича 79,6 фоизга эришиб, 2-ўринни, 42-сонли умумтаълим мактаби эса ўртача самарадорлик бўйича 78,2 фоиз кўрсаткич билан 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

218 нафар ўқитувчига касбий маҳорати учун устама фоизлари белгиланди.

2008-2009 ўқув йили давомида 7, 16, 45, 46-сонли умумтаълим мактабларида капитал таъмирлаш ишлари учун ҳукуматимиз томонидан 440,0 миллион сўм ажратилди, 29, 37, 53-сонли умумтаълим мактабларида 101,0 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. 1, 7, 13-сонли мактабгача таълим муассасаларида 32,0 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, Булунғур тумани халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу эса янги ўқув йилида ўқувчилар учун муносиб совға бўлади. Ана шундай ҳар томонлама қулайлик ва имкониятларга эга бўлган ўқув даргоҳларида таълим-тарбия жараёнлари ҳам ўзига хос натижаларни бериши шубҳасиз.

Юнус МИРЗАЕВ

«АГРОБАНК»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Байрам тантанаси муносабати билан «Агробанк» барча юртдошларимизга йиллик 26 фоиз даромад тўланадиган

«Мустақиллик *(муддатли)* **«Тошкент — 2200 ёшда»** *(муддатли)* **«Шарқ тароналари»** *(жамғарма)* **номли омонат турларини таклиф этади! Шу билан бирга, дунё бўйлаб молиявий эркинликни қўлга киритишни истасангиз, «Агробанк VISA Card»ларининг соҳиби бўлишга шошилинг!**



Visa Electron — дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар ва ёшлар учун таклиф этилади.

Visa Classic — универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.



Visa Gold — энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.

Бутун жаҳон бўйлаб. Сиз учун. Янги замон макони.
Ишончли, қулай ва сифатли банк хизматидан самарали фойдаланинг!
«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган.

“КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ”
ОАЖ ЖАМОАСИ
мамлакатимизнинг барча фуқароларини, қишлоқ хўжалиги
меҳнаткашларини, юртимиз фермер ва тадбиркорларини ҳамда
Ўзбекистон Республикаси “Ёғ-мой озиқ-овқат саноати”
уюшмаси ходимларини Мустақиллигимизнинг
18 йиллик тўйи билан самимий муборакбод этади!
Тинчлик, хотиржамлик, хонадонларимизни нурафшон
этсин, дастурхонларимиз қут-баракага тўлсин,
қалбларимизга қувонч ҳамиша ёр бўлсин!

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

барча юртдошларимизни озодлик, ҳуррият ва истиқлол тимсоли бўлган Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БАРЧАМИЗГА ШОДУ ХУРРАМЛИКНИ, БАХТИЁРЛИКНИ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ҲАДЯ ЭТАВЕРСИН!

МИКРОМОЛИЯВИЙ МАДАД

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ТАЯНЧИ

МАМЛАКАТИМИЗДА кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мазкур соҳанинг таг-заминли моддий ва молиявий пойдевори, хусусан унга намунали хизмат кўрсатувчи ишончли банк тизимини вужудга келтиришдан бошланганлигини чуқур қониқиш билан қайд этамиз. Юртбошимизнинг 2006 йил 5 майдаги **«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармони тадбиркорлик тараққиётида яна бир муҳим бурилиш бўлди. Унга кўра, Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш баробарида банк инфратузилмасини такомиллаштириш, унинг капиталлашуви даражасини, иқтисодиётни модернизациялаш билан боғлиқ инвестиция жараёнларидаги фаоллигини ошириш, тадбиркорлик ҳаракатининг турли жабҳаларида янги иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш, қишлоқ аҳлига, айниқса, кўпроқ микромолиявий мадад уюштириш, банк мижозларига хизмат савиясини янада яхшилашни асосий вазифаларимиз қилиб белгиладик. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати кириб бормаган ҳудуднинг ўзи йўқ. Бу ҳолат банк шохобчаларини шаҳар ва туман марказлари билан бир қаторда энг узоқ ва чекка ҳудудларда ҳам вужудга келтириш вазифасини ўртага қўяди. Ҳозирга келиб, банкимизнинг вилоятдаги жами шохобчалари сони 20 дан ортиб кетди. Жойларда банкимизнинг 5 та (Хива, Боғот, Шовот, Қоровул ва Амалиёт) филиали, 14 та минибанк фаолият кўрсатмоқда. Банк шохобчаларининг 7 таси (5 та минибанк ва 2 та ихтисослашган касса муассасаси) бевосита қишлоқ жойларида мижозларга хизмат кўрсатаяпти.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарияти ва фаоллари кўмагида аҳоли истиқомат жойларида кўплаб семинар тадбирлари уюштирилгани микрокредит ва микролизинг хизматларига оид кўргазмали воситалар кенг тарқатилгани туфайли банкимиз мижозлари сони вилоятимиз бўйича шу йилнинг дастлабки ярмида 2390 нафарга кўпайиб, 10411 дан 12802 нафарга етди.

Президентимизнинг **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарорининг молиявий ижроси асосан банкимиз томонидан таъминланади. Шу йўналишда кам таъминланган оилаларга ажратилган кредит маблағларининг ўзи ўтган 7 ой ичида 179,3 миллион сўмга етди. Айни пайтда 53 мижозга кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажми 1,9 миллиард сўмдан иборат бўлди. Молиявий мададдан қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, кўп баҳраманд бўлишаяпти. 683 миллион сўмлик маблағ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларига сарфланди. Айни пайтда савдо ва воситачиликни ривожлантиришга 888,9 миллион сўмлик, қурилиш ва маиший хизмат равнақига 2,8 миллиард сўмлик, бошқа соҳалар истиқболига эса 516,7 миллион сўмлик кредит маблағлари харжланди.

Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қароридан эса жорий йилнинг ўтган даврида банк филиали бўйича 105 та тадбиркорлик субъекти баҳраманд бўлди. Уларга 766,4 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди. **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги Фармони эса янада муҳим ва долзарб аҳамият касб этди. Фармон талабларини бажариш борасида шу йилнинг ўзида 635 миллион сўмлик молиявий кўмак тадбирлари рўёбга чиқарилди. Бошқа бир мисолни олиб кўринг. Банкимиз мижози ҳисобланган 15 нафар фаол тадбиркор «Ташаббус – 2009» танловида муваффақиятли иштирок этди.

Банклар фаолиятини омонатларсиз тасаввур этиш қийин. Банк нуфузининг ёрқин қирраси айнан ана шу жабҳада намоён бўлиши соҳа ходимларига яхши аён. Банк бошқаруви томонидан омонатчилар учун 26 та жамғарма тури жорий этилган.

Юқоридаги рақамлар банкимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида тутган ўрни ва ролини яққол ифода этади.

Ғайрат РОМОНОВ,
«Микрокредитбанк»нинг Хоразм вилояти филиали бошлиғи

Инсонпарварлик давлатимиз сиёсатининг асосий мақсадига айланган. Зеро, инсон қадри улуғланган, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган демократик жамият фуқаросигина ўз имкониятларини намоён эта олиши, орзулари сари дадил одимлаши мумкин.

ФАХР

ОРЗУЛАР ҚАНОТИ

БОЛАЛИГИМДАН ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Кейинроқ бу менинг олий мақсадимга айланди. Бу ниятимга мустақиллик шарофати туфайли эришганимдан ғоятда бахтиёрман.

2004 йилдан буён эса нотариал фаолият билан шуғулланиб келмоқдаман. Нотариуслик фаолиятимни Фарғона шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида бошлаганлигим ва мазкур идора катта нотариуси Ирода Бекмиразева, Замирахон Ғофурова, Флюра Полуэктова каби тажрибали устозлардан таълим олганлигим эса менга яна тақдирнинг туҳфаси бўлди, деб биламан.

Шуни алоҳида эътироф этмоқчиманки, истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида деярли барча жабҳаларда, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилди. 1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг **«Нотариат тўғрисида»**ги Қонунининг қабул қилиниши ҳам ана шу ислоҳотлар самарасидир. Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг тобора ривожланиб, такомиллашиб бораётган нотариал қонунчилигига эга.

Истиқлолгача бўлган йилларда нотариал идоралар маҳаллий бюджетга салмоқли фойда келтирса-да, улар учун кам маблағ ажратилар, нотариал идоралар шарт-шароитларга эга бўлмаган биноларда жойлашган ва молиявий жиҳатдан таъминланмаган эди. Мустақиллик шарофати билан эса нотариат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нотариал идораларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, самарали фаолият кўрсатаётган нотариусларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, тажрибаларини оммалаштириш мақсадида танловлар ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Истиқлолимизнинг ўн саккизинчи йили биз учун қувончли воқеаларга бой бўлди. 2008 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган, Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг ўн етти йиллигига бағишланган **«Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати»** кўрик-танловининг Республика босқичида Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходимлари ҳамда вилоятда фаолият юритувчи нотариал идоралар нотариусларидан иборат «Фемида» жамоаси фахрли 3-ўринга сазовор бўлди. Бу йилги Наврўз байрамида эса биз ва Фарғона шаҳар 1-сон ФҲДЁ бўлими жамоаси барча қулайликларга эга бўлган, янги, муҳташам бинога кўчиб ўтдик. Бино алоҳида хоналар, қабулхона, махсус касса, архив, фуқароларни қабул қилиш зали каби хоналардан иборат бўлиб, замонавий компьютер техникалари ва бошқа зарур анжомлар билан жиҳозланган. Ҳатто нотариат тарихи ва бугунидан маълумот берувчи мўъжазгина музейга ҳам эга.

Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги нишонланаётган айни кунларда нотариат соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар, ижобий ишлар, юз берган янгиланишларга назар ташласак, қалбимиз ғурурга тўлади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида идорамиз томонидан 18.406 та нотариал ҳаракат амалга оширилиб, 66.056.646 сўм давлат божи ва 18.874.494 сўм пуллик хизмат маблағлари ундирилди. Мақсадимиз эса битта — фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, юртдошларимизга сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатишдир.

Касбимни севаман, ардоқлайман. Шу касбим туфайли қадр топганимдан, мустақил юртимиз тараққиётига, гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Бугун вилоятимизда 43 нафар давлат нотариуси, 16 нафар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолият юритмоқда. Мен барча юртдошларимиз ва ҳамкасбларимиз қатори уларни ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги билан муборакбод этиб, келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилайман.

Дилором РАСУЛОВА,
Фарғона шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг азиз, энг улуғ айём – Истиқлол байрами билан табриклаб, барча-барчанинг хонадонида тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, тўкинлик бўлишини тилаб қолади.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

"ЎЗДОНМАҲСУЛОТ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни азизу мукаррам байрамимиз — юртимиз Истиқлолининг 18 йиллиги айёми билан муборакбод этади! Кўнгилларни эзгулик, иодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмаслигини чин дилдан истаб қоламиз. Бунёдкорона меҳнатимиз юртимизга, ҳар бир хонадонга қут-барака олиб кираверсин. Мамлакатимиз дони ҳамиша мўл, нони бутун бўлсин!

ИЖРО

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгандан сўнг, миллий қонунчилик тизими ҳам тубдан янгиланди. Жамиятдаги турли соҳаларга оид қонунлар, қонуности норматив ҳужжатлари қабул қилинди ва бу ижро тизими фаолиятида ўз самарасини берди.

ЖУМЛАДАН, Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими суд ижрочиларининг иш юритувида жорий йилнинг 2-чораги давомида 76 682 та, 176,2 миллиард сўмлик ижро ҳужжатларидан 59 892 та, 148,8 миллиард сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси тамомланди.

Жорий йилнинг 6 ойлик якуни таҳлили натижаларига кўра, Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимида фаолият юритаётган ҳар бир суд ижрочисига 220 та ижро ҳужжати тўғри келди. Таҳлиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2008 йилда ҳар бир суд ижрочисига 131 та ижро ҳужжати тўғри келганлигини билдиради. Бу эса суд ижрочиларининг фаолиятлари нақадар масъулиятли эканлигидан далолат. Суд ижрочилари иш юритувидаги ижро ҳужжатларининг амалда таъминланишининг 1-чораги кўрсаткичдан 3,8 фоиз ортиқ бўлди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ижро тизимига эътибор кучайиб бормоқда. Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шунингдек, 2006 йил 1 октябрдан бошлаб суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш фақатгина биржалар томонидан махсус савдо майдонларида ўтказиладиган очиқ аукционлар орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳудудий бўлимлар бошқармага, суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари эса бўлимларга айлантирилди.

2007 йил 1 декабрдан суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилиши белгилаб қўйилди. Ижро йиғими қарздордан ихтиёрий ижро этиш муддати тугаганидан кейин жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида ундирилиши, шунингдек, номулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахс энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан 10 баравари миқдорида ундирилиши белгилаб қўйилди.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича, шунингдек, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ижро йиғимининг ундирилмаслиги эса инсонпарварлик тамойилининг ёрқин намунасидир.

Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш белгилаб қўйилди. 2009 йилнинг 15 январидан кучга кирган **«Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим босқичи сифатида намоён бўлди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ижро самарадорлигининг янада ошишига, мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг мукаммал механизми яратилишига сабаб бўлганлиги, қолаверса, суд департаменти органлари тизимида фаолият юритувчи ходимларга бир қатор ваколат бериш билан биргаликда, муайян мажбуриятларнинг юклатилиши соҳага бўлган эътибор ва талабдан далолатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай қонун ижроси билан кучли экан, суд ижрочилари зиммасида қонун ижросининг муқаррарлигини таъминлашдек шарафли масъулият қолаверади.

Умид АМИНОВ,
Суд департаментининг
Бухоро вилояти
ҳудудий бошқармаси
бошлиғи

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банки (ОАЖ) қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар

1. «ЗИЁЛИ»
(болалар учун омонат)

Сақланиш муддати – 6 ой, омонат бўйича йиллик 34%-гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

2. «ТОШКЕНТ — 2200»

Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29% ҳисобланади.

3. «ИШОНЧЛИ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

4. «СТУДЕНТЛАР УЧУН»

Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38%-гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

Хорижий валютадаги омонатлар

1. «УНИВЕРСАЛ»
АҚШ долларида.

Сақланиш муддати - 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

	Филиаллар	коди	телефон рақами
1.	Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
2.	Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	371	225-16-46
5.	Сирғали филиали	371	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8.	Асака филиали	374	233-13-69
9.	Фарҳод филиали	374	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11.	Марғилон филиали	373	237-12-37
12.	Олтариқ филиали	373	432-10-11
13.	Қўқон филиали	373	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	436	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18.	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20.	Афросиёб филиали	366	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.

SAVDOGAR BANK

Азиз юртдошлар!
Ўзбекистон — Германия
«Савдогар»
банки жамоаси

бунёдкор элимизга ҳамда
жаннатмакон диёримизга
хизмат сафари ва сайёҳ сифатида
ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга
Ўзбекистон халқининг энг улуғ ва
энг азиз айёми - Истиқлолнинг
18 йиллиги шодиёнаси билан ифтихор
туғёнларига тўлган юраклар
табригини йўллайди. Барчангизга
дил нурафшонлиги, кўнгил
осойишталиги, оила бахтиёрлигини
тилаб қолади.

ТИББИЁТ

КЎНГЛИ ОҚ ШИФОКОРЛАР

ТИББИЁТ соҳасидаги кенг қамровли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Юртимизнинг энг олис қишлоқларида қурилаётган янги қишлоқ врачлик пунктларида (ҚВП) ҳам фан ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари мужассам. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар халқ хизматида.

129 МИНГ нафардан ортиқ Қўрғонтепа тумани аҳолиси соғлиги йўлида фаолият кўрсатаётган 200 нафар олий маълумотли шифокор ва 1162 нафар ўрта тиббиёт ходимларининг аксарияти қалбида олий мақсад ўз аксини топган. Негаки, бугунги кунда туман тиббиёт масканларида узоқ йиллардан буён «шифокор» деган улуғ ва шарафли номни ардоқлаб келаётган Баҳодир Қорабоев, Мамлакатхон Мақсудохунова, Ёқуб Назаров, Эргашали Тошматов каби билимдон ва фидойи ходимлар, уларнинг шогирдлари меҳнат қилишмоқда.

— Туманимизда 25 та амбулаторий-поликлиника муассасаси бўлиб, шундан биттаси кўп тармоқли марказий поликлиника, 24 таси эса ҚВПлардир, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Мирзараҳим Мирзаахмедов. — Уларни замонавий бинолар, асбоб-ускуналар, тиббий жиҳозлар ва доридармонлар билан етарли миқдорда таъминлашда Валихон Ҳакимов бошчилигидаги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ёрдами катта бўлмоқда.

Туман тиббиёт ходимлари аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантириш бўйича маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Туманда истиқомат қилаётган туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида хотин-қизлар ўртасида «Аёл ҳуқуқлари», «Репродуктив саломатлик», «Соғлом авлодни шакллантириш ва уни тарбиялаш» каби бир неча ўнлаб мавзуларда семинарлар ташкил қилиниб, бу борада аёлларнинг тиббий билимлари оширилмоқда. Ўсмир қизлар мутахассис кўригидан ўтказилиб, уларда учрайдиган касалликларнинг олди олинмоқда.

Шунингдек, аҳоли умрини узайтириш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, тиббий муассасалар хизмат маданиятини ошириш ва аҳоли тиббий саводхонлигини кўтариш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

«ОЛМАЛИҚ МЕТАЛЛКОНСТРУКЦИЯ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини энг қутлуғ айём —
Истиқлолимизнинг 18 йиллик муборак санаси
билан самимий қутлайди.

Барча хонадонлардан тинчлик-фаровонлик,
дастурхонимиздан файзу барака аримасин.

Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Сурхондарё вилояти
«ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» АЖ
жамоаси

бунёдкор элимизга ҳамда жаннатмакон диёримизга хизмат сафари ва сайёҳ сифатида ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга Ўзбекистон халқининг энг улуғ ва энг азиз айёми — Истиқлолнинг 18 йиллиги шодиёнаси билан ифтихор туғёнларига тўлган юраклар табригини йўллайди.

Барчангизга дил нурафшонлиги, кўнгил осойишталиги, оила бахтиёрлигини тилаб қолади.

МАМЛАКАТИМИЗДА кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари кечаётган шароитда адлия органлари зиммасига янада янги ва масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР: МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2009 йил 26 январдаги **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарори бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тармоқ дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қишлоқларда янги иш ўринлари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, яъни туман ҳокимларига хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят ҳокимининг 2009 йил 3 январдаги «2009 йилги вилоятга инвестицияларни жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш ҳудудий дастур лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан Кармана туманида «ORIENT-R-NAVOIY» ИЧТФ негизида биоплита маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар 80 минг АҚШ долларини ташкил этди. Маҳаллий кредитлар 116 миллион сўм бўлиб, яратилган иш ўринлари сони 116 тага кўпайди.

Нурота туманида «Оникс Шарқ» қўшма корхонаси негизида мармар харсанглари ва плиталари ишлаб чиқариш бўйича киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 1,5 миллион АҚШ доллари бўлган бўлса, яратиладиган иш ўринлари умумий сони 50 тани ташкил этади. Ушбу лойиҳалар жорий йилнинг учинчи чорагида амалга оширилиши режалаштирилган.

Нурота туманидаги яна бир «Ғазғонмармар» АЖ негизида мармар харсанглари ва плиталари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2 миллион АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Маҳаллий кредитлар 2.7 миллион сўм бўлиб, яратиладиган иш ўринлари сони 50 тани ташкил этади. Ушбу лойиҳа жорий йилнинг тўртинчи чорагида амалга оширилиши режалаштирилган.

Мавжуд қўшма корхоналарнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳисобот даврида бўлим томонидан хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб, судларга жами 3 та, шундан 1 та қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ва инкассо топшириқномасини ижро этиш мумкин эмаслиги ҳақида ҳамда 2 та шартномавий мажбуриятлардан келиб чиқадиган 363 578,24 АҚШ доллари ундириш ҳақида даъво аризалари киритилди. Шундан, 1 таси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, қолган 2 та даъво аризаси судлар томонидан кўрилмоқда.

Жумладан, «Baxt textile» қўшма корхонасининг Тошкент шаҳридаги «Textile impex» ҳамда «Alkim textile» масъулияти чекланган жамият шаклидаги чет эл корхоналаридан мавжуд қарзни ундиришда амалий ёрдам сўраб йўллаган мурожаатлари ўрганилиб, «Baxt textile» қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб, Тошкент шаҳридаги «Textile impex» ҳамда «Alkim textile» масъулияти чекланган жамият шаклидаги чет эл корхоналаридан шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиққан 363 578,24 АҚШ доллари миқдоридаги қарзни ундириш ҳақида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, Қизилтепа туманида жойлашган «Зарметан-Биртек» «Ўзбекистон-Туркия» қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олувчи харидорлар кимлигини, агарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга харидорлар кўпайса корхонанинг иқтисодий аҳволи яхшиланиши маълум қилинган эди. Ҳозирги вақтда корхона билан харидорлар ўртасида шартномалар тузилиб, иқтисодий аҳвол яхшиланмоқда.

«Навоийпожмашина» қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг давомида корхонага ўт ўчириш автомашиналарининг эҳтиёт қисмлари Украина Республикасидан ўз вақтида етказиб берилмаслиги аниқланди. Мазкур қўшма корхонанинг Украинанинг ўт ўчириш автомашиналари эҳтиёт қисмларини юбораётган «Черниговский инструмент» заводидан 66 000 АҚШ доллари ва Олмалиқ «Аммофос» заводидан 76 955 676 сўм қарзи борлиги маълум бўлди. Ана шу муаммолар сабабли қўшма корхона ишламаётганлиги аниқланди.

«Нестор» қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг давомида корхонада 2008 йил май ойидан бошлаб газланган сув ишлаб чиқариш учун зарур бўлган компрессор носозлиги сабабли ишлаб чиқариш тўхтатилганлиги аниқланган эди. Ҳозирги вақтда компрессор тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, корхона ўз фаолиятини яна давом эттирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Зоҳиджон СОБИРОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими

Юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган

«БЕНТОНИТ»
ЎЗБЕКИСТОН-ШВЕЙЦАРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади! Саховатли, бой заминимизнинг чексиз имкониятларини рўёбга чиқараётган мазкур корхона ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашига шубҳа йўқ. Чет эллик ҳамкорлар олдида Ўзбекистонимизнинг юзи ҳамиша ёруғ бўлсин.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади. Танти ва меҳнаткаш, бунёдкор халқимизга тани сиҳатлик, буюк келажак йўлидаги одимларига ривож тилайди!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни озодлик ва ҳурлик айёми — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан самимий қутлайди. Азиз юртдошлар! Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатингизда ғайрат-шижоат ва омад ҳамроҳ бўлсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



"НАВОЙИЙПАХТАСАНОАТ"

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ





Истиқлол миллатимиз асрлар бўйи интизор бўлиб кутган ва эришган неъматдир. Тилагимиз Мустақиллигимизга кўз тегмасин. Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч, юртимиз обод ва фаровон бўлсин!

«БУХОРО ГАЗ-САНОАТ ҚУРИЛИШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

муҳтарам юртдошларимизни она халқимизга ҳурлик, озодлик бахш этган азиз айём — Истиқлол байрами билан самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлик, яратувчанлик, меҳнатларингизга ривож, улкан ютуқлар тилайди. Мустақиллик шодиёналари гўзал диёримизнинг ҳар гўшасини нурга тўлдирсин!



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва ўз ҳамкасбларини шонли Истиқлолимизнинг 18 йиллиги тантанаси билан чин қалбдан табриклайди.
Энергетика соҳасида тиним билмай фаолият юритаётган фидойилар ва ундан унумли фойдаланаётган юртимиз аҳлининг умрига умр, тани сиҳатлик, хонадонига тинчлик, шунингдек, дастурхонига файз-барака ёғилишини тилайди.
Ҳамиша халқимиз бугунгидай тинч, юртимиз обод, фаровонлигимиз доимий бўлсин!

БУХОРО ЮРИДИК ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни республикамиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан муборакбод этади! Эзгу ниятимиз шуки, ҳар бир хонадонда шоду ҳуррамлик, аҳиллик барқарор бўлсин. Қутлуғ кунда яратгандан тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз!

ИБРАТ

Ҳар қаричи олтинга тенг

ИСТИҚЛОЛ бизга, энг аввало, эркин ва озод яшаш имконини берди. Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар қаторида мен ҳар бир инсон учун мулкдор бўлиш, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиш имкони яратилганлигини алоҳида қайд этишни истардим.

Бугунги кунда юртдошларимиз тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандлик каби кўплаб йўналишларда ўз салоҳиятларини намоён этиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшмоқдалар. Бундан чорак аср муқаддам буни ҳатто тасаввур этиб бўлмасди.

Мен ҳам мустақиллик шарофати билан ер эгаси бўлиб, мулкдорга айланган юртдошларим қаторидаман. Хусусан, фермерликни меҳнат ва ҳаракат, фидойилик деб атаган бўлардим. Чунки ҳар қаричи олтинга тенг ер сенга ишониб топширилдими, элнинг ризқ-рўзи, фаровонлигига масъулсан. Ҳар лаҳза ана шу масъулият ҳисси билан меҳнат қилганимиз натижасида Наманган вилоятидаги 8 мингга яқин фермер хўжалиги орасида ўз ўрнимизга эга бўлдик.

Бугунги кунда «Навбаҳор намунаси» фермер хўжалигини бошқараяпман. Тасарруфимизда 51 гектардан зиёд ер бор. Хўжаликка ном танлаётганимизда «Меҳнатда, шижоатда барчага намуна бўламиз», дея қатъий аҳд қилгандик. Натижаларимиз ҳам ният ва ҳаракатга яраша бўлмоқда.2008 йилда 31,4 гектар ерга чигит эккандик. Режадаги 116 тонна ўрнига 128,5 тонналик «оқ олтин» хирмони кўтардик. Ғаллачиликда эса 20 гектар майдондан давлатга режадаги 74 тонна ўрнига 80 тонна ҳосил сотдик. Ялпи ҳосил 128 тоннани ташкил этди.

Жорий йилда эса 20 гектар майдонда ғалла парваришлаб, 134 тонналик ҳосил кўтардик.

Бугун ишлаган одам кам бўлмаслигига ўз фаолиятимиз мисолида амин бўлмоқдамиз. Пахта, ғаллачилик йўналишидаги аъзоларимиз ва пиллакорларимиз бор, айни пайтда 38 нафар киши ҳамжиҳат ишлаяпмиз. Самарали меҳнат натижасида ҳаммаларининг омборлари донга тўлиқ, рўзғорлари бут. Ҳар йили ишловчиларга 20-30 тоннадан зиёд буғдой тарқатамиз. Дала шийпонида қулай шарт-шароитларни яратишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Чунки меҳнат унумдорлиги рағбат ва эътиборга ҳам боғлиқ. Юзга яқин парранда, соғин сигиримиз бор. Барча маҳсулотларни ўзимизда етиштираётганимиз боис иссиқ овқатни бепул ташкил қилганмиз.

Шу йилнинг 2 июль куни Президентимиз Наманганга ташриф буюриб, жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишганликлари, фермерлар билан учрашувлар ўтказганликлари бизга ўзгача кўтаринки руҳ ва ғайрат бағишлади.

Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Наманган филиалида давлатимиз раҳбари билан бўлган учрашувда мен ҳам иштирок этдим. Юртбошимиз фермерлар етакчи куч эканлигини таъкидладилар. Шунга яраша биз фермерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмасдан қайта ишлашни йўлга қўйиш, ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиш, фаровонлик ва ободлик борасида ташаббус кўтаришга ундадилар.

Дарҳақиқат, шундай озод ва обод диёрда яшаш насиб этган экан, унинг равнақига ҳисса қўшиш бизни эзгу ниятлар рўёбига ундайверади.

Илҳомжон ЗИЁВИДДИНОВ,
Наманган туманидаги «Навбаҳор намунаси» фермер хўжалиги раҳбари

ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИДА ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ АННАҚУЛОВА КОЖАМБЕРГАН НОТАРИАЛ ИДОРАСИ ЖАМОАСИ

халқимизни миллий байрамимиз шодиёналари ҳамда қўҳна ва навқирон Тошкентнинг 2200 йиллик тантаналари билан қутлайди. Фаровон ҳаёт, эл-юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлидаги барча эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди!



СОЛИҚ – иқтисодиёт таянчи. Белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир фуқаронинг ҳам инсоний, ҳам конституциявий бурчи, муҳим мажбурияти саналади.

МАСЪУЛИЯТ

Солиқ: бурч ва мажбурият ҳисси

ИҚТИСОДИЙ ислоҳотларни чуқурлаштириш, солиқ ва валютага оид қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда яширин иқтисодий фаолиятга барҳам бериш борасида бошқармамиз томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилнинг дастлабки етти ойи давомида тезкор тадбирлар натижасида солиқ ва валютага оид 164 ҳолатда қонунбузарликлар содир этилгани аниқланди. Давлат бюджетига 6,6 миллиард сўмга яқин қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 2 миллиард сўм ундирилишига эришилди. 139,8 миллион сўмлик товар ва моддий бойликлар давлат ҳисобига ўтказилди.

Вилоятимизда Вазирлар Маҳкамасининг **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ижроси алоҳида назоратга олинган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирларда 4,4 миллиард сўмлик ноқонуний товар-нақд пул айланмаси аниқланди.

Масалан, Янгиариқ туманидаги «Матонат қурилиш савдо» МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирларда маълум бўлишича, жамият раҳбари Э. Каримов ва ҳисобчиси Ж. Аллабергановлар солиқ идораларига тақдим этган ҳисоботларида товар айланмаси 1,8 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этгани ҳолда салкам тенг ярмига камайтириб кўрсатишган. Оқибатда давлат бюджетига 18,3 миллион сўмлик ягона солиқ тўлови тўланмаган. Шунингдек, 49,8 миллион сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлар.

Урганч туманидаги «Равшан Сервис» МЧЖ мутасаддилари ҳам шу каби қонунбузилишларни содир этишган. Жамият раҳбари Ҳ. Раҳманов ва ҳисобчиси Ш. Машариповлар 2008 йил давомида 759,3 миллион сўмлик товар айланмаси амалга оширилгани ҳолда, ҳисоботларда товар айланмасини 268,4 миллион сўмга камайтириб кўрсатишган. Бу билан давлат бюджетига 10,7 миллион сўмлик солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлар. Бу каби ҳолатлар бўйича тегишли идоралар томонидан жавобгарлик таъминланди.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини арзон ҳамда сифатли товарлар билан тўлдириш, давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайишида тадбиркорларнинг муносиб ўрни бор. Бошқармамиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, улар олдига сунъий тўсиқ қўяётган омилларни бартараф этиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Хиванинг «Эски қиёт» қишлоғида яшовчи, қулолчилик билан шуғулланувчи фуқаро Ҳ. Машариповга фаолиятини қонунийлаштириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, банк маблағи асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалий кўмак берилди. Ҳ. Машариповнинг янги «Хива кулоллари» хусусий корхонаси қонуний рўйхатдан ўтиб, газ ва электр тармоқларига шартнома асосида уланди. Энг муҳими, 10 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Ушбу корхона бизнес режасига кўра, ойига ўртача 3 миллион сўм нақд пул банкка топширади. Ишчиларга 800 минг сўм атрофида иш ҳақи берилади. Фаолияти бўйича ва иш ҳақи ажратмаларидан ойига 500 минг сўмга яқин солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилиши кутилмоқда. Тадбиркорнинг ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошириши, унинг тегишли тартибда қўллаб-қувватланиши шундай ижобий натижаларга етаклаши шубҳасиз, албатта.

Ўз фаолиятларини изчил йўлга қўйган бошқармамиз ходимлари бу каби намунали ва ижобий ишлар салмоғини янада ошираверадилар.

Наримжон ЖУМАНИЁЗОВ,
республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Соғлом авлод

келажак пойдевори

АСЛИДА соғлом авлод замини қандайдир маънода ФҲДЁ остонасидан бошланади. Оилаларни мустаҳкамлаш, унинг муқаддаслиги ва даҳлсизлиги тушунчаларини тарғиб қилиш, никоҳнинг қонунийлигини таъминлаш, оилавий тарбия ва саломатликни юқори даражага кўтаришдек вазифалар бизга катта масъулият юклайди.

Оила муқаддаслиги тўғрисидаги тушунча фарзандларимиз онгига ёшлигиданоқ сингдирилиши лозим. Бунга эса энг аввало, ота-она масъулдир. Ёш келин-куёвларнинг бир-бирларини ҳурмат қилиши оиладаги тарбиядан, муҳит ва шароитдан келиб чиқади. Соғлом ота-онадан соғлом зурриёт туғилиши табиий. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш буюк келажак шартидир.

Экологиянинг ўзгариши, турли ижтимоий касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши, ўзга халқлар турмуш маданиятининг салбий қирраларига айрим ёшларимизнинг тақлид қилишига жиддийроқ қарашни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб оила қуриб яшаш, никоҳга киришда қариндошлик ишлари борлигини ҳисобга олмаслик, бўлажак жуфтнинг саломатлик даражасини билмаслик, кейинчалик жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини биз катталар ёшларга уқтириб боришимиз керак.

Ёш келин-куёв никоҳини расмийлаштиришда энг аввало, олдимизга оила мустаҳкамлигини мақсад қилиб қўямиз. Уларга амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтирамиз. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 январдаги **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»**ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида никоҳдан ўтувчи йигит ва қизни ирсиятга таъсир этувчи касалликлар бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш айрим нохуш ҳолатларни олдини олинишини тушунтирамиз.

Бу борада тумандаги барча маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида жойлардаги ҳокимият вакиллари билан ҳамкорликда семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, оилаларни қонуний асосларда мустаҳкам қуриш ёшларимизнинг келгуси ҳаётлари учун фаровонлик келтиради. Буни ҳар биримиз унутмаслигимиз керак.

Маҳбуба РАЖАБОВА,
Зомин тумани ФҲДЁ бўлими мудири



ALP JAMOL BANK

"АЛП ЖАМОЛ БАНК" ХОАТБ

Ўзбекистон халқини юртимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан табриклаб, барча-барча хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, тўкинлик бўлишини тилаб қолади.

Байрам совғаси сифатида аҳолига қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги муддатли омонатлар:
"ИСТИҚЛОЛ" Муддати — 3 ой, йиллик 21 %.
"КОМФОРТ" Муддати — 3 ой, йиллик 21 %.

АҚШ долларидаги муддатли омонатлар:
Муддати — 3 ой, йиллик 7 %.
Муддати — 6 ой, йиллик 10 %.
Муддати — 12 ой, йиллик 12 %.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан суғурта қилинган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг "Банк сири тўғрисида"ги Қонунига асосан депозитга қўйилган маблағларингиз бутлигини ва сир сақланишини кафолатлайди

"СУРХОНДАРЁ ПАХТАСАНОАТ" ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

барча фуқароларни, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, тадбиркорларини Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади!
Деҳқонларимизга хирмонларни юксалтиришдек шарафли ишларида, омад ва зафарлар тилайди!

Хонадонингизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурсин, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин, дала ва боғларингиз ҳосилга тўлсин! Мустақил диёримиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

СОҲА САЛОҲИЯТИ

Эзгу мақсадларни кўзлаб

ИСТИҚЛОЛНИНГ ўтган йиллари мобайнида деярли барча жабҳаларда, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилди. 1996 йил 26 декабрда **«Нотариат тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши ва 1997 йилдан бошлаб, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам ислоҳотлар самарасидир.

Албатта, нотариал фаолиятда хусусий амалиётнинг ўзига хос афзаллик томонлари мавжуд.

Хусусий амалиёт билан шуғулланишнинг дастлабки шартларидан бири ўз фаолиятини суғурталашдир. Бу ҳақда **«Нотариат тўғрисида»**ги Қонуннинг 20-моддасида **«Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Нотариус суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас. Суғурта суммаси белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан кам бўлмаслиги керак»** деб қатъий белгиланган.

Бундан ташқари, хусусий нотариал идораларида алоҳида кирим кассаси (кирим хазинаси) мавжуд. Бу эса фуқаролар ва юридик шахслар учун катта қулайлик яратади. Хусусий амалиётнинг яна бир афзаллиги шундаки, бу ерда мижозлар учун тўловнинг пуллик хизмат тури олинмайди. Шунингдек сайёр нотариал ҳаракатлар (бундай ҳаракатлар асосан пенсионерлар ва қариялар уйида истиқомат қилувчилар номидан бериладиган ишончномаларни тасдиқлаш билан боғлиқ)ни амалга оширишдаги транспорт ҳаражатлари, кўрсатилган ҳуқуқий ва қўшимча техник хизматлар учун ҳам ҳақ ундириш ихтиёрийдир. Бинобарин, Қонуннинг 21-моддасида нотариус нотариал ҳаракатни бажариш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар унинг амалдаги транспорт ҳаражатларини қоплаши, жисмоний ва (ёки) юридик шахс ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирилиши мумкинлиги таъкидланган.

Фикрларимизни бу йилги фаолиятимиздан келиб чиқиб давом эттирадиган бўлсак, идорамиз томонидан ўтган 7 ой мобайнида 7787 та нотариал ҳаракат амалга оширилди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нотариус фақат нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан чекланмаслиги зарур. Унинг зиммасида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш сингари масъулиятли вазифалар ҳам бор. Шу боис жорий йилнинг ўтган даврида шаҳримиздаги Акмал Икромов номли, «Бўстон», «Ширин» сингари маҳалла фуқаролар йиғинларида «Одам савдоси – глобал хавф», «Гендер муаммоси, уни ҳал этишнинг ўзига хос жиҳатлари», «Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари: ҳуқуқий мақоми ва вазифалари», «Кучли адвокатура – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатидир», «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Уй-жой ижара шартномасининг хусусиятлари» каби мавзуларда, Президентимизнинг **«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»** асарининг мазмун-моҳиятига бағишланган 10 дан ортиқ давра суҳбатлари ўтказилди, мунтазам равишда ҳуқуқий тушунтиришлар бериб борилмоқда, ойнаи жаҳон орқали чиқишлар қилинди. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали юртимиз равнақига ҳисса қўшиш мақсадида самарали фаолият юритишга доимо интилмоқдамиз.

Дилфуза ХОЖИМУРОДОВА,
Қўқон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

"МУБОРАК НЕФТГАЗ"
УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

она юртимизнинг буюк келажагини барпо этаётган азиз халқимизни Мустақиллик шодиёнаси билан самимий муборакбод этади. Барчангизнинг хонадонингиздан қут-барака аримасин. Элимизга зафарлари доимо эш бўлиб, диёримиз ҳамиша гуллаб-яшнайверсин!

«ДЕНОВВИНОАРОҚ»

ОАЖ ЖАМОАСИ



қалби пок, меҳр-оқибатда тенгсиз қадрли ўлкадошларимизни диёримизнинг қутлуғ санаси — Озодлигимизга 18 йил тўлгани шарофати билан табриклайди.

Бу азиз тантана барча ватандошларимизга бахт-саодат, қалбларида ҳамиша эзгулик ёр бўлишини тилаб қолади.

«НАВОИЙ - F.S.K.»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни Истиқлол байрами билан самимий қутлайди! Яратувчанлик ва бунёдкорлик иши билан яшаётган замондошларимизга омад ва бахт тилайди!

Республикамизда мебелсозлик соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган мазкур корхона Истиқлол шарофати билан бунёд этилганидан ғурурланади.

Ўзбекистонимиз эшикларига эзгулик ҳамиша остона бўлсин, дейди.

«ВИНОШАРОБ»

БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК, ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ Р.ШРЕЙДЕР НОМИДАГИ КОРХОНАСИГА ҚАРАШЛИ ДЕНОВ ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни Истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйи муносабати билан самимий қутлаб, барча хонадон аҳлларига тинчлик, сиҳат-саломатлик, шунингдек, ҳамма ишларида ривож тилаб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон халқини энг улуғ айём — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик шодиёналари билан муборакбод этади ва миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли депозитлар амалда жорий этилишини маълум қилади:

«АФЗАЛ»

сақлаш муддати 15 ойгача
— фоиз ставкаси — 3 ойгача — йилига 22%;
— 3 ойдан 6 ойгача — йилига 24%;
— 6 ойдан 9 ойгача — йилига 25%;
— 9 ойдан 12 ойгача — йилига 26%;
— 12 ойдан 15 ойгача — йилига 27%;

— фоизлар ҳар чорақда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмайди;
— омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— дастлабки бадал миқдори чекланмаган;
— омонат бўйича шартномани тўлиқ уч ой ўтганидан сўнг бекор қилиш имконияти берилади.

«ФАВВОРА»

— сақлаш муддати — 4 ой;
— фоиз ставкаси — йилига 12%;
— фоизлар ҳар ойда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмайди;
— омонат бўйича қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
— дастлабки бадал миқдори чекланмаган.

«ШУЪЛА»

— сақлаш муддати — 2 ой;
— фоиз ставкаси — йилига 18%;
— омонат бўйича қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
— фоизлар сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади;
— дастлабки бадал миқдори чекланмаган.

Омонатларга пул маблағлари 2009 йил 31 декабрга қадар қабул қилинади.
Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Азиз юртдошлар !

HAMKORBANK

Сизларни Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси билан самимий табриклайди!

VISA билан саёҳат қилинг

VISA INTERNATIONAL PAYMENT SYSTEM



www.hamkorbank.uz +99874 235-48-63, 224-76-88
info@hamkorbank.uz +99871 253-92-59, 280-56-07

Мустақиллик моҳияти

муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон шарафи табора юксалиб бормоқда. Бугун қанчадан-қанча буюк аждодларимиз орзулари ушалган юртимиз бўйлаб байрам нашидаси кезиб юрибди. Истиқлолимизнинг 18 йиллик қутлуғ санасини ҳақли равишда катта шодиёна ва тантаналар билан нишонламоқдамиз. Зеро, ўтган 18 йиллик даврда халқимиз бир тан-бир жон бўлиб барча синовларга дош берди, ғанимларнинг бузғунчилик ғояси барбод бўлди, Ватанимиз тарққиёти табора ривожланиб, турмуш тарзимиз янада фаровонлашиб, жаннатмакон юртимиз йил сайин ободонлашиб бормоқда.

Туман ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан Истиқлолимиз моҳияти, шарофати ва унинг халқимиз учун нечоғли бебаҳо неъмат эканлиги юзасидан жойларда турли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Истиқлол – олий неъмат”, “Азалий орзулар”, “Ҳурлик хумоси”, “Эркимизни асрайлик” мавзуидаги тадбирларда маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этмоқдалар. Ватанимиз эришаётган ҳар бир ютуқ ва муваффақиятлар ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор уйғотиб, янгидан-янги зафарларга ундайди.

Шубҳасиз, бу каби Ватан мадҳи ва мустақиллик моҳиятига бағишланган тадбирлар барчамизнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириб, муҳим табиявий аҳамиятга эгадир.

Марҳамат САНГИЛОВА,
Оҳангарон тумани
ФҲДЁ бўлими мудири

МИЖОЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

“Микрокредитбанк” Фарғона вилояти филиали жамоасининг доимий шиорига айланган

ИСТИҚЛОЛ йилларида барча соҳалар қатори мамлакатимиз банк тизимида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилди. Буни «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугун «Микрокредитбанк» ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистон молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, фаолияти кўламини тобора кенгайтириб бормоқда.

Банкнинг Фарғона вилояти филиали айни пайтда ўз ишларини **«Микрокредитбанк» сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт учун»** шиори остида ташкил этиб, пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъминлашнинг замонавий воситаларини излаб топиш, банкнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, банк ресурс базасини аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ҳозир мижозлар сони 11.666 га етдики, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2750 га кўп демакдир. Банк мижозларининг 3022 нафари жисмоний шахслар (омонатчилар), 2403 нафари хусусий тадбиркорлар, 6158 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари, 1 таси қўшма корхона ҳамда 82 нафари бошқа мижозлардан иборат.

Бундан ташқари, филиал жамоаси банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш, пул муомаласини ва миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пластик карточкалардан фойдаланиш бўйича сезиларли ютуқларга эришди. Жорий йилнинг дастлабки ярмида филиал томонидан пластик карточкада ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун 99 та турғун савдо шохобчаси, 5 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига терминаллар ўрнатилиб, 2 миллиард 427 миллион 54 минг сўм маблағ мижозларнинг пластик карточкалари ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди.

Агар рақамларга назар ташласак, йилнинг ўтган даврида банк кассасига жами 13 миллиард 390 миллион 870 минг сўм нақд пул маблағлари жалб қилинди. Бу кўрсаткич 2008 йилнинг олти ойига нисбатан 1 миллиард 985 миллион 687 минг сўмга ортган. Бошқача айтганда, филиал олган соф фойда 212 миллион 610 минг сўмни ташкил қилди.

Банкнинг вилоят филиали томонидан Президентимизнинг 2008 йил 20 февралда қабул қилинган **«Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Чунки биргина 2009 йилнинг олти ойи мобайнида мавжуд омонат турларига жалб қилинган маблағ 5 миллиард 249 миллион 986 минг сўмга етди. Бу эса 2008 йилда жалб қилинганидан 1 миллиард 698 миллион 986 минг сўм кўп демакдир. Кўриниб турибдики, аҳолининг «Микрокредитбанк»ка бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оз миқдорда сармоя олиб, катта яратувчанлик ишига қўл урган мижозлар сонини кўпайтириш «Микрокредитбанк» учун характерли жиҳатлардан биридир. Бинобарин, сўнгги йилларда юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритаётган мижозлар сони 5 фоиздан 21 фоизга ўсди. Қолаверса, кичик корхоналар учун ажратилган кредитлар 37 фоиздан 59 фоизга ошди. Умуман олганда, филиал томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 25 миллиард 122 миллион 987 минг сўмлик микрокредит ва микролизинглар ажратилиши туфайли 3340 та янги иш ўрни яратилди. Бу иш ўринларининг кўпгина қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келади. Негаки, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, телекоммуникация, коммунал ва маиший хизматлар сингари хизмат турларини, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, янги ташкил этилаётган корхоналарни техник жиҳозлаш учун мақсадли, имтиёзли кредитлар ажратилиши жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимизга таъсирини бартараф этишда эътиборли жиҳатлардан биридир.

Яна бир гап. Банк филиали томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, шу орқали уларни мустақил ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, янги иш ўринларини яратиш ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор – элга мададкор» танлови ўтказилди.

Юқорида тилга олганимиздек, ҳозир вилоятдаги 6158 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари филиал мижозидир. Бу йил уларга пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 12 миллиард 604 миллион 692 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида банкнинг вилоят филиали 86 нафар фуқарони халқаро пул ўтказмалари орқали келган 39.191 АҚШ доллари қийматидаги маблағ билан таъминлади.

Бир сўз билан айтганда, «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали жамоаси **«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун»** шиори асосида фаолият юритмоқда. Бу эса мижозлар сафининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни қутлуғ айём — республикамиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Хонадонингизни тинчлик, дастурхонингизни қут-барака ҳеч қачон тарк этмасин. Истиқлол шарофати билан бошланган эзгу ишларингиз ҳамиша ўнгидан келсин.

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол,
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни қутлуғ шодиёна – Истиқлолнинг 18 йиллик тантанаси билан табриклаймиз! Озод ва обод диёрни равнақ топтириш йўлидаги эзгу фаолиятингизда омад ва муваффақият, шижоат тилаймиз!

«НАМИМПЕКСТЕКСТИЛЬ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ИЖРО

Суд ҳокимияти мустақиллиги

демократик давлатнинг муҳим омили

МАМЛАКАТИМИЗДА суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатларнинг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги белгиланган. Шунингдек, **«Судлар тўғрисида»**ги Қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги Қонун, Президентимизининг 2006 йил 31 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ҳамда 2007 йил 1 ноябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарорларида суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 августдаги Қарори суд департаменти соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим бир босқичи бўлди, десак янглишмаймиз.

Ушбу Қарор билан вилоят ҳудудий бўлимлари бошқармаларга айлантирилди, туман, шаҳар суд ижрочилари бўлинмалари эса бўлимлар деб номлана бошланди. Суд департаменти таркибида Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилди, унинг вазифаси қонунбузилишларнинг олдини олиш ва суд департаменти ходимларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш деб белгиланди.

Юртбошимизнинг 2007 йил 1 ноябрдаги Қарори билан ижро йиғими жорий қилинди, қарздорлардан ундириладиган ижро йиғими суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантиришга йўналтириладиган бўлди.

Бундан ташқари **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги Қонуннинг 87-моддасида белгиланганидек, Суд ижросининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Суд ижрочилари ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва ҳужжат нусхалари уларнинг талабига кўра, бепул ва суд ижроси томонидан белгиланган муддатда тақдим этилади.

Суд ижросининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунлар, ўзгартиш ва қўшимчалар, Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар орқали суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд қарорлари ижросининг сўзсиз таъминланиши учун муҳим ҳуқуқий замин яратилди.

Отабек МАМАНАЗАРОВ,
Суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
"УСТЮРТ ҚИДИРУВ БУРҒИЛАШ БОШҚАРМАСИ"
ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

сиз азизларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди!
Озод юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатингиз унумли, эришаётган муваффақиятларингиз янада салмоқли бўлсин!
Элимиз дастурхони тўкин-сочин, ҳаётимиз тинч-осойишта ва фаровон бўлаверсин!

Барча юртдошларни, шу жумладан, адлия тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлол айёми ҳамда Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи билан самимий муборакбод этамиз. Мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлиб, истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин, қутлуғ айём ҳар бир хонадонга файз-барака, яхшиликлар ато этсин!

Юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз янада гуллаб-яшнаши йўлида амалга ошираётган барча ишларингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

DAVLAT-TIJORAT XALQ BANKI · STATE COMMERCIAL PEOPLE BANK · BANK

Мухтарам юртдошлар!

Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

Наманган вилояти филиали

Сиз азизларга ўзининг янги ва қулай "Миришкор деҳқон" муддатли омонат турини таклиф этади.
Омонат шартлари қуйидагича:
— Омонат 2, 4 ва 6 ой муддатга қабул қилинади.
— Омонатга миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд пулда ва амалдаги омонат турларидаги маблағларни қайта расмийлаштириш йўли билан қабул қилинади.
— Йиллик даромади 24 фоиз.
— Омонат очилган кундан бошлаб фоиз даромади коммунал ва бошқа хизматлар ҳамда харид қилинган маҳсулотларга нақд пулсиз ўтказилиши мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ

Республика Халқ банки бошқарувининг 2009 йил 28 январдаги 6/2-сонли қарори. Омонатга жалб қилиш муддати чекланмаган.

Nestlé PURE LIFE

"НЕСТЛЕ-ЎЗБЕКИСТОН" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам билан чин юракдан табриклайди! Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кунда юртдошларимизга омад ва бахт, тинчлик-хотиржамлик, осойишталик тилаймиз. Бу байрам ҳар бир хонадонга файз-барака, қувонч ва шодлик олиб келишига тилакдошмиз. Дилларимиздан меҳр-оқибат ҳеч қачон аримасин.

"МУҲАММАД СЕРВИС" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами билан қутлайди! Халқимизнинг юзидан кулгу ва табассум аримасин. Юртимизни тинчлик, осойишталик, фаровонлик, хонадонларимизни нурафшонлик, оила аъзолари кўнгилларини эса қувонч ва шодлик ҳеч қачон тарк этмасин. Ватанимиз тинч, халқимиз тотув, бахт-саодатли, дастурхони доимо тўкин, ризқи бутун бўлсин.



Нафақат ҳуқуқшуносларнинг, балки...

ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик бурчи

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» дея белгиланган.

2008 ЙИЛНИНГ 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги Қонуни ва 2008 йилнинг 8 июлида Президентимизнинг **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарорининг қабул қилиниши ана шу конституциявий қоиданинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу қонун 4 та боб ва 17 та моддадан иборат.

Қонун бу турдаги жиноятларга қарши курашни жадаллаштириш, уни тактомири билан йўқотиш, учун асос бўлади дея оламиз. Шунингдек, қонунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан ташқари барча давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг одам савдосига қарши курашишда кўмаклашиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Қонунда «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш» деган ибораларга батафсил тушунча берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари (прокуратура, давлат бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассасалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар) ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Агар бу борада туманимизда амалга оширилган ишларга назар ташласак, жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди томонидан 2008 йил ва жорий йилнинг шу даврига қадар одам савдоси билан боғлиқ 3 та жиноят иши кўриб чиқилиб, айбдорларнинг қилмишларига яраша жазо тайинланган. Бироқ гап рақамларда эмас. Энг ачинарлиси, одам савдосидек жирканч иллат билан ўз юртдошларимиз, яъни жабрланувчиларга ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ ёки маҳалладош бўлган кишилар, ҳаттоки, яқин қариндошлари ҳам шуғулланишмоқда. Улар виждони ва иймонини сотган, инсон деган юксак номга доғ тушираётган кимсалардир.

Шу сабабли нотариал идорамиз томонидан айни пайтда «Қува», Т.Муҳиддинов номли қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва «Тахтакўприк», «Раста» сингари маҳалла фуқаролар йиғинларида одам савдосининг аянчли оқибатлари хусусида кенг кўламдаги тушунтириш ва ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. «Қува ҳаёти» рўзномасида эса «Ҳамюртларимиз алданмасин», «Хатарли савдо» сарлавҳали мақолалар чоп этилди.

Айни пайтда одам савдосига карши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан одам савдосидан жабрланганларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришдек ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, инсонпарварлик давлатимиз сиёсатининг асосий мақсадидир.

Рустам ВАЛИЕВ,
Қува туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Оила — муқаддас гўша

ОИЛАДА келажак ворислари — фарзандлар улғаяди, камол топади. Шу боис оила жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланади ва у давлат томонидан муҳофаза этилади.

БИРОР бир жамият одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз келажагини белгилай олмайди.

Жамият равнақини эса оила фаровонлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти ривожида оиланинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам оилани сақлаш, уни мустаҳкамлаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фаромони шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжат ёш оилаларнинг меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, амалий рағбатлантириш омилларини яратиш йўлидаги муҳим ҳаракатдир.

Ушбу Фармоннинг ижросини жойларда амалга ошириш бўйича туман ФҲДЁ ходимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Фармонга биноан ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган имтиёзлар, шунингдек, уларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериб келмоқда.

Республикамизда мавжуд бўлган турли нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, «Маҳалла», «Наврўз», «Сен ёлғиз эмассан» каби жамғармалар ҳам оилаларга модий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бир сўз билан айтганда, оилаларни қонуний асосларда мустаҳкам қилиб қуриш фақат фаровонлик келтиради.

Гавҳар МЎМИНОВА,
Ғаллаорол тумани ФҲДЁ бўлими мудири

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ «САЙДАНА»
ЎЗБЕКИСТОН — ДАНИЯ ҚЎШМА
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини табаррук айём — Мустақилликнинг 18 йиллиги билан муборакбод этади!
Танти ва бунёдкор элга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, эзгу ниятлар рўёби йўлида омад ва зафарлар тилайди.

"ПАХТАНЕФТБАЗАСИ" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни Мустақиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади! Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга тинчлик-осойишталик, файзу барака олиб кирсин. Юртимиз тараққиёти яна юксак, истиқлолимиз абадий, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини энг азиз, энг улуғ айём — Истиқлол байрами ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллиги билан табриклаб, барча-барчанинг хонадонига тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, тўкинлик тилаб қолади!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини ҳамда ҳамкасбларимизни қўшалоқ байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва азим пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги билан чин қалбдан қутлайди! Юртимизга тинчлик-омонлик, хонадонларига файз-барака, дастурхонларига тўкинлик, эзгу ишларига улкан зафарлар тилайди!

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

АВТОСУҒУРТА – ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Мажбурий автосуғурта нима?

«ТРАНСПОРТ воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунга биноан, транспорт эгалари транспорт воситасидан фойдаланиш чоғида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказиши оқибатида юзага келадиган жавобгарлик хавфини суғурта қилишлари шарт.

Суғурта шартномасини расмийлаштириш

Мажбурий суғурта шартномаси оммавий бўлиб, 1 йил муддатга тузилади.

Суғурта шартномаси имзоланганидан бир йил ўтгач, мижозлар аввал суғурта қилдирган суғурта ташкилотларига мурожаат қилишса, у ерда тез фурсатда кейинги давр учун янги полис расмийлаштирилади.

Бунда полис эгаси ўтган 1 йил мобайнида йўл транспорт ҳодисаси содир этмаган бўлса, кейинги суғурта даври учун расмийлаштириладиган суғурта полисининг нархи 10 фоизга камайтирилади. Беш йилдан сўнг фуқаро ўтган давр ичида йўл транспорт ҳодисаси содир этмаган бўлса унга 50 фоиз миқдорида максимал чегирма тақдим этилади.

Лекин суғурта полиси амал қилиш даврида полис эгалари 1 маротаба йўл транспорт ҳодисаси содир этган бўлсалар, кейинги суғурта даври учун янгидан полис расмийлаштирилаётганда суғурта мукофотининг нархи 20 фоизга қимматроқ бўлади.

Йўл транспорт ҳодисаси юз берганда

Йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда жабр кўрган кишиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирадиган жиҳатларга эътибор қаратилган. Бундай пайтда суғурталанувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахс).

Зудлик билан, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлгандан кейин 72 соатдан кечикмай ёзма равишда (суғурта полисини илова қилган ҳолда) содир бўлган ҳодиса ҳақида ўзи фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилдирган суғурта компаниясини хабардор қилиши, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жой ҳақида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини огоҳлантириши лозим.

Шундай эҳтимолларни назарда тутган ҳолда суғурталанувчи ёнида мажбурий суғурта полиси нусхасини олиб юриши мақсадга мувофиқдир. Чунки у йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганидан сўнг 3 кундан кечиктирмай полис нусхасини жабрланувчига топшириши керак.

Ўз навбатида жабрланувчи суғурталовчига суғурта тўлови тўғрисида ёзма ариза жўнатади ва унга белгиланган зарур ҳужжатларни илова қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда суғурта тўловлари олиш учун мурожаат этишга имкон бермаса, унинг ўрнига яқинлари, қариндошлари, меросхўри ёки бошқа ваколатли вакиллари мурожаат қилишлари мумкин.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта пули Вазирлар Маҳкамаси томонидан 3 минг АҚШ доллари эквивалентида белгилаб қўйилган. Суғурта товони тўлови ушбу кўрсатилган сумма тегишли тарзда тақсимланган ҳолда амалга оширилади.

Баъзан ЙТҲ оқибатида етказилган зарар суғурта тўловларининг белгиланган ҳажмидан ошиб кетади. Бундай ҳолатда йўл транспорт ҳодисасида айбдор шахс ёки шахслар зарарни ўз маблағларидан тўлайди. Бу каби кутилмаган харажатларнинг олдини олиш учун *қўшимча равишда фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилдириш* тавсия этилган.

Ҳозирги кунда республикамиз суғурта бозорида фаолият юритаётгган 30 та суғурта ташкилотининг 9 таси транспорт эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртасини амалга оширмоқда.

Албатта, мижоз, аввало, бу соҳада етарли тажриба тўплаган ва мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган компанияга ишонишга ҳаракат қилади.

Тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, мутахассисларнинг юқори малакага эга эканлиги ва суғурта даъволарини тезкорлик билан кўриб чиқилиши – кабилар ҳар бир суғурта компаниясининг ишончлилиги мезони бўла олади. Айнан мана шундай компаниялар жуда яхши сотув технологияси, тўловларни амалга ошириш тажрибаси, мижозларга қўшимча хизматлар кўрсатиш имконига эга бўлади. Мана шундай намунали компаниялар орасида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини айтиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги»** Қонун кучга кирганидан буён ўтган давр ичида ушбу суғурта тури бўйича «Ўзбекинвест» компанияси томонидан 150 га яқин суғурта тўловлари амалга оширилди. Бу эса компания суғурта тўловларини амалга оширишда етарли тажрибага ва имкониятга эга эканлигини ифодалайди.

«Ўзбекинвест» компанияси нафақат республикамиз, балки халқаро суғурта бозорларида ҳам ишончли суғурталовчи номини қозонган. Бугунги кунда Компания «Moody's» агентлигининг «B1» молиявий барқарорлик халқаро рейтинги ва Ўзбекистон суғурта компаниялари орасида молиявий ишончлилик бўйича энг юқори — «UzA++» рейтингини олган ягона компаниядир.

Шубҳасиз, ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида Компания автосуғурта борасида ҳам етарлича тажриба тўплаган ва бутун республика бўйлаб кенг тарқалган агентлик ва филиаллар тармоғига, суғуртанинг мазкур тури бўйича катта мижозлар базаси ва мижозларга сотувдан хизмат кўрсатишни аниқ йўлга қўйилган технологиясига эга.

«Ўзбекинвест» бу йўналишда қулай ва манфаатли шартларни танлаш имконини берувчи суғурта маҳсулотларини ишлаб чиққан. Дейлик:

– Автомобилни йўқотиш ва зарар кўришдан суғурталаш – КАСКО *(олиб қочиш, ўғирлаш, талончилик, ёнғин, портлаш, буюмларнинг урилиши, йўл транспорт ҳодисаси, табиий офатлар ва ҳоказо);*

— Учинчи шахсларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зиёндан фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш, шу жумладан, мажбурий фуқаролик жавобгарлиги;

— Ҳайдовчилар/йўловчиларнинг бахтсиз ҳодисага учраши.

Шу билан бирга, ихтиёрий автосуғурта полиси бўйича ҳайдовчилар ўз автомобилидаги қўшимча буюмларни (магнитола, телевизор, рация, радиотелефон ва ҳоказо) суғурта қилдириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, автосуғурта полисларини йўллардаги кутилмаган ҳодисалардан муҳофаза этувчи восита сифатида сотиб олиш зарур ва муҳим, албатта. Автосуғурта полисларидан фойдаланган кишилар у қанчалик қулай, ишончли ва фойдали эканлигини яхши англамоқдалар.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК Ахборот хизмати

UZBEKINVEST
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ
"ЎЗБЕКИНВЕСТ" ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ
БАРЧАНГИЗНИ ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАСИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Тошкент, 100017, Истиклол кучаси, 49 Тел: (998 71) 233 05 56, 233 08 54
Факс: (998 71) 233 07 04 E-mail: office@uzbekinvest.uz
www.osago.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА


«ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ» ЖАМОАСИ
барча ватандошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлган Мустақилликнинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллиги билан чин дилдан табриклайди! Меҳнаткаш ва бунёдкор халқимизнинг хонадонларида тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, тўкинлик бўлишини тилаймиз!

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

буюк алломалар, олиму фузалолар, полвонлар юрти, дея жаҳонда тан олинган Ўзбекистонимизнинг 18 йиллик тантаналари, шодиёналари нафаси жаннатмакон юртимиз узра кезиб, ҳар бир фуқаронинг руҳиятида, онгу шуурида бир олам қувонч, ғурур ва фахр ҳиссини уйғотмоқда. Бизнинг кўп минг сонли корхонамиз жамоаси ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган ёнилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш орқали Ватанимизни равнақ топтиришда — Мустақилликни мустаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганидан бағоят бахтиёрдир.

Ҳаётда шукроналик, тинчлик-хотиржамлик, эртанги кунга ишонч тимсоли бўлган Мустақиллигимизнинг қадри доимо баланд бўлсин!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Дунёда мангу, барқарор бўлсин Ўзбекистоним,
Мени улуғлаб бағридан жой берган гўзал бўстоним.
Тоғу тош, чўллардан ҳам гул ундирган ягонамсан,
Шодликда ҳам, ғамда ҳам далда бўлган онамсан.

СУВ — ҳаётимиз манбаи, бебаҳо неъмат. Унинг қадрига етиб, оқилона фойдаланса, келажак авлод олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз. Мақоламизда истеъмолчилар ҳақида эмас, энг масъулиятли, шарафли касб эгалари саналган сувсозлар ҳаёти ҳақида фикр юритамиз. Тажрибали раҳбар Мейли Юлдошев бошқараётган Муборак тумани иссиқлик манбаи, сувоқава ва ободонлаштириш бошқармасида 193 нафар малакали мутахассис ва ишчи-хизматчилар жамоасининг замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишга интилаётганликларини кўриб уларга ҳавасимиз келди.

ТАБИАТ ВА БИЗ

СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ



САНОАТЧИЛАР шаҳри ҳисобланган Муборак шаҳри мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида жойлашган бўлиб, бошқа шаҳарлар билан солиштирганда бу ерда аҳоли ва ташкилотларнинг тоза ичимлик сувига бўлган талаби ниҳоятда катта. Чунки шаҳар чўл миқёсида жойлашган. Бу ернинг ёзи ниҳоятда иссиқ бўлганлиги боис аҳоли томонидан сув кўп истеъмол қилинади.

— Шаҳримизда 95 та кўп қаватли уй, 1184 та коттеж, 99 та таълим, тиббиёт, маданият муассасалари ҳамда корхона ва ташкилотларни узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминлаб келаяпмиз, — дейди Муборак тумани иссиқлик манбаи, сувоқава ва ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Мейли Юлдошев. — Қишки мавсумда аҳоли хонадонларини иситиш, иссиқ сув билан ҳам таъминлаш бизнинг зиммамизда. Истеъмолчиларга суткасига 500 минг м³ тоза ичимлик суви етказиб бераяпмиз. Шаҳардан 100 км. олисда жойлашган Бухоро вилоятидаги «Қуйимозор» сув омборидан тортилган сув қувурлари орқали жўнатилган об-ҳаёт шаҳримиздаги сув сақлаш иншоотларига қуйилиб, бу ерда бир суткада 13-15 минг м³ сув сақлаш имкониятимиз бор. Бошқармамиз шаҳар аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб берадиган 67 километрлик совуқ сув қувурларини янгилари билан алмаштириб, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Энг асосийси, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда узилишларга барҳам бериб келаяпти. Шаҳар хонадонларини қишда иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашда узилишлар бўлмаслиги учун ҳозирданоқ корхона томонидан 3 та қозонхона, 36,2 километрлик иссиқ сув етказиб берадиган қувурлар мавсумга пухта тайёрланмоқда.

Бош муҳандис Қаҳрамон Сатторов ташаббуси билан шаҳардаги «Кончилар», «Ёшлар», «Тонг», «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан ўтказилаётган тадбирлар натижаси ўлароқ, сувни тежайдиган, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлайдиган истеъмолчилар сафи тобора кўпайиб бормоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да шаҳарда 1 км. масофада ичимлик сув қувури, 245 метр иссиқ сув қувури, 350 метр чиқинди сувлар қувури тортилди.

— Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ва моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардан бирига айланган, — дейди корхона раҳбари Мейли Юлдошев. — Ҳар бир ходимнинг йиллик даромади 2 миллион 400 минг сўмни ташкил этди. Жорий йилда корхонанинг 25 нафар ходими санаторийларда соғлиқларини тиклашди. Ишчи ходимларимизнинг 60 нафар фарзандлари оромгоҳларда дам олишди.

Соҳа ривожида тажрибали мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Айниқса, муҳандис ва сувсозлар — Карим Баратов, Элмурод Хонжаев, Тўймурод Авазов, Олим Тоғаев, Нажмиддин Кенжаев сингари устозлар тажрибасини ёшлар Абдулла Сариқов, Ғолиб Боймирзаев, Аҳмат Раҳмонқуловлар фаол ўрганиб, фаолиятда ютуқларга эришмоқдалар.

Файзулла ЭШҚУЛОВ



«ШЎРЧИПАХТА»

очиқ ҳиссадорлик жамияти жамооси

барча юртдошларимизни миллий байрамимиз — Истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйи билан муборакбод этади.

Халқимизнинг азалий орзуси ушалган кун — ушбу қувончли айём шукуҳи қалбларни тўлдирмоқда. Бугун шу нурафшон кунлар умидида ўтиб кетган аждодларимиз руҳи шод бўлган кун десак асло муболаға бўлмайди. Зеро, истиқлол миллатимиз асрлар бўйи кутган ва эришган улуғ неъматдир.

Тилагимиз мустақиллигимизга кўз тегмасин.
Юртимиз тинч-фаровон бўлсин.
Халқимизнинг дастурхонидан барака аримасин!

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси



юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз айём — давлатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Фаровон ҳаёт, эл-юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлидаги барча эзгу ишларингизга самара тилайди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан

18 yil

«САММЕЛИОСУВҚУРИЛИШ» корпорацияси

барча юртдошларимиз ва бунёдкор қурувчиларни ушбу улуғ айём билан қизғин муборакбод этади.

Нурулла Султонов бошчилигидаги 540 кишилик меҳнат жамоаси Самарқанд вилоятида кўплаб қурилиш ва сув иншоотларини бунёд этишда ўз тажрибасига эга бўлган корхоналардан биридир. Шу кунларда «САММЕЛИОСУВҚУРИЛИШ» корпорацияси томонидан замон талаблари асосида бунёд этилган Қўшработ тумани Зармитан қўрғонидаги Саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига муносиб тўёнадир.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

сиз азиз юртдошларимизни

Истиқлолнинг 18 йиллик шодиёнаси

билан самимий қутлайди!
Барчангизга фаровон ҳаёт, тинчлик-тотувлик, бахту саодат ҳамда улкан омадлар тилайди!

Озод ва обод Ватанимиз осмони мусаффо, нуфузи доимо баланд бўлаверсин!

АТИБ "ИПОТЕКАБАНК"
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

шижоатли қадамлар ила буюк келажак сари дадил бораётган озод мамлакатимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!

Она диёримиз бўйлаб кезаётган байрам шукуҳи юртдошларимиз қалбини чексиз қувончларга тўлдираверсин. Элимиз дастурхонидан қут-барака аримасин!

Истиқлол берган неъматлар шукронасига чулганган кўнгиллар мустақиллигимизни мангу мадҳ этаверсин!



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАНИДАГИ
"БОБОТОҒ" ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Истиқлолнинг 18 йиллиги ва азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйи билан самимий муборакбод этади.
Азиз ватандошлар!
Мустақилликнинг мусаффо осмони остидаги турмушингиз янада фаровон, хонадонингиз бундан-да файзли бўлсин.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз!

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Солиқ кодексининг 4-боби солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Ушбу кодекснинг 31-моддасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари қайд этилган.

ЖАРАЁН

СОЛИҚЧИ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ

Муносабат. Мажбурият. Масъулият.

ҲАР БИР ҳуқуқий ва жисмоний шахс давлат солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборотлар олиш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчилар ва инспекция ходимлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга ўтказиш ва қайтариб олиш, шунингдек, солиқ солиш объектини ҳисобга олиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатишлари мумкинлигини эсдан чиқармасликлари лозим.

Солиқ текшируви ўтказилаётган вақтда Давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиш, ваколатли органларнинг ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш, шунингдек, мазкур органларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Бухоро вилоятида 30 мингга яқин юридик шахс ва салкам 9 минг нафар жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Савол туғилиши табиий: солиқ тўловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қай даражада биладилар? Афсуски, баъзи солиқ тўловчиларимиз ҳуқуқларини яхшигина ўзлаштириб олганлари ҳолда, мажбуриятларини билиб, билмасликка оладилар.

Бухоро туманида хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган Ориф Чориев илгари ҳам ўз қилмишлари туфайли бошига балоларни ёғдирган эди.

Бухоро туманидаги «Равнақ Имкон Плюс» масъулияти чекланган жамиятни ўғли Ойбек номига расмийлаштириб, корхона фаолиятини ўз назоратига олиб, республикада ваколат берилган банклар ҳисобига ўтказилиши зарур бўлган чет эл валютасини қасддан яшириш, кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни такроран сохталаштириш жиноятларини содир этган.

«Уддабурон» тадбиркор қонунга амал қилмай, маҳсулотлар сотувидан тушган 84 миллион 838 минг 600 сўм, 2009 йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 615 миллион 630 минг 700 сўм, жами 1 миллиард 700 миллион 469 минг 300 сўм накд пулни НКМдан ўтказмасдан ва уларни банк муассасасига топширмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп бора бузган.

Бундан ташқари, 2008 йилда маҳсулотлар сотувидан 154 миллион 534 минг 200 сўм тушган бўлса-да, шаҳар Давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда солиққа тортиладиган базани 38 миллион 633 минг 600 сўмга камайтириб кўрсатиб, 3 миллион 597 минг 500 сўм ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товлаган. Бу ҳам етмагандек, маҳсулотларни улгуржи сотишдан тушган 1 миллиард 401 минг 619 минг 600 сўмни 20 миллион 707 минг 300 сўмга қасддан камайтириб кўрсатиб, 1 миллион 35 минг 400 сўм ягона солиқ тўловини тўламаган.

«Равнақ Имкон плюс» МЧЖнинг равнақига шу тариқа тўғаноқ бўлган бу фуқаро қонун олдида жавоб берди.

Шу йилнинг 1 июнь ҳолати бўйича белгиланган бир ойлик ижро муддатини бажармаган 736 та юридик шахснинг 3 миллиард 946 миллион 500 минг сўмлик мавжуд боқиманда қарзларини уларнинг мол-мулкидан ундирилишини сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Банкротлик йўли билан тугатиш учун 45 та корхона ва ташкилотнинг 196 миллион 200 минг сўмлик боқиманда қарзлари вилоят хўжалик судига киритилди ва 20 та хўжалик юритувчи субъектнинг 34 миллион 100 минг сўмлик боқиманда қарзлари тугатилиб, давлат реестридан чиқарилди. Корхоналарнинг дебиторлик қарзлари ўрганиб чиқилиб, уларнинг 182 тасига 1 миллиард 94 миллион 800 минг сўмга инкассо талабномалари қўйилиб, 169 та хўжалик юритувчи субъектдан 1 миллиард 10 миллион 900 минг сўм ундириб олинди.

Ҳар бир солиқ тўловчи ўз ҳуқуқларини билиши, шунингдек, мажбуриятларини бажариши лозим. Шундагина юқоридаги сингари қонунбузилишларга чек қўйилади.

Аҳмад ЁДГОРОВ,
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи,
Дилором ҲАЛИМОВА,
вилоят ДСБ бошлиғининг матбуот котиби

"УСТЮРТГАЗ" УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

истиқболи порлоқ,
келажаги буюк мамлакатимиз
аҳлини Истиқлол байрами
билан чин дилдан қутлаб,
энг эзгу ва самимий
тилакларини йўллайди.
Улуғ мақсадларимиз йўлида
истиқлол қуёши
мангу порласин!
Муқаддас заминимиз
гуллаб-яшнайверсин,
она диёримиздаги ҳар
бир хонадон нурга тўлсин.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАЛБИ ЁРҚИН УМИД ВА ТИЛАКЛАР ИЛА ЧАРОҒОН, ОЗОД ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ФАРОВОН БЎЛАВЕРСИН!

БУХОРО ТАЪМИРЛАШ МЕХАНИКА ЗАВОДИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

тараққиёт йўлидан дадил қадамлар ила
одимлаётган мустақил мамлакатимиз
аҳлини энг қутлуғ шодиёна — Истиқлол
айёми билан қутлаб, барчангизга
сиҳат-саломатлик, хонадонингизга
файзу барака тилайди.
Буюк келажак сари интилаётган
халқимизнинг истиқболи порлоқ бўлсин!

Манфаатдорликни ошириш йўлида

ЖОРИЙ ЙИЛДА тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида республикамиз Президенти томонидан «Тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорнинг қабул қилиниши маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларига янада масъулият юклади.

МАЗКУР қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ўтказилаётган ўрганишлар жараёнида давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда мониторинг натижалари бўйича маълумотлар ва таклифлар кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашига ҳар чоракда киритиб борилмоқда.

Шунингдек, жойлардаги бошқарув органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларига салбий таъсир этаётган қарорлари суд орқали бекор қилиниб, қонунбузарларга белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, бошқарманинг 2009 йил 1-ярмидаги иш режасига асосан Иштихон тумани ҳокимлиги томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишининг аҳволи ўрганиб чиқилганда, ваколатдан четга чиқиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланган. Хусусан, туман ҳокимининг 2008 йил 28 июндаги 405-қ сонли қарори билан «Ёрқин» хусусий аудиторлик ташкилоти фаолияти тугатилган. Ваҳоланки, Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги **«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»**ги Қарори талабларига кўра, мазкур аудиторлик ташкилоти фаолиятини тугатиш Адлия вазирлиги ваколатига киради. Шу боис, туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш ва жавобгар Иштихон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходими Б.Норматов ҳисобидан «Ёрқин» хусусий аудиторлик ташкилоти раҳбари Х.Мавлонов фойдасига 25.000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида жорий йил 24 июнда фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилди.

Келгусида ҳам давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш бўлим ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Сафар ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлими бошлиғи

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИГА ТЎЁНА

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 18 йиллик айёмини биз – Риштон педагогика ва иқтисодиёт коллежи жамоаси қўшалоқ байрам сифатида тантана қиладиган бўлдик. Чунки туманнинг Зоҳидон қишлоғида қад ростлаган коллежимиз куни кеча фойдаланишга топширилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, бугунги навқирон ёшлар эртанги фаровон келажагимиз соҳибларидир. Бинобарин, шахсан Юртбошимизнинг ўзлари мамлакатимиз ёшларига юксак ишонч билдирмоқдалар. Ёшларимизнинг мукаммал билим олиб, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Коллежимизнинг ташкил этилиши ҳам ана шу эътибор ва имкониятлар самарасидир. Бошқача айтганда, буни ҳукуматимизнинг қишлоғимиз ёшларига байрам совғаси дейиш мумкин. Бу нафақат жамоамизнинг, балки 18 минг нафар зоҳидонлик юртдошларимизнинг ҳам бир олам қувончига сабаб бўлди.

Қарийиб 3 миллиард сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган муассасамиз 795 ўринга мўлжалланган бўлиб, дастлабки ўқув йили учун 510 нафар ўқувчи қабул қилинди. Уларга 37 нафар устоз-мураббий бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, мусиқа, молия ҳамда бухгалтерия ҳисоби мутахассисликлари бўйича сабоқ беришади. Янги қабул қилинган ўқувчилар билан суҳбатлашган ҳар бир киши улар ўз мутахассисликлари бўйича пухта билим эгаллаб, Президентимизнинг ишончларини оқлаш мақсадида эканлигига амин бўлади. Ҳозир 33 та фан кабинети, физика, кимё, биология лабораториялари, 2 та лингафон, 2 та компьютер синфи, 18х30 ҳажмли спорт зал, футбол, волейбол, баскетбол, узунликка сакраш, югуриш майдонлари, 50 ўринли ётоқхона янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилди. Бунинг учун эса 311,2 миллион сўмлик ўқув анжомлари билан жиҳозланди.

Муассасамиз жамоаси янги қабул қилинган ўқувчилар орасида турли спорт мусобақалари ғолиблари борлиги билан фахрланади. Улар белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиблари Комил Ҳошимов, Нафиса Аҳмаджонова, Феруза Эрматова, кикбоксинг бўйича мамлакат чемпионати ғолиблари Нозим Мелибоев ва Умиджон Мелматовлардир.

Бугун қай бир ўқувчимизнинг юзларига боқманг, уларнинг кўзидан осмон қадар орзулар ва эзгу ниятларни илғашингиз мумкин. Бу келгусида худди устозлари сингари ёш авлодга билим бериш ва малакали иқтисодчилар бўлиб етишиш орқали юртимиз равнақига чексиз ҳисса қўшиш мақсадидир.

Муқаддас БЕКМИРЗАЕВА,
Риштон педагогика ва иқтисодиёт коллежи директори

Бугун қалбларни чексиз қувончларга тўлдирган Истиқлол айёми шодиёналари юртимизнинг ҳар гўшасига, шаҳару қишлоқларига ўзгача тароват, дилларга ўзгача кўтаринки руҳ бағишламоқда. Кундан-кун чирой очиб, тобора обод бўлаётган, гуллаб-яшнаётган бетакрор юртимиз аҳлини



"МУБОРАКНЕФТГАЗМОНТАЖ" ОАЖ ЖАМОАСИ

Истиқлол айёми билан самимий қутлайди!
Барчангизга сиҳат-саломатлик, яратувчанлик меҳнатларингизга ривож ва омадлар тилайди!

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Барчангизга улуғ шодиёна — Истиқлолнинг 18 йиллиги қутлов бўлсин! Серқуёш, тупроғи зар, суви гавҳар, ҳар қаричи олтинга тенг табаррук юртимизга қут-барака, танти ва меҳнаткаш халқимизга қувончу шодлик мангу ҳамроҳ бўлсин. Дастурхонимиз доимо тўкин-сочин бўлиб, юртимизни маъмурчилик ҳеч қачон тарк этмасин!

«ПОПДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

"ТЎРАҚЎРҒОННЕФТБАЗА" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни эрк ва озодлик тантанаси — Истиқлолнинг ўн саккиз йиллиги билан қутлайди! Озод юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК"НИНГ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 18 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ҲАМДА МУАЗЗАМ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ТЎЙИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!



Ушбу қўшалоқ байрам сизга бахт-иқбол, хонадонингизга файз-барака, юртимизга тинчлик, фаровонлик олиб келишини тилаб, юртимиз аҳолисига қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Омонат номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Энг кам миқдори	Энг кўп миқдори
Миллий валютадаги омонатлар:				
Мадад-1	3 ой	18%+6% бонус	чекланмаган	чекланмаган
Мадад-2	4 ой	18%+7% бонус	чекланмаган	чекланмаган
Мадад-3	6 ой	18%+8% бонус	чекланмаган	чекланмаган
Мадад-4	9 ой	18%+9% бонус	чекланмаган	чекланмаган
Манфаат-1	7 ой	30%	чекланмаган	чекланмаган
Хорижий валютадаги омонатлар:				
Имконият тақдим этувчига	18 ой	7%	чекланмаган	чекланмаган
Мультивалютали	18 ой	5%	чекланмаган	чекланмаган
Манфаат-2	6 ой	12%	чекланмаган	чекланмаган

- ✓ Депозит ҳисобварақларига қўйиладиган маблағлар манбалари декларация қилинмайди;
- ✓ Омонатларга маблағлар чекловларсиз қабул қилинади;
- ✓ Омонатчилар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар сир сақланади;
- ✓ Омонатлар ва унга ҳисобланган фоизлар ўз муддатида ва тўлиқ қайтариб берилиши банк томонидан кафолатланади;
- ✓ Омонатга қўйилган маблағлар ҳисобига олинган даромадлар солиққа тортилмайди;
- ✓ «Ўзсаноатқурилишбанк»даги аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатган.

ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

Мурожаат учун телефонлар: Тошкент (8 371) 120-45-24;
Фарғона филиали (8 373)224-01-81; Қиргули филиали (8 373) 222-18-64;
Қўқон филиали (8 373) 552-57-20
www.uzpsb.uz, info@uzpsb.uz

«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

диёримиз аҳлини энг улуғ шодиёна – Истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйи билан самимий қутлайди!
Меҳнаткаш, бир-бирига оқибати юксак халқимизга тинчлик, оилавий бахт, шунингдек, дастурхони ҳамиша тўкин-сочин бўлишини тилайди.

«Ўзагросуғурта» компанияси мижозларга 80 дан ортиқ суғурта турларини таклиф этади. Улардан асосийлари қуйидагилар:

– транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш;
– пахта, ғалла ва бошқа экинлар ҳосилини суғурта қилиш;
– мол-мулкни суғурта қилиш;
– гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш;
– транспорт воситаларини комплекс суғурта қилиш;
– йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;
– бахтсиз воқеалардан ва касалликлардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;
– лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;
– чорва ҳайвонларини суғурта қилиш;
– боғ ва узумзорлар ҳосилини суғурта қилиш;
– ипотека кредитлари бўйича комплекс суғурта қилиш;
– тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;
– ихтиёрий тиббий суғурта қилиш.
Компания ўз мижозларини суғуртанинг турли кўринишлари бўйича суғурта қилишни кафолатлайди!

БАНК ХИЗМАТИ

Мижоз ишончи

БАНК мижоз учун ибораси биз — банк ходимлари учун кундалик иш услубимизга айланиб қолган. Зеро, республикамизда фаолият юритаётган барча молия муассасалари бутун имкониятларини мижоз манфаатларига қаратмоқда.

«АГРОБАНК» ОАТБ Мирзачўл филиали 2009 йил 1 август ҳолатига 135 та фермер хўжалиги, тадбиркорлар, ташкилот ва муассасаларга сифатли ҳамда намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да аҳолига чорва моллари сотиб олиш учун 76 миллион 330 минг сўм, истеъмол кредити учун 62 миллион 474 минг сўм, савдо ташкилотларига 30 миллион сўм, кам таъминланган оилалар учун 23 миллион 970 минг сўм, ёш оилаларга 59 миллион 900 минг сўм ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

Бугунги кунга келиб, банкнинг 4 та минибанк шохобчаси мавжуд бўлиб, улар жойларда аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг барча тармоқларини молиялаш учун қўшимча маблағларни шакллантириш имкониятларини беради.

Шубҳасиз, мижоз ишончи банкнинг хизмат кўрсатиш сифатига боғлиқ.

Азиз юртдошлар!

Банкимиз жамоаси барчангизни Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси билан табриклайди!

Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, яратувчанлик ишларида улкан зафарлар тилайди. Муқаддас обод ва озод ватанимиз Ўзбекистон гуллаб-яшнасин.

Азамат ЖУЛИЕВ,
«Агробанк» ОАТБ Жиззах вилояти Мирзачўл филиали бошқарувчиси

"ШИМОЛГАЗ-ТАЪМИНОТ"
УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

қалбларни чексиз шукуҳга тўлдириб, озод юртмизда кенг нишонланаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги шодиёналари билан юртимиз аҳлини муборакбод этади!
Юрт иши, Ватан равнақи учун фидойи, меҳнаткаш халқимизнинг истиқболи порлоқ, ризқу рўзи янада зиёда, қадамлари қутлуғ бўлаверсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик тилаймиз!
Эзгу мақсадларимиз доимо рўёбга чиқаверсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

қалби пок, меҳри дарё, меҳрда тенгсиз ўлкадошларимизни ва унинг меҳмонларини шарафли қўшалоқ айём — Озодлигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллиги тантаналари билан самимий қутлайди. Юртимиз тинч, фаровонлигимиз абадий бўлсин!

"АГРОБАНК" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ БУХОРО ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини озодлик ва ҳурлик айёми — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан муборакбод этади. Халқимизнинг энг азиз, энг улуғ байрами юртимизга тинчлик, қалбларимизга қувонч, хонадонларимизга қут-барака олиб келсин.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Агробанк» — муваффақиятларингиз ва фаровонлигингиз калитидир! Мустақиллигимиз абадий, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборимиз устувор бўлсин!

БЕРУНИЙ ТУМАНИДА ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЙЎЛДОШЕВ МУҲИДДИН НОТАРИАЛ ИДОРАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни озодлик ва ҳурлик айёми — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик шодиёналари билан чин қалбдан табриклайди. Юртимиздан тинчлик, хонадонларимиздан файз, дастурхонларимиздан қут-барака аримасин!



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ "ЖАҲОН" КРЕДИТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайди! Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт, юртимизга осойишталик ва камолот тилайди. «Жаҳон» кредит уюшмаси ҳамкорликка чорлайди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди!

Кундан-кунга чирой очаётган Ўзбекистонимизнинг келажаги буюкдир. Ватанимиз равнақи йўлида эзгу ишлар, яратувчанлик ҳар биримизга мададкор бўлсин.

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракати,

Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда

Навоий вилояти Давлат экологик экспертизаси жамоаси

барча юртдошларимизни энг азиз, энг улуғ байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан муборакбод этади! Юртимиз осмонини турналар парвози, Ўзбекистон боғларини булбуллар навоси ҳеч қачон тарк этмасин! Озод ва обод Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун юртнинг виқорли тоғларини, бетакрор боғларини, Она табиатини асрайлик!

«Портлатишсаноат» ОАЖ жамоаси

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги шодиёнаси билан барча Ватандошларимизни қизғин муборакбод этади!



Юртимизда тинчлик, хонадонларда тотувлик, қалбларимизда осойишталик доимо барқарор бўлсин. Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва келажакка умид туйғулари асло тарк этмасин!

«HITECH KABEL» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси жамоаси

халқимизни озодлик, ҳуррият байрами — Истиқлол айёми билан самимий муборакбод этади!

Юртимиз обод, тинчлигимиз барқарор, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ

халқимизни энг ардоқли ва мўътабар байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан табриклайди!
Жаннатмакон юртимизнинг истиқбол ва тараққиёт йўлидаги одимларига кўз тегмасин. Диёримиз келажаги янада нурафшон, ёшларимиз иқболи бундан-да порлоқ бўлсин!

УЙ-ЖОЙ ТАСАРРУФИ

Хусусий мулк ҳуқуқи

БОЗОР муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётимиз негизини турли шаклдаги мулк ташкил этади. Амалдаги қонунларимизга мувофиқ хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Асосий қонунимизнинг 54-моддасида, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланишда мулкдор экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, деб белгилаб қўйилган.

Кундан-кун обод бўлиб бораётган юртимизда бир-биридан чиройли бинолар, шаҳар ва қишлоқлар ҳуснига ҳусн қўшаётган кўплаб уй-жойлар кўзингизни қувнатади. Миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳар томонлама мустаҳкамлаб қўйилган. Шахсларнинг давлат томонидан кафолатланган юридик эркинликлардан амалда фойдаланиши бундай ҳуқуқни юзага келтиради. Соддароқ ифода этадиган бўлсак, мулкдор ўзига тегишли уй-жойни тасарруф этиши, бошқа шахсга ижарага бериши ёхуд текинга фойдаланишга топшириши унинг ўзига берилган юридик эркинликларни амалга ошириши сифатида баҳоланади.

Нотариал идорамизга хусусий мулк бўлган шахсий уй-жойларни тасарруф этиш билан боғлиқ масалаларга оид қилинаётган мурожаатлар сони ортмоқда. Албатта, уй-жойларни, бошқа шахсий мулкларни тасарруф этишни расмийлаштириш қонуний талаблар асосида амалга оширилаяпти. Аввало, мулкдорнинг шахсан иштироки таъминланиб, розилиги олиниб, олди-сотди битимини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилиб, сўнг нотариал ҳаракатлар амалга оширилади. Бу эса қонунбузилиш ҳолатларининг ва низоларнинг олди олинишини таъминламоқда.

Хайрулло АМОНОВ,
Бухоро шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

ТЎРТКЎЛ ТУМАНИДА ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ РЕЙИМБОЙ АЛЛАБЕРГЕНОВ НОТАРИАЛ ИДОРАСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни ҳамда барча касбдошларни миллий байрам — Истиқлолнинг 18 йиллик тўйи билан самимий муборакбод этади.
Тилагимиз Мустақиллигимизга кўз тегмасин. Юртимиз тинч-фаровон бўлсин. Халқимизнинг дастурхонидан барака аримасин. Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ишлар, яратувчанлик ҳар биримизга мададкор бўлсин!

ПОЙДЕВОР

Коллежимизда агротадбиркорлар тайёрланади

НАМАНГАН агротадбиркорлик коллежи Наманган қишлоқ хўжалиги техникуми негизида ташкил этилган.

ТАЪЛИМ муассасасида 10 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Коллежда жами 1630 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг 90 нафари агрономия бўлимида, 190 нафари ветеринария, 60 нафари сут маҳсулотларини қайта ишлаш, 275 нафари бухгалтерия ҳисоби, 179 нафари, банк иши, 330 нафари хўжалик ҳуқуқий фаолияти, 270 нафари молия, 206 нафари солиқ ва солиққа тортиш, 30 нафари эса статистика бўлимида ўқийди.

2008-2009 ўқув йилида таълим муассасасини битирувчилар 538 нафарни ташкил этди. Улардан 47 нафари имтиёзли дипломни қўлга киритдилар. Васий ташкилотлар вилоят хўжалик суди, молия бошқармаси, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, статистика бошқармаси, саралаш ва стандартлаштириш бошқармаси, Халқ банки бошқармаси томонидан тузилган шартномалар асосида битирувчиларнинг 65,8 фоизи иш билан таъминланди.

Коллежимизда 116 нафар педагог ёшларга билим бермоқда. Ўқитувчилар илмий ишлар қилишлари учун барча имкониятлар етарли.

«Бухгалтерия» кафедраси мудири Д.Ходжаева муаллифлигидаги «Аудит ўқув амалиёти», маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ё.Нурбоев муаллифлигидаги «Диншунослик асослари» услубий қўлланмалардан ўқувчиларимиз дарслик сифатида фойдаланмоқда. Бундан ташқари, Д.Ҳоджаева томонидан «Иқтисодий таҳлил ўқув амалиёти» ва «Бухгалтерия ҳисоби», З.Мирзараҳимова томонидан «Юридик шахсларни солиққа тортиш» фани бўйича услубий қўлланмалар яратилган.

Охирги икки йилда бюджетдан ташқари ишлаб чиқариш орқали туширилган маблағ 86156,0 минг сўмни, пулли хизмат кўрсатиш орқали тушган маблағ 4901,3 минг сўмни ташкил этди.

Коллежда ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Ўтган ўқув йилида коллежнинг 15 нафар ота-онасиз, кам таъминланган, шароити оғир ўқувчилари ўқув-тажриба хўжалиги томонидан рағбатлантирилди. Улар ёрдам пули, спорт кийимлари, дарсликлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Агрономия ва ветеринария мутахассисликлари учун Японияда сутни қайта ишлайдиган жиҳозлар олиб келинди. Ҳозирда ана шу жиҳозлардан унумли фойдаланиш мақсадида Голландиядан 5 та зотдор қорамол келтирилди. Польша давлатидан сут маҳсулотларини қайта ишловчи миницех олиб келиб ўрнатилди. Зотдор моллардан олинган сут маҳсулотлари қайта ишланиб, творог, пишлоқ, қаймоқ олинмоқда.

Наманган туманида коллежнинг 26 гектар ўқув тажриба хўжалиги фаолият кўрсатади. Бу йил ўқув-тажриба хўжалигининг 16 гектарига чигит экилган бўлиб, ундан 47 тонна пахта ҳосили йиғиб олиш режалаштирилган. 10 гектарига буғдой экилиб, 34 тонна ғалла олинди.

400 ўринли ётоқхонада 350 нафар ўқувчи истиқомат қилади. Уларга маънавият ва маърифат, дам олиш, тиббий, ювиниш ҳамда овқатланиш хоналари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Коллежнинг Ахборот ресурс маркази 31130 китоб фондига эга.

Ўқув юртида Наманган муҳандислик-педагогика институти билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, улар иштирокида 2007 йилда «Диплом олди ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ» мавзуида, 2008 йилда эса «Битирув малакавий ишларини тайёрлаш, уни ҳимоя қилиш» бўйича илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Ҳусниддин АТАМИРЗАЕВ,
Наманган шаҳар агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директори

ДЕНОВ ТУМАНИ МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ ЖАМОАСИ
Истиқлол айёми — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёналари билан халқимизни самимий муборакбод этади.
Ҳур диёримиз, озод ва обод юртимиз доимо гуллаб-яшнайверсин.
Мустақил мамлакатимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз, азиз ватандошларимизга соғлик-саломатлик, яратувчанлик ишларида улкан ютуқлар тилаймиз!
Фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўссин, элимиз қалби қувончларга тўлсин.
Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч, истиқлолимиз порлоқ бўлаверсин!


ДЕНОВ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизни ҳамда ҳамкасбларимизни Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги билан чин юракдан табриклайди.
Жаннатмакон юртимиздан тинчлик, хонадонларимиздан файзу барака аримасин.
Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин!

ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ Ш.ҚОБИЛОВ СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ, «ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ ХЎЖАЛИГИ» ДЕҲҚОНЛАРИ
мамлакатимиз меҳнаткашларини энг улуғ айём — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

“БЕШКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ”
ОЧИҚ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ





баҒрикенглик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, ҳурлик тимсоли бўлган Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллик муборак айёми билан Ўзбекистон меҳмонларини ва аҳолисини чин дилдан самимий табриклайди.

Бунёдкор ва яратувчан, олижаноб халқимизнинг асрга татигулик кенг қамровли ишларига омадлар ёр бўлишини тилайди.

Ҳар бир хонадонни файзу барака, соғлик-саломатлик, байрам кайфияти ҳеч қачон тарк этмасин.

ВАТАНИМИЗ МАНГУ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

ВАТАН РАВНАҚИ
ҳамда юрт истиқболи учун масъулмиз

Ушбу сўзлар корхонамизнинг ҳар бир ишчи-ходими учун шиорга айланган, — дейди Бешкент пахта тозалаш ОҲЖ раҳбари Хушвақт ҚИЛИЧЕВ.

— МУСТАҚИЛЛИК олий, бебаҳо неъмат. Ана шу неъматнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ва келажак авлодга шу озод ва обод ватанни қолдириш миллат, ватан тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир фидойи инсоннинг энг катта вазифасидир. Хўш, корхона жамоаси ана шу масъулиятни қандай адо этаяпти?

— ҲАҚИҚАТАН, мустақиллик тенги йўқ, мислсиз бойлик, улуғ неъмат. Тарих гувоҳ, халқимиз бу кунларга эришишни асрлар давомида орзиқиб кутган. Янги замон, янги ўзгаришлар даврига қадам қўйишимиз мустақиллигимиз билан чамбарчас боғлиқ. Наинки, корхонамиз жамоаси ёшлари, балки Қарши тумани аҳолиси, вилоятимиз меҳнаткашлари тарихий ўзгаришлар даврида яшаётганлигидан, шу мустақил Ўзбекистонни тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланади. Корхонамиз иқтисодиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши бевосита мустақиллик даври билан чамбарчас боғлиқ. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати кейинги йилларда сезиларли даражада ошди. 225 та янги иш ўрни яратилди. Замонавий технологик жараёнларни тўлиқ ўзлаштирдик. Замон билан ҳамнафас, жаҳон андазаларига мос, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларини доимий такомиллаштириб бориб, маҳсулот сифатини яхшилайдиган омилларга эътиборни қаратиш баробарида таннархни арзонлаштириш учун электр энергиясини тежаш муқобил шаклларини жорий этаётганлигимиз келажакда катта самара беради. Саноат ходимларининг мустақиллик даврида таълим олган, шаклланган янги авлоди бошқарув тизимида, ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинларидаги иштирокини оширганимиз ҳам корхонанинг барқарор иқтисодий-ижтимоий ўсишида муҳим омил саналади.

— Ўтган йилнинг якуний ҳисоб-китобларига кўра, ҳар бир ишчининг йиллик даромади 2 миллион 430 минг 914 сўмни ташкил этган. Шунингдек, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ҳам корхона раҳбари ташаббускорлигини фахр билан гапиришди. Манфаатдорлик бор жойда ўсиш, ривожланиш, янги изланишларга йўл очилади, дейишади.

— Ислоҳот инсон манфаатларини ўзида ифода этиши керак. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барча бўғинларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида мислсиз ўзгаришлар, салмоқли муваффақиятлар бежиз рўй бергани йўқ.

Муҳтарам Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилган оқилона ва одилона кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳоли даромадлари ошди, турмуш фаровонлиги яхшиланди, бу эса одамлар руҳиятида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлади.

2007 йилда модернизация қилиш эвазига ишлаб чиқариш қуввати 55 минг тоннага етказилди. Эндиликда ишчилар замонавий саноат корхонасида қийинчиликларсиз, ўз вазифаларини аъло даражада бажараяптилар. Маҳаллий ёшлар ҳам келажакларини шу корхона билан боғламоқдалар.

Корхона ёшлари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кутубхона ва спорт майдонлари фаолияти намунали йўлга қўйилган. Ишчи ходимларга ўтган йили 12 миллион 13 минг 752 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 22 ишчи-хизматчи санаторийда, саломатлигини тиклаган бўлса, ходимларнинг 96 нафар фарзанди болалар оромгоҳида дам олди. Бундан ташқари, ишчилар бир маҳал бепул иссиқ овқат ва иш кийимлари билан таъминланади. 2008 йил пахта хомашёсини қайта ишлаш натижасида 15 минг 992 тонна тола олишга эришилди. Корхона ютуқларида фаол мутахассислар Нодир Жумаев, Улуғбек Абдуллаев, Бекзод Эгамов, Жаҳонгир Баратов, Эгамберди Елдашовларнинг ўрни беқиёс.

Файзулла ЭШҚУЛОВ суҳбатлашди.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ «ХОРАЗМ ШАКАР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини энг улуғ ва энг азиз байрам — республика Мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёнаси билан самимий муборакбод этади. Байрамингиз қутлуғ, истиқлолимиз йўллари янада нурафшон бўлаверсин, азиз юртдошлар!

Умрингизга барака, турмушингизга тўкинлик, ҳаётингизга корхонамиз неъмати — шакардай ширинлик тилаймиз.

«SHINDONG SPINING TERMEZ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолисини Истиқлол айёми — Мустақиллик байрами билан самимий табриклайди! Халқимизнинг дастурхони ҳамиша тўкин, истиқболи ёруғ бўлсин.

Истиқлолнинг нурли шукуҳи қалбларимизни доимо нурафшон этсин!

«ХИВА МЕБЕЛЬ СЕРВИС» КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни улуғ ва мўътабар байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг шонли 18 йиллиги тантаналари билан қутлайди! Элимизга тинчлик-омонлик, хонадонларига файз ва баракот, дастурхонига тўкинлик, хайру савоб ишларига ривож тилайди.

Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ютуқ ва зафарлар доимо ёр бўлсин.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, қадрли юртдошлар!

"УЙЧИНЕФТБАЗА" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни Мустақиллигимизнинг қутлуғ 18 йиллиги билан муборакбод этади! Хур диёримизни саодат, хонадонларингизни тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака асло тарк этмасин!

МАРКАЗИЙ МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини, Ватанимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳларни, дипломатик корпус вакилларини Ўзбекистон Мустақиллигимизнинг 18 йиллик қутлуғ тўйи ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан самимий табриклайди!

Юртимиз янада чароғон, ўтаётган ҳар бир кунимиз нурга тўлсин!



«ЕВРОСНАР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни
ҳамда мамлакатимизнинг «Ёғ-мой ва озиқ-овқат
саноати» уюшмаси таркибидаги барча касбдошларини
миллий байрамимиз — Истиқлолнинг 18 йиллик тўйи билан муборакбод этади!

Халқимизнинг азалий орзуси ушалган ушбу
дамлар нафақат бизнинг байрамимиз,
балки шу нурафшон кунлар умидида
ўтиб кетган аждодларимиз руҳи-поклари
шод бўлган кун, десак асло муболаға бўлмайди.
Зеро, Истиқлол миллатимиз асрлар бўйи
интизор бўлиб кутган ва эришган бебаҳо неъматдир.
Тилагимиз Мустақиллигимизга кўз тегмасин.
Юртимиз тинч-фаровон бўлсин.

Халқимизнинг дастурхонидан барака аримасин!



Жаннатмонанд Ўзбекистоннинг
меҳнатсевар ва фидойи халқини
энг улуғ байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 18 йиллиги
билан муборакбод этамиз!

«ЎЗВИНОСАНОАТ — ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, мамлакатимизнинг
янада гуллаб-яшнаши, халқимиз
фаровонлигини
ошириш, иқтисодиётимизни янада
ривожлантириш йўлида ҳалол ва заҳматли,
савобли меҳнатингизда
улкан зафарлар
тилайди!



Самарқанд вилояти «Электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси

озод ва обод юртимизнинг Мустақиллигига 18 йил
тўлганлиги муносабати билан республикамиз
аҳолисини, шу жумладан,
соҳа ходимларини чин қалбдан
самимий муборакбод этади!
Мустақиллигимиз абадий,
осмонимиз доимо мусаффо бўлсин,
азизлар!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
«ИНТЕР ТОЛА»
МЧЖ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз, энг суюкли айём — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан муборакбод этади! Юртимизда тинчлик-осойишталик, бахту иқбол, толе ва саодат мангу барқарор бўлсин!

"ЎЗСТАНДАРТ" АГЕНТЛИГИ
БУХОРО СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Истиқлол бизнинг йўлларимизни равшан, дилларимизни мунаввар этаверсин. Байрам шодиёнаси кунларида юртга тинчлик, барча юртдошларимизга хотиржамлик, саломатлик, оилавий бахт ва тотувлик тилайди!

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Халқимизга озодлик, ҳурлик келтирган Истиқлол айёми муборак бўлсин! Барчангизга тани-сиҳатлик, оилавий бахт, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги кенг қиррали фаолиятингизда улкан омадлар тилаймиз! Мустақил диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо, элимизнинг бахт-иқболи зиёда бўлаверсин!

"УРГАНЧТРАНСГАЗ" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ФУҚАРОЛАР МУРОЖАТЛАРИ

ҚОНУН ИЖРОСИ

таъминланишида Суд департаментининг вазифалари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиш, Конституция ва бошқа қонунларда ўзларига берилган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш йўлида ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва мафаатларини ҳимоялаб, давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақли эканликлари кафолатланади.

УШБУ ҳуқуқий қоидаларни инобатга олган ҳолда Суд департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бир мунча ижобий ютуқларга эришиб келинмоқда.

Статистик ҳисоботларга аҳамият берадиган бўлсак, 2008 йил мобайнида ҳисобот давридаги қолдиқ шикоятлар 40 та, ҳисобот даврида келиб тушган шикоятлар сони 435 та, республика Суд департаментидан жўнатилган шикоятлар сони 133 тани ташкил этади.Шундан қаноатлантирилгани 150 та, қисман асосли деб топилган шикоятлар 60 та, асоссиз деб топилганлари 8 та, тушунтириш берилгани 177 та, тегишлилигига кўра бошқа идора ва ташкилотларга юборилгани 25 та, кўрилмасдан қолдирилган ёки аноним шикоят 1 тани ташкил этади.

Фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан 2009 йил 6 ойи мобайнида ҳудудий бошқармада ҳисобот давридаги қолдиқ шикоятлар сони 18 та, ҳисобот даврида келиб тушган шикоятлар сони 104 тани ташкил этади. Шундан қаноатлантирилгани 134 та, қисман асосли деб топилган шикоятлар 5 та, тушунтириш берилгани 119 та, тегишлилигига кўра бошқа идора ва ташкилотларга юборилгани 7 тани ташкил этади.

Албатта, бу кўрсаткичлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ошганлигидан далолат.

Ҳудудий бошқармада фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан қабул кунлари жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларнинг қабул қилиниши юзасидан тизим вакилларининг умумий йиғилишларида нафақат бошқарма ходимлари, шунингдек, ижро бўлимлари ходимларига ҳам қатъий топшириқлар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, тизим вакиллари фуқароларни қабул қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008 йил 22 октябрдаги 84-ум-сонли буйруғи билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси Қоидалари»**га риоя қилган ҳолда амалга оширишлари юзасидан тегишли топшириқлар бериб борилмоқда.

Эргаш СУЮНОВ,
Суд департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ЭЪТИБОР

ЁНМА-ЁН ВА КЎМАКДОШ

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ЎТГАН ДАВР мобайнида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши вилоят таълим тизими ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бош қомусимиз ҳамда **«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонун ва бошқа қонунлар юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириб, 25 дан ортиқ ўқув-семинари, семинар тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун интилади, меҳнат қилади. Фарзандларимиз онгида ёшликдан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунчасини шакллантириш, ҳуқуқий онгли инсон қилиб тарбиялаш мақсадида вилоятдаги барча мактабларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда кенг миқёсда ишлар олиб борилаяпти. Ўқувчилар билан мунтазам равишда учрашув ва суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Шуниндек, республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ҳам вилоятимиз вакиллари республикада совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Вилоятда касаба уюшма кенгаши томонидан фан ва таълим ходимларининг ўз вақтида ойлик маошлари билан таъминланиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Ўтган давр мобайнида вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда жойларда меҳнат хавфсизлиги, техника хавфсизлигини таъминлаш, касб маҳоратини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йил якунлари бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловда Хўжаобод туманидаги 9-умумтаълим мактаби «Энг яхши касаба уюшмаси қўмитаси» номинацияси бўйича республикада фахрли 3-ўринга сазовор бўлди ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Фахрий дипломи ҳамда пул мукофотини қўлга киритдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат қонунчилигига оид қонунлар ҳақида нафақат ходимлар, балки иш берувчилар ҳам етарли билимга эга бўлмоғи шарт.

Хулоса қилиб айтганда, таълим муассасалари, педагог-ходимларини ҳуқуқий ҳимоялашда касаба уюшма ташкилотлари кўмакдош бўлмоқдалар.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари,
Жасурбек МАМАРАСУЛОВ,
ҳуқуқшунос

ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

муқаддас она заминимиз бағрида фидокорона меҳнати билан азиз юртимизни обод қилаётган халқимизни энг қутлуғ шодиёна – Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади! Юртимиз аҳли доимо соғ-омон, тинч-фароғатда яшасин, баркамол фарзандларимизнинг порлоқ истиқболидан бетакрор ва гўзал диёримиз нурларга тўлсин.

МЕҲРИДАРЁ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛЛАРИ ЧАРОҒОН БЎЛАВЕРСИН!

"УЙЧИНЕФТБАЗА" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни Мустақиллигимизнинг қутлуғ 18 йиллиги билан муборакбод этади! Ҳур диёримизни саодат, хонадонларингизни тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака асло тарк этмасин!

МАРКАЗИЙ МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини, Ватанимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳларни, дипломатик корпус вакилларини Ўзбекистон Мустақиллигимизнинг 18 йиллик қутлуғ тўйи ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан самимий табриклайди!

Юртимиз янада чароғон, ўтаётган ҳар бир кунимиз нурга тўлсин!



«ЕВРОСНАР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни
ҳамда мамлакатимизнинг «Ёғ-мой ва озиқ-овқат
саноати» уюшмаси таркибидаги барча касбдошларини
миллий байрамимиз — Истиқлолнинг 18 йиллик тўйи билан муборакбод этади!

Халқимизнинг азалий орзуси ушалган ушбу
дамлар нафақат бизнинг байрамимиз,
балки шу нурафшон кунлар умидида
ўтиб кетган аждодларимиз руҳи-поклари
шод бўлган кун, десак асло муболаға бўлмайди.
Зеро, Истиқлол миллатимиз асрлар бўйи
интизор бўлиб кутган ва эришган бебаҳо неъматдир.
Тилагимиз Мустақиллигимизга кўз тегмасин.
Юртимиз тинч-фаровон бўлсин.

Халқимизнинг дастурхонидан барака аримасин!

Жаннатмонанд Ўзбекистоннинг
меҳнатсевар ва фидойи халқини
энг улуғ байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 18 йиллиги
билан муборакбод этамиз!

«ЎЗВИНОСАНОАТ — ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, мамлакатимизнинг
янада гуллаб-яшнаши, халқимиз
фаровонлигини
ошириш, иқтисодиётимизни янада
ривожлантириш йўлида ҳалол ва заҳматли,
савобли меҳнатингизда
улкан зафарлар
тилайди!

Самарқанд вилояти «Электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси

озод ва обод юртимизнинг Мустақиллигига 18 йил
тўлганлиги муносабати билан республикамиз
аҳолисини, шу жумладан,
соҳа ходимларини чин қалбдан
самимий муборакбод этади!
Мустақиллигимиз абадий,
осмонимиз доимо мусаффо бўлсин,
азизлар!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
«ИНТЕР ТОЛА»
МЧЖ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз, энг суюкли айём — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан муборакбод этади! Юртимизда тинчлик-осойишталик, бахту иқбол, толе ва саодат мангу барқарор бўлсин!

"ЎЗСТАНДАРТ" АГЕНТЛИГИ
БУХОРО СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Истиқлол бизнинг йўлларимизни равшан, дилларимизни мунаввар этаверсин. Байрам шодиёнаси кунларида юртга тинчлик, барча юртдошларимизга хотиржамлик, саломатлик, оилавий бахт ва тотувлик тилайди!



АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Халқимизга озодлик, ҳурлик келтирган Истиқлол айёми муборак бўлсин! Барчангизга тани-сиҳатлик, оилавий бахт, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги кенг қиррали фаолиятингизда улкан омадлар тилаймиз! Мустақил диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо, элимизнинг бахт-иқболи зиёда бўлаверсин!

"УРГАНЧТРАНСГАЗ" УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ФУҚАРОЛАР МУРОЖАТЛАРИ

ҚОНУН ИЖРОСИ

таъминланишида Суд департаментининг вазифалари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиш, Конституция ва бошқа қонунларда ўзларига берилган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш йўлида ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва мафаатларини ҳимоялаб, давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақли эканликлари кафолатланади.

УШБУ ҳуқуқий қоидаларни инобатга олган ҳолда Суд департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бир мунча ижобий ютуқларга эришиб келинмоқда.

Статистик ҳисоботларга аҳамият берадиган бўлсак, 2008 йил мобайнида ҳисобот давридаги қолдиқ шикоятлар 40 та, ҳисобот даврида келиб тушган шикоятлар сони 435 та, республика Суд департаментидан жўнатилган шикоятлар сони 133 тани ташкил этади.Шундан қаноатлантирилгани 150 та, қисман асосли деб топилган шикоятлар 60 та, асоссиз деб топилганлари 8 та, тушунтириш берилгани 177 та, тегишлилигига кўра бошқа идора ва ташкилотларга юборилгани 25 та, кўрилмасдан қолдирилган ёки аноним шикоят 1 тани ташкил этади.

Фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан 2009 йил 6 ойи мобайнида ҳудудий бошқармада ҳисобот давридаги қолдиқ шикоятлар сони 18 та, ҳисобот даврида келиб тушган шикоятлар сони 104 тани ташкил этади. Шундан қаноатлантирилгани 134 та, қисман асосли деб топилган шикоятлар 5 та, тушунтириш берилгани 119 та, тегишлилигига кўра бошқа идора ва ташкилотларга юборилгани 7 тани ташкил этади.

Албатта, бу кўрсаткичлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ошганлигидан далолат.

Ҳудудий бошқармада фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан қабул кунлари жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларнинг қабул қилиниши юзасидан тизим вакилларининг умумий йиғилишларида нафақат бошқарма ходимлари, шунингдек, ижро бўлимлари ходимларига ҳам қатъий топшириқлар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, тизим вакиллари фуқароларни қабул қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008 йил 22 октябрдаги 84-ум-сонли буйруғи билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси Қоидалари»**га риоя қилган ҳолда амалга оширишлари юзасидан тегишли топшириқлар бериб борилмоқда.

Эргаш СУЮНОВ,
Суд департаментининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ЭЪТИБОР

ЁНМА-ЁН ВА КЎМАКДОШ

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ЎТГАН ДАВР мобайнида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши вилоят таълим тизими ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бош қомусимиз ҳамда **«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонун ва бошқа қонунлар юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириб, 25 дан ортиқ ўқув-семинари, семинар тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун интилади, меҳнат қилади. Фарзандларимиз онгида ёшликдан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунчасини шакллантириш, ҳуқуқий онгли инсон қилиб тарбиялаш мақсадида вилоятдаги барча мактабларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда кенг миқёсда ишлар олиб борилаяпти. Ўқувчилар билан мунтазам равишда учрашув ва суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Шуниндек, республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ҳам вилоятимиз вакиллари республикада совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Вилоятда касаба уюшма кенгаши томонидан фан ва таълим ходимларининг ўз вақтида ойлик маошлари билан таъминланиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Ўтган давр мобайнида вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда жойларда меҳнат хавфсизлиги, техника хавфсизлигини таъминлаш, касб маҳоратини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йил якунлари бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловда Хўжаобод туманидаги 9-умумтаълим мактаби «Энг яхши касаба уюшмаси қўмитаси» номинацияси бўйича республикада фахрли 3-ўринга сазовор бўлди ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Фахрий дипломи ҳамда пул мукофотини қўлга киритдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат қонунчилигига оид қонунлар ҳақида нафақат ходимлар, балки иш берувчилар ҳам етарли билимга эга бўлмоғи шарт.

Хулоса қилиб айтганда, таълим муассасалари, педагог-ходимларини ҳуқуқий ҳимоялашда касаба уюшма ташкилотлари кўмакдош бўлмоқдалар.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари,
Жасурбек МАМАРАСУЛОВ,
ҳуқуқшунос

ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

муқаддас она заминимиз бағрида фидокорона меҳнати билан азиз юртимизни обод қилаётган халқимизни энг қутлуғ шодиёна – Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади! Юртимиз аҳли доимо соғ-омон, тинч-фароғатда яшасин, баркамол фарзандларимизнинг порлоқ истиқболидан бетакрор ва гўзал диёримиз нурларга тўлсин.

МЕҲРИДАРЁ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛЛАРИ ЧАРОҒОН БЎЛАВЕРСИН!

"ЎЗКЕЙССЕРВИС" ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНА ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни муборак айём – Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги, кўҳна ва навқирон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрамлари билан табриклайди. Юртимиз осмони мусаффо, фуқароларимиз ҳаёти фаровон, фарзандларимиз келажаги порлоқ бўлсин!

«АГРОТАЪМИНОТ — Б.С.» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қўшалоқ байрам – энг азиз, энг улуғ айёмимиз – Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи муносабати билан қутлайди. Улуғ айёмлар арафасида тилагимиз – оиламиздан файз, уйимиздан барака, юртимиздан тинчлик аримасин!

«ФАРҒОНАНЕФТКИМЁМОНТАЖ» МЧЖ ЖАМОАСИ

барчангизни эркин ва озод яшаш, обод ва фаровон келажак барпо этиш имконини берган Истиқлолнинг 18 йиллик тантанаси билан қутлайди. Диёримиз одимлари бундан-да шаҳдам, фарзандларимизнинг истиқболи янада нурли ва саодатли бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-65-99, 233-84-50

e-mail: info@press-iq.uz

Масъул: Алимқул СУЛТОНОВ
Саҳифаловчи: Тўлқин РАУПОВ

Буюртма рақами: 09-706

Газета «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Индекс: 100129 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.